

R 496
2005/5

31



Guliston
2005/5



* * *

Саломатлигини эҳтиёт қилиб юрган одам ўзига нима фойдалигини ҳар қандай шифокордан яхши билади.



Сукрот

* * *

Бадантарбия билан машғул бўлинса, ҳеч қандай дори-дармонга зарурат қолмайди, бунинг учун муайян бир тартибга риоя қилмоқ шарт.

Абу Али ибн Сино



СОҒЛОМ ОДАМ ТАБИАТНИНГ БЕБАҲО АСАРИДИР

* * *

Соғлиқнинг ўзи ҳузур ёки у ёқимли олов тафти каби сўзсиз ҳузур бахш этади.

Томас Мор

* * *

Бахтимизнинг ўндан тўққиз улуши соғлигимизга боғлиқ.

Шопенгауэр

* * *

Маънавий соғлом бўлиш учун жисман бардам бўлиш ҳам лозим.

Лев Толстой

* * *

Бизнинг озуқа моддаларимиз шифобахш бўлмоғи, шифобахш моддаларимиз эса озуқа бўлмоғи лозим.

Гиппократ

* * *

Соғлиқ ундан баҳраманд кишига ҳам, бошқалар учун ҳам буюк неъматдир.

Карлейль

* * *

Инсоннинг наздида саломатлиқнинг баҳоси йўқ, чунки саломатлик бўлмаса, на фароғат ва на ҳашамат татийди.

Николай Чернишевский



Журнал 1925 йилдан чиқа
бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва спорт ишлари
вазирлиги

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:

Ўткир ЖЎРАЕВ

Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ

(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)

Абдусайд КЎЧИМОВ

Гулистон МАТЁҚУБОВА

НИЛУФАР

Нодирбек АҲМЕДОВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Абдулла ОРИПОВ

Неъматулла РАСУЛОВ

Жўракул ТУРСУНОВ

Ўктамхон ХОЛДОРОВА

Манзура ШАМС

(масъул котиб)

Комил ЮСУПОВ

Раҳмон ҚЎЧҚОР

Азамат ҲАЙДАРОВ

Бўлим муҳаррирлари:

Абдурауф РАҲИМҚУЛОВ

Зумрад ВАҲОБОВА

Мусаҳҳих

Ёрбек ИСКАНДАР

Навбатчи муҳаррир

З. Ваҳобова

Ушбу сонда:

Иброҳим БАФУРОВ

Кунларимнинг изоҳлари

Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА

Маринанинг муҳаббати

Қамбар ИСРОИЛОВ

Суюнчига... қорахат

Зумрад ВАҲОБОВА

**Менинг хосиятли
даҳзаларим**

Раъно ЭГАМШУКУРОВА

Ўйнаб гапирсанг ҳам...

Муҳаммадамиш АШУР

Ҳикоя учун мавзу

Манзура ШАМС

Рисолагазиздан рисола

Guliston
2005/5

Босишга 10.10.2005 да топширилди. Қоғози 60x84 1/8

Ҳажми 6,0 босма табақ.

Буюртма № 153

Таҳририят манзили: Тошкент — 700029,

Булок Турон кўчаси, 41-уй.

Телефонлар: Қабулхона: 136-56-01, Бош муҳаррир ўринбосари: 136-78-90

Масъул котиб: 133-07-94, Факс: 133-08-57

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий

кўтухонаси босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент, Х.Сулаймонова кўчаси, 33 - уй.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
091 — рақам билан рўйхатга олинган.

МУҚОВАЛАРИМИЗДА:

1-бетда: хонанда Гулбахор Сулаймонова.

2-бетда: кувалик машҳур боябон Мастура опа.

3-бетда: шoirа Фарида АФРЎЗ.

Азизларим, Оллоҳ таоло берган соғлиғимизни асрайлик. Чунки соғлом одамгина чинакам бахтли бўлади, чунки фақатгина соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир бўлади.

Ислом КАРИМОВ

ОТ ҲИНАТСИН БОЛАЛАР

— Дуконга югур, ўғлим, сигаретам тугабди, чекмасам асабим жойига тушмайди. Икки қути олиб кел. Гугурт олишни ҳам унутма...

Бироздан сўнг чекишнинг хумори тутган ота безовта бўлиб, дарвозадан чиқиб, гузар йўлига юзланди. Бесаранжом келатган кўшнисини кўриб қолди.

— Қўшни, ўғилчангиз катта қўчадан югуриб ўтаётганда, йўловчи машина туртиб юборибди. Ўзи соғ, фақат оёғи сал лат ебди. 14-шаҳар шифохонасига олиб кетишди...

Улар шошилганча шифохонага етиб келишди. Бу муддатда шифокорлар тезлик билан ўз вазифаларини адо этишган, боланинг синган суякларини жойлаштириб, гипслаб қўйишган. Отанинг ёдига ўғлига «Оёғингни қўлингга олиб югур» деган буйруғи тушиб, надомат чекди. Аммо энди кеч...

Яна бир ҳолат: ёш болалар, вояга етмаган ўсмирлар савдо-сотик, тадбиркорлик каби ишларга тортилади. Улар оғир юк кўтариб бозорларда, бекатларда сотаётган маҳсулотини реклама қилиб елиб-югуриш билан овора. Бундай ишлар болаларнинг ҳам жисмоний, ҳам ақлий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Натижада, ўсмирларнинг гавда ўсиши, айрим аъзоларининг меъёрга номувофиқ равишда бузилиши содир бўлади. Вояга етмаган болалар автомобилларга ёқилги қўйиш шаҳобчалари ёки автобекатларда машина ҳали тўхтаб улгурмасидан югуриб келиб, ойнани арта бошлайди ёки бошқа бир техник хизмат кўрсатишга ҳаракат қилишади. Транспорт ҳаракатланаётган пайтда бундай ишлар бола ҳаёти учун ўта хавфлидир.

Айрим шўхбекатларда ёки метродан чиқишдаги автобекатларда ўқувчилар йўловчи тўплаш учун овозларининг борича қичқирашади. 4-5 соат ана шундай манзилга чорлаб туриш билан бола овоз пардалари лат ейиши, томоқ оғриши каби ҳасталикларга чалинади. Айрим отаналар болаларнинг бўш вақтини шу йўл билан банд этиш тарафдоридирлар. Лекин болаларни меҳнатга жалб қилишнинг

Бош шифокор тахририятга келиб, ота-оналарнинг лоқайдлиги ҳақида кўйиниб гапираётганда шу воқеа ёдига тушди. Аслида 14-шаҳар болалар шифохонаси бош шифокори Моҳрибахон Обидова билан бошқа бир муаммо бўйича учрашган эдик. У режалар бир ёнда қолиб, ота-оналар, мактаб раҳбарлари, ўқитувчи-мураббийлар ва маҳалла фаолларига бот-бот такрорламоқчи бўлган ўғитини бошлади:

— Болаларнинг кўнгилсиз ҳодисалар иштирокчиси бўлиб қолаётганига кўпинча ота-оналарнинг ўзлари сабабчи бўлмоқдалар. Улар болалардан шошилинч ишларни бажариб қўйишни талаб қилишади. Оқибатда, бола тасодифий жараҳатлар олади. Айрим ҳолларда эса йўл ҳаракати қоидаларини кўпол равишда бузилганлиги учун ҳам бахтсиз воқеалар учрайди.

Яна бир марта шуни таъкидлаб айтмоқчиманки, болаларга бирон иш буюришда ниҳоятда ҳушёр бўлиш лозим. Сабаби, бахтсиз ҳодисалар таҳлилга кўра, болалар олаётган жараҳатларнинг 90 фоизи ота-оналарнинг лоқайдлиги туфайли келиб чиқмоқда.



қонуний меъёрлари мавжуд.

— *Моҳибахон, «Сўхат-саломатлик йили» Давлат дастури бўйича шифохода қандай ишлар амалга оширилмоқда?*


— 195 ўринга мўлжалланган шифохонамиз шаҳарнинг Мирзо Улугбек туманида жойлашган бўлиб, бу ерда уч ойлик чақалоқдан тортиб, 15 ёшли ўсмирларгача даволанишади. Шифохонамизда шошилич жарроҳлик, режали жарроҳлик, йирингли жарроҳлик ва тракил (ўпка) жарроҳлиги, травматология-ортопедия, гастро-энтерениология (ошқозон-ичак), реанимация-анестезиология бўлиmlари ишлаб турибди.

Бу ерда турли жароҳатлар, алендетри, ичак тугилиши, перетонид (ичак ёрилиши), ўпканинг йирингли емирилиши каби касалликлар асосан жарроҳлик ва анъанавий тиббий муолажа йўли билан даволанади.

Шифохонамиз замонавий тиббий жиҳозлар ва тажрибали шифокорларга эга. Оғир аҳволда келтирилган болаларга зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатилади, зарур бўлса тезда жарроҳлик амалиёти қўлланилади.

Шифохонада даволаш ишлари ҳар бир тиббиёт ходимидан ўзига хос тартиб-интизом, масъулият талаб қилади. Чунки бола организмнинг ўта таъсирчанлиги беморларга нисбатан жуда ҳушёр бўлиш ҳамда касбий тезкорликни тақозо этади. Буни эса меҳнат жамоамиз шараф билан удалаб келмоқда. Шу боис шаҳар шифокорлари даврасида ўзимизга хос ўрнимиз, обрў-эътиборимиз бор. Бундай ижобий анъаналарни жамоамиз қадрлаб йилдан-йилга сақлаб келмоқда.

— *Даволаниб чиққан беморлар ёки уларнинг ота-оналари шифокорга миннатдорчилик билдирар экан, «Кўлингиз дард кўрмасин», дея дуо қилишади. Бу миннатдорчилик туйғусида шифокорнинг ўз касбига муносабати, илми, тажриба ва маҳорати ҳам эътиборга олинади. Умуман, ходимларингизнинг касб маҳорати ҳақида нима дея оласиз?*



— Шифохонамизда Норбўта Қурбонов, Евгений Бутевченко, Шуҳрат Расулов, Намоз Қозоқов, Азиза Иброҳимова каби тажрибали шифокор-жарроҳлар бўлиб, улар ўз касбарини қадрлаётгани, беморлар дардига малҳам бўлаётгани учун кўпчиликнинг хурматига сазовор бўлиб келаяпти. Муассасамизда ўндан ортиқ илмий даражага эга мутахассислар, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, шунингдек, қатор техник ходимлар ўз фаолиятларини болалар саломатлигини тиклашга қаратганлар. Барча ходимларимиз, аввало, тинимсиз ўз билим ва маҳоратларини оширишга, соҳага оид янги-янги тажриба-амалиётларни эгаллашга ҳаракат қиладилар. Булардан ташқари, шифохонамиз жамоаси тиббиёт олий ўқув юртлари профессор ўқитувчилари билан яқиндан алоқа боғлаганлар. Улар ҳамisha амалий ва назарий билиmlари билан ёнимиздадир. Республика болалар бош жарроҳи, профессор Насриддин Эргашев, Тошкент шаҳар болалар бош жарроҳи, профессор Абдурашид Ҳамроев, шаҳар болалар бош травматологи, доцент Ботир Турсуновлар шифохонамизнинг барча даволаш ишларига бош-қош бўлиб, амалий ёрдам берадилар. Шу боис, беморларнинг асл ҳолати етук мутахассислар кўригидан ўтиб, дарҳол жарроҳлик ёки интенсив даволаш амалиётларига киришилади. Барча ҳаракатларимиз бемор болаларнинг тезда соғайиб, оёққа туриб, оила аъзолари бағрига, таълим масканларига қайтишларига қаратилган.

— *Беморларнинг тезроқ соғайиши улар истеъмол қилаётган озиқ-овқат ва жисмоний тарбия ишларига ҳам боғлиқ. Бу масала шифохонада қандай йўлга қўйилган?*

— Бизда беморларга тўрт маҳал овқат берилди. Беморлар ташҳисига қараб, парҳез таомлар буюрилади. Соғайётган беморлар билан эса врач тавсиясига биноан жисмоний машқлар ўтказилади. Уларнинг сайр қилишлари, турли ўйинлар ўтказишлари учун шарт-шароитлар яратилган.


— *Шифохонага ҳомий ташкилотларнинг ёрдами қандай?*

— Шифохонамизнинг асосий биноси жорий, икки қавати эса тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Ҳозиргача хоналар поли, эшиклари янгиланди, газ ва сув қувурлари алмаштирилди. Шунингдек, реанимация бўлими ҳам тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Мустақиллик байрами арафасида барча таъмирлаш ишларимиз ниҳоясига етказилди. Бу борада бизни оталикқа олган «Узметкомбинат» Бекобод ҳиссадорлик жамиятининг беминнат ёрдами эътироф этиш ўринли.

А. РАҲИМҚУЛОВ сўхбатлашди

Юртимизда ували-жували, серфайз, серфарзанд оилалар ва уларга бошчилик қилаётган табаррук онахон, отахонлар кўп. Уларнинг ҳаёт йўли, айниқса, фарзанд тарбиясидаги тажрибалари барчага намунадир. Бу оилалардаги ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, самимийлик фарзандлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади.

ФАРЗАНДА УМИД ЮЛДУЗИ



«Куш уясида кўрганини қилади», деган халқ мақолида хикмат кўп. Ота-онанинг ўзаро тотувлиги, бир-бирларига самимий иззат-хурмати фарзандлар учун катта мактаб. Шундай оилаларда тарбия топган ўфил-қизлар худди ота-оналари каби меҳнатсевар, сахий, инсонпарвар бўлибгина қолмай, балки ҳаётнинг ҳамма жабхаларида ўзларининг халол меҳнатлари билан ҳам ҳурмат қозонишади.

Халқимизнинг фарзандларга бўлган меҳри ва мухаббати, айниқса, серфарзандлик, болажонлик каби яхши анъаналари ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келмоқда. Буни яхши тушунган оилалар, ота-оналар ва фарзандлар ўз олдидagi бурчини янада мустаҳкамламоқда. Бу анъаналар авлоддан-авлодга ўтиши, давом этиши зарур.

Оиладаги болаларнинг ахил, дўстона муносабатлари ота-онанинг кучига куч, қувватига қувват, умрига умр қўшади. Болалардаги ташаббус ота-она томонидан тақдирланиши, бажарган ишларининг

хар кунни сифатига қараб қабул қилиниши уларда масъулият хиссини тарбиялайди. Бир доғишмаңд айтганидек: «Оилада ота-она болаларга доноликни, жасурлик ва оддийликни ўргатоғи лозим.» Дарҳақиқат, ота-она фарзандларига ўзининг пок қалби, одиллиги, донолиги билан ибрат бўлади.

Она — табиий тарбиячи. Бола тарбиясида онанинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Халқимизда «Ҳар ким экканини ўради», деган мақол бор. Фарзанднинг орзу-умидлари, режаларини ҳисобга олиш, керагида унга тўғри йўл кўрсатиб, кўмак бериш ота-она олдидagi бурчдир. Баъзи оилаларда болалар тарбиясини ота онага юкласа, она отага ишонади. Айрим ота-оналар эса, фарзанд тарбиясидан кўра, уларни моддий томондан таъминлаш билан банд бўлиб, болаларни ўз холига ташлаб қўйишади.

Кўпчилик ота-оналар болалар олдида арзимаган нарсалар учун уруш-жанжал қилиб, ўз мавқеларига путур етказишади. Болалар ота-оналари

орасидagi жанжалли муносабатларни кўриб, ҳаёт шу экан, деган тушунча ҳосил қила болади.


Тарбия бундай қараганда осон ишга ўхшайди. Айниқса, ўзи тарбия иши билан амалда, назарияда кам таниш бўлган одам уни енгил, ҳамма улдасидан чиқа оладиган иш, деб ўйлайди. Аслида бола тарбиясидек мураккаб иш йўқ.

Тўғри ва асосли тарбия инсон умрининг мустаҳкам пойдеворидир. Инсон фазилати, ҳаёт гўзаллиги ота-онанинг фарзанд тарбиясидаги узлуксиз меҳнати, фаросат билан, узоқни ўйлаб иш кўришига боғлиқдир.

Ҳа, ҳаёт бўстонининг мевалари бўлмиш азиз фарзандлар билан умримиз гўзал ва чароғон. Ҳаётимизнинг умид юлдузлари — фарзандлар тарбиясига янада эътибор билан ёндошиш биз ота-оналар олдида турган масъулиятли вазифадир.

Қўдрат АБДУЛЛАЕВА,

педагогика фанлари доктори, профессор



ИБРОҚИМ ГАФУРОВ

ҲАЁТ ВА УЛИМ ОРАСИДА

1994 ЙИЛ

Одам боласи шон-шухратга уч. Гўзаллик эса осонлик билан қўлга кирмайди. Қадимги латинлар «гўзаллик-қийин» дер эканлар. Одам боласи номус ва ориятга кўпроқ эътибор қаратади. Ўзи ҳақида одамларнинг фикри унинг учун жуда катта аҳамиятга эга.

Навий:

Қила олмас қорни дебо кийиб ўзини зебо,

Шол ҳам кийса, йиғитга ярашур зеболик.

Шол деб жундан тўқилган дагал матони айтганлар. Дебо эса юмшоқ, майин, нафис ипак мато.

Навий, Лутфий, Атойида либоснинг жуда гўзал таърифлари ва тасвирлари бор. Либос ўзи нима? Одамни одам қилган, унинг уятларини яширган ва бошқа яланғоч одамлар, махлуқотлардан ажратган, фарқдан тирган нарсами? Маданият, маънавият либослардан бошланганми? Одамнинг илк бора табиат ва коинотдан ажралиб чиқиши, мустақил ҳилқатга айланиши, ўзини ҳар томондан муҳофаза қила бошлаши либос кийиши заруратини англаб етганидан эмасми?

«183. Рўза кечаси аёлларингизга яқинлик қилишга ижозат берилди. Улар сизнинг либосларингиз, сиз эса — уларнинг либосларисиз.»

КУНЛАРИМНИНГ ИЗОҲЛАРИ

«223. Сизнинг аёлларингиз — сизнинг боғингиз (майсазорингиз), боғингизга қирингиз истаган чоғингиз ва ўзингиз учун ҳозирлангиз ва Худодан қўрқингиз.» «Бақара».

Мутаржим Муҳаммад Содиқ «экинзор» дебди. Қуръонда «харс» деб айтилмиш экан. Мутаржим Аловуддин Мансур «зироатгоҳ» деб талқин айтур. Крачковский «нива» дебтур. Валерия Порохова хоним эса «нива»га тўхтабди. Биз эса «майсазор» ва «боғ» деб талқин қилсакчи деган ҳаёлга бордик. Аёлни боғ ва майсазор деб тасаввур қилиш одама бениҳоя хуш ёқали. Лекин балки улугъ арабийшунослар ҳақдирлар.

Табат шунчалар донишманд ва меҳрибонки, у ҳамма-ҳамма нарсаларни пардалик қилиб яратди. Ҳеч бир нимани бепарда қўймади.

Либос одамнинг иккинчи қават пардасидир.

Ўзбеклар кўп доно мақоллар айтганлар:

«Эгилмаган бошдан бўрк тушмас».

«Совга қараб тўн бичма».

«Кийдирган тўннинг эскирмайди».

«Сўбини кўрмай этик ечма».

«Тилаб олган тўн тизагача чиқмас»...

Навий «Балосъ ул-бидоя» деб-босасида ўз газали ва девонининг бошқа газаллар, девонлардан фарқли, хос томонлари ҳақида ёзди. Ўз газалининг маърифатомизлиги билан фарқланишини айтади. Буларсиз газал ортиқча захмат ва фойдасиз машаққатдан бошқа нарса эмас. Кўряпсизми, инсонга дахлдор нимамай мавжуд барининг ўз либоси бор. Фазалнинг, бадий сўзининг либоси унинг маърифатомизлиги ва маъвизатангизлигида.

Либос кийган фикр ақлнинг зийнати ва заковатнинг ҳаёси.

Кайковус ва Кайхусрав замонларида яшаган (мелоддан аввалги 540 йилларда) юнон набийларидан Абарис исмли зот скифнинг ўғли бўлган. Скифлар эса бизнинг авлодаждоларимиздир. Абарис борлиқ туман ва тундан бино бўлган деб айтар экан. Абарис олтин найза кўтариб юрар ва ҳавода учар экан. Аҳоли орасида вабо тарқалганда, уларнинг амалини қилиб халқни вабодан халос қиларкан.

Тахминан худди шу замонларда яшаган бошқа бир юнон набийси Гермотим «Коинотни ақл ҳаракатга келтиради», дейди. Ақл ва руҳга эга бўлганига кўра одам худди худодек кўринади. Гермотим «бизнинг ақлимиз худодир» деган. Балки бу сўзни Анаксагор айтгандир. Ақл одам борлигида Худонинг чексиз борлигидан зарраи бир улушдир. Шундан бошқа ҳаммаси қуруқ гаплар ва бемаънилик. Гермотимнинг дили (жони) кўп маҳаллар унинг жисмини тарк этиб дунё ва коинот пучмоқларини сайр этаркан.

Анаксимен эса ҳамма нарса-нинг асоси ҳаво деб айтади.

Пифагор Зардуштан дарс олганлиги ҳақида тарихнинг жуда қимматли аҳбори бор. Зардуштнинг набий даражасига кўтарилган ушбу шогирди айтар экан:

Ибтидо ишининг ярми;
Ҳамма нарсалар сонларга ўхшайди. Истисно йўқ;

Барча нарса-ҳодисалар сонлардан туғилади...

Булар либос ҳақидаги тушунчаларнинг учқунлари. Оддийгина кўринган либос оддий эмас.

94-йилнинг кеч кузакларида ўзимга руҳий — ички ва ташқи либос қилдириб, ҳазрат Довуд алай-ҳиссаломнинг «Забур»га кирган қўшиқларини ўзбекчаштиришга уринган эдим. 92-йилда доктор



Юсуф Гулкаронинг «Забур»дан ағдармаларини ўқиган эдим. Лекин ҳар юрак Довуд тараннумларини (Гулкарон «сано» деб айтганлар) ўзича кашф этгиси, ўзича очгиси ва талқин қилгиси келади. Шунинг учун Гулкаронга «сано» деб айтиш қанчалар гўзал ва Довуд ҳақиқатига яқин туюлса, менга ҳам тараннум дейиш шунчалар гўзал ва ҳақиқатнинг аини ўзидай туюлади. Зеро, Довуд ўз кўшиқларини қўлида сөз билан куйга солиб айтган. У беҳад сеҳрсоз куйлар соҳибни бўлган. Навоий ҳам ўз газаллари ва дostonларини куйлаб айтган. Либос фақат шамолдагина ҳаракатга келиб, ўзининг неча турли жозиба ва гўзаллигини намoён қилгандай, сўз ҳам фақат куй билан чин ҳаракатга кирди. Шунинг учун қадим сеҳрсозлар доим сўзни куйга уйлантирганлар...

ДОВУД 12 ТАРАННУМ

2. Тобакай Аллоҳим, мени унутгайсан, ахир қачон-гача мендан жамолингни яширгайсан?

3. Тобакай дилим ичра кенгаш тузгайман, қалбимда қайғу-ҳасрат куну тун қачонгача? Қачонгача менинг ганимим мендан устунлик қилади?

4. Назар қил, тингла арзим, Раббим, Аллоҳим! Кўзларимни ёруғ қил (мунаввар эт), токи гафлат уйқуси мени маҳв этмағай.

5. То рақибим айтмасунким: «Мен уни енгиб ўтдим». Мен ўрнимдан кўзгалсам, қувиб келаётган шодланмасин.

6. Сенинг марҳаматингга таянгайман; Дилим яйрар, зотан сен халос этувчисан; Неъматлар ато этгучи Аллоҳимга ҳамду сано айтаман.

Ҳазратимиз бу ерда либос йўқлигидан нолиш қилаётгандай.

КАСАЛДАН ТУЗАЛИШ

Саксонинчи йилларнинг охирида буйрагим оғриб, кўп нохуш бўлдим. Эзилиб бораётганимни кўриб қувё бир дўхтирга олиб борди. У мени бир ой ичида доволади. Ўзимга келдим. Лекин 94-йилга келиб ҳам баъзан захлик, баъзан совуқдан дарров нохушликка ботардим. Кайфиятимда сабаб-бесабаб дилгирлик, ҳеч нарсага ёқтирмастик пайдо бўларди. Шундай дилгирлик жонимга тегиб, февралнинг захга ботган эрта пайти Олойга бора туриб, хаёлимга юмшоқ аравачадай филдираб шу сатрлар кирди:

*Ёловнга айланар цаҳорлар,
Сед бўлиб оқмайди тирақлар.
Жонингдан тўйдигинми, тенттагини,
Қўзингга кўринар сароблар...*


Лекин... 11 феврал ажойиб кун бўлгани эсимда. Эрталаб эски ой ботди. Кечқурун соат еттидан ўтганда янги ойнинг ўроғи кўринди. Бир куннинг ўзида ҳам

кетаётган ойни, ҳам келаётганини кўришга муяссар бўлдим. Бундай ҳол камдан-кам бўлса керак. 94-йилнинг 14 февралда япон ва чин тақвими бўйича ит йили бошланди ҳисоб. Утган кунни ёққан қалин, майда қорнинг совуғи анча-мунча жизиллатиб турди. Совуқнинг забти кеча ҳам, бутун ҳам пайсагани йўқ. Одамнинг юзи, қулоғи, оғзи ачийди изғиринда. Шимол томондан эсиб келаётган ёқимсиз изғирин уй ичини ҳам гўриллатиб, совуқ забтига тўлдирди ва одам ҳаловатини йўқотди. Азаройи совуқдан оёқнинг илгида симиллаган оғриқ турди.

Бутун рамазон оғи кирди. Сахар файзидан файзландик. Рўза кунлари одам андак маъюслини қолади. Рўзанинг биринчи кунни кўёш чарақлаб турар, лекин азёз димоқни ачитарди. Туш чоғи «Жигули»ни ВАЗ устахонасига олиб бордим. Баъзи қисмларини алмаштирилган пайт келган. Ҳозир бу қисмларни топиб бўлмайдим. Бир-икки ойдан кейин келиб қолар, деб умидвор қилишди. Ишдаги юмушларни битириб, уйга қайтдим. Совуқнинг захридан қутулиш учун бирпас эски тўнга қаттиқ бурканиб ётдим. Жоним исиб, ўрнимдан туриб, мансураларнинг «Пирлар дарахти» туркумини оққа кўчирдим. Айрилиқ ҳақидаги бу мансуралар мени маҳзун қилиб қўйди.

Бутун мунажжимлар таъбирида ёзилишича саховат кунни. Мунажжимларга биров ишонади, биров ишонмайди. Лекин таъбирлар тўғри чиқса-чиқмаса, одамни ўйлатади, хушёр тортиради. Табиатда одамга одам боласининг ўзидан ортироқ, кўрқинчироқ хавф ва кўрқинч йўқ. Назаримда, табиятнинг ўзидан келади-ган кўрқинчлар ҳам одамзоднинг кўрқинчи олдила ҳеч нарса эмас. Буни баъзан ер даҳшатли силкиниб, жойларни ер ютганда, неча тинглаб кишилар ўлим чоғига ботганда марлумозор талончиларнинг пайдо бўлишидан ҳам билса бўлади.

13 феврал, якшанба. Ойнинг тўртинчи кечаси. Дарахтлар титраб, қалтираб турадилар. Уларга тегиб бўлмайди. Февралнинг бундай кунлари одамлар ёлғиз қолишга мойил бўладилар. Осмон булут... баъзи ёқларда булутлар ичига ажиб шуъларга тушиб турибди. Баъзи ёқларда булутлар худди оқ докадай, бошқа ёқларда эса бурқсаган тугундай қорайган. Кечаси совуқ бўлди. Кундузи ҳам ачитиб ўтмоқда. Ерлар, қорлар музлаган, оёқ остида қасирлайди. Булут бўлишига қарамай мўрқонлардан кўтарилаётган оқ буғ ва ҳовур тиккага ўрлайди. Дарахтлар орасида уч-тўртта қарга қувлаш-мачоқ ўйнашади. Шанба кунни кутубхонага бориб, Беҳбудийнинг «Самарқанд» газетасини ўқидим. Беҳбудийнинг ёзганлари жуда мағизли, мазали. Оғриб турган ярангизга кўйилган малҳамдай. Кутубхона хазиналари ичида ўтирсанг, ўтмиш воқеалари ичига шўнгисанг, не-не вақтларни бекорга совурганинг, қимматли дамларни бой берганинг кўз ўнгингдан бирма-бир ўтади. Лекин одам нега ўз вақтида вақтини қадрламайди? Балки вақтни чинакам қадрлаш учун одам этилиши, тўғри тарбия олиши керакдир?



19 феврал, шанба. Кеча ва бугун қуёш чарақлаб, қалин тушган қор эрий бошлади. Лекин совуқ жижиллаб турибди. Бугун Куёш Хут ичига кирди. Куёш, нур ва аёз.

Муқимий театрида Ўткирнинг ўқитувчилар ва ўқувчилар билан учрашуви бўлди. Учрашувдан кейин ёзувчининг асари томошаси кўрсатилиши керак. Кўплар шунинг учуни тазроқ томошани кўришга ошиқиб, суҳбатни тингламайдилар ёки зерикиб ўтирганларини яширмайдилар. Сўзловчининг гапи андак чўзилиб кетса, «бўлди», «зерикиб кетдик» деб қичқирадилар. Ўткирнинг кўп учрашувларида бирга бўлганман. Одатда, жуда диққат билан қизиқиб тинглашади. Лекин томоша ваъда қилинган, ҳеч кимнинг суҳбат ва гап-сўзларга тоқати етмайди. Ўткир ҳам буни кўриб қийналади. Охирида сўзлашим керак эди. Залнинг тоқати тамом тоқ бўлди. Зал томоша истагиди ёнарди. Сўзидан узр сўраб воз кечдим. Ўттиз йилдан ошди, адабиёт мухлислари Ўткирнинг асарларини ўқиймиз. Унинг содда ўзбекона услуби, қахрамонларидан завқланамиз, ўзимизни маънан бойигандай сезамиз. Менга қолса, унинг асарларини ўқиганда оғир, узоқ қишдан сўнг юмшоқ, илиқ баҳор кунларига чиққан, етиб келгандай енгил сезаман, енгил нафас оламан. Кўкатларнинг ҳиди келади, ҳаёт сари интилган куртаклар қорайиб бўртиб, портлайман деб туради. Жуда кўп кишилар мамлакатнинг турли бурчақларида унга: «сизнинг асарларингизни ўқиб катта бўлганмиз», дейишади. Ўткир оғир ҳафсаласизлик замонларида ҳам одамларнинг ақли, виждони, эрк туйғуларига самимий муурожаат қилади. Ялтоқланишдан узоқ урди. Шулар ҳақида сўйламоқчи эдим. Вақт етмади.

АПОЛПОН

Аполлон критликларнинг кемасини Парнаста ҳайдаб келди. У қора кема тагида худди делфинга айланиб турди ва кемани унинг тагида туриб, суриб борди.

Аполлон критликларнинг уста камонсоз эканликларини билиб, уларнинг Делфиниядаги ўз ибодатхонасида хизмат қилишларини хоҳлади.

У критликларга шу сўзларни тайинлади:

Мабодо сиз бекорчи сўз айтсангиз ва бефойда иш қилсангиз,

хом суг эмган банда каби керилсангиз мабодо ўзга одамлар келгай ва сизни қул қилгай улар қарамликда қолгайсиз грифтор сўлиб то абад Сўз тугади. Уни сиз юракларда сақлангиз.

Аполлон қаранг, ҳўб айтган экан! Бекорчи сўз, бефойда иш бари лақмаликдан. Гердайиш, кеккайиш, такаббурилик ҳам бориб турган лақмалик. Лақмаликдан эса қарамлик, қашшоқлик, қашшоқ-

ликдан қутулиш йўлини билмаслик келиб чиқади. Ўзбек буни соддароқ қилиб айтган: Бекорчидан Худо безор!

Аполлоннинг сўзларини ойнак қилиб тарихимизга қарасак, нимани кўраимиз? Одамнинг эти жунжикиб кетади.

91-ЙИЛНИНГ БИР КУНИ

6 июн, пайшанба. Ҳаво жуда оғир бўлди-ей, оғир бўлди. Одамнинг бўғзига нафас етмайди. Каппа-каппа оғзингизни очасиз. Томоғимга зора муздак ҳаво тегса, дейсиз. Осмонни оғир булутлар чирмаган. Бунчалар оғир булутларни ҳеч кўрмаганман. Улар самолардан келадиган енгил озон йўлларини тўсади. Булутлар кечаси Тошкент узра яна кучайди. Ҳеч бир рассом, киночи бундай булутларни чизмаган, тасвирламаган. Булутлар кун бўйи ҳам аримади, ҳаво зарра очилмади.

Эсингдами ўша июн?

Пешинда қаттиқ шамол кўзғалди. Момақадирок даҳшат солиб гулдиради. Ҳамма нарсани шопириб, эгиб, букиб шалдош шамол келди. У ер-бу ердан дарахтларнинг қарсиллаб йиқилган овози эшитиларди. Томларнинг тунуқалари тарақларди. Эски шиферларнинг парчалари осмонда учиб юрарди. Скверда хангама қуриб ўтирган бир гуруҳ талабалар баногоҳ қийқариб юбордилар. Шамолнинг қора гирдоби келиб қизларнинг атлас қўйлакларининг этакларига, йигитларнинг поча шимларига ёпишди. Шамол уни менеммай ўтирган ёшларнинг ич-ичларига ўзини урди. Қизлар ўринларидан туриб, юридик факултетнинг биноси ичига қочдилар. Сўнг бирдан шатир-шугир қилиб дўл ёғди. Кўча гавжум эди, бир зумда бўшади, хувиллади-қолди. Боғнинг қўм-қўк майсазори ичида тимириклиниб юрган қўк кабутар нима қилишини билмай, патираб, ўзини ҳар томонга урди. Неганин эсига том тагига, бўғот орасига беркиниш келмайди, дейман. Қўрқиб кетган қўк кабутар қаерга беркинишини ҳам билмай қолди. Ижтимоий ҳаётда ҳам одамларнинг бошини айлантирадиган кўп воқеалар шиддатли тезлик билан рўй берар эди. Табиатдаги безовталик жамиятдаги безовталик билан қўлма-қўл, елкама-елка борарди.

ҚАДИМГИ ЮНОНЛАРДА

Қадимги юнонларда ҳаётнинг мазмуни, маъноси уч нарсга боғлиқ деб қаралган:

Аввало: дунёда ички адолат қонуни ҳукм суради.

Иккинчидан: Тақдир илоҳсизлик қонуниятига бўйсунди. Илоҳсизлик қонунияти нарса яхшими, ёмонми, тубанми, олижанобми — булар билан ҳеч бир вақт ҳисоблашиб ўтирмайди. Рўй бериши керак бўлган нарса, албатта, рўй беради.

Сўғин: Тақдир вазиятлар ва ҳолатларнинг бир-

бирига тўғри, тўқнаш келиб қолиш қонуниятига бўйсунди ва унга оғишмай рию этиди.

ДОВУД ҚУШНИҲ 13 ТАРАННУМ

1. Телба ўз кўнглида айтди: «Худо йўқдир». Улар бузилдилар, қабиҳ ишларни қилдилар; яхшилиқ қилгувчи йўқдир.

2. Аллоҳ самовотдан бани одамга назар солди, Худони англагувчи, излагувчи бормикин, кўрайин деди.

3. Ҳаммалари юз ўтирдилар, бутунлай яроқсиз бўлдилар, хайр қилгувчи йўқ, биронта ҳам йўқ.

4. Наҳот гораггарлар тийилмайдилар, халқимни нон егандай еб ётганлар наҳот Худони эсламайдилар?

5. У ерда улар кўрқинчдан кўрқарлар. Илло Худо сиддиқлар била бирлагар.

6. Сиз Аллоҳдан умид қилган гадонинг хаёлидан куддингиз.

7. «Ким Сиондан Исроилга халоскорлик ато этади!» Аллоҳ ўз халқини асоратдан қайтарганда, ўшанда Иаков шодумон бўлмай ва хуррам бўлмайди Исроил.

ҚИЗИЛТЕПАДА

22 феврал, 1994 йил. Қизилтепада Ражаббиди опамиз қаҳо қилди. Ул кишидан неча хушбахт, яхши фаразлар қолди. Бири адвокат, бири мактаб директори, бири муаллима, бири инженер. Тонг қоронғусида Қизилтепага етиб бордик. Қора, қуруқ совуқ одамни қуриган яроқдек қалтиратади. Қора изирин эсади. Осмон совуқ туманларга бурканган. Ерлар муз. Кундузи эриган қорлар йўл чеккаларида, соя-овлоқларда қирлиниб қотган. Ражаббиди опамизнинг жанозаси катта йўлнинг асфалти устида ўқиди. Қариялар асфалт устига кавушларини ечиб, сафга турдилар.

Тобутни кўтаришиб борарканмиз, асфалт йўлнинг ўртасида ўлиб ётган илоннинг мажакланган лошига дуч келдик. Ёнимда бораётган Умид ака: «Қаранг, илон!» деди секингина шивирлаб. «Ажаб, февралнинг шу соғуида ҳам илон ташқарига чиқарканми?» дедим. Паҳсадан солинган уйларнинг қавак-тушукларида илонлар кўп қишлайдилар. Балки нимадандир безовта бўлиб эрта уйғониб қолгандир.

Сўнг осуда, маъёс суҳбатлардан хўрсинишлар эшитилади. Бир қария белини уч-тўрт белбоғ билан боғлаб олган. Дам-бадам хўрсиниб, нимагадир: «О, тирромлар!» деб қўяди. Айтишларича, унинг ёшига қизи яқинда ўзини осиб қўйган. Кимдир алаганми, савдо-сотикда иши юришмаган, бировнинг айби учун жавоб беришига тўғри келиб қолган. Мелисахонага суриштиришга олиб борганларида эрталаб, тонг қоронғусида мелисахона деворидан ошиб қочган. Кўйлагининг этаги мелисахона девори устида йиртилиб қолган. Қиз уйга келгану отасининг мачитта кетганидан фой-

даланиб, ўзини деразага ослан. «О, тирромлар!» деб оғир хўрсинади энди отайи зор. Содда одамлар ҳеч ерга шикоят қилмайдилар. Ёзмишдан кўрадилар. «Баҳслашиб ўтирмаман. Ҳозирги одамларнинг кўпи ҳақиқатан тирром!» дейди яна бир куйган. Уйга февралнинг соғуидан андак исиниш учун кирганимизда шундай гагмин суҳбатлар учкунлайди. Шундоқ кўз ўнгимизда, даҳлизда оғир қалин «рабочий», «кирза» этиклар. Одамлар ранги ўчган тўнларига ўралиб ўтиришади. Ёшлар пича дуруст ва замонавий кийинишган, улар суҳбатга аралашмайди.

Тошкентга қайтдик. Йиллар ўтиб ҳали ҳам ўша тирромлар, ўша тирромлар — уларни ҳеч эсдан чиқариб бўлмайди.

1 март, сешанба. Тонг қоронғусида ундай эланиб қор тушди. Кун ўртагача ёғиб турди. Ерлар юпқагина оқарди. Қор қанча ёғмасин, у энди ерда турмас, эриб кетар, «пилч-пилч» хамирга айланарди. Тушдан сўнг қор тинди. Бир баланд бинога арзимаган иш учун уч маротаба боришга тўғри келганлигини айтмасам, кун яхши, илҳомёр эди. «Зулуқлар», «Малъун тош» туркумларини ёздим. «Пирлар дарахти»ни радиода ўқидим.

14 март, душанба. Шу кунлар ўз-ўзим билан қаттиқ овораман. Кутубхонани тартибга солмоқчи бўламан. Керакчи китобларни керак пайтга тополмай хунобим ошади. Кайфият ўзаргади. Бирон ерда ёзилган сўз кўлимаганда эсимга тушади. Уни дарров, шу тобда топиб, яна ўқимасам, кўнглим жойига тушмайди. Куним баъзан кутубхонадаги китобларни қидириш билан ўтади.

8 март кунги ҳаво майин эди. Дустим билан боққа йўл олдик. Атиргулларни қайта кўчириб эдиким, уларнинг жойларини ўзгартирдим. Боғ кимсасиз. Баҳор шамоли ялағоч шох-шаббаларни шопиради. Ер қазиб енгил тортсам-да, анча толиқдим ҳам. Уйга қайтганда толиқиш, аинқиқа, билинди. Рўзанинг охириги кўнлари. Мақолалар тайёрлаш, диссертациялар ўқиш, тақрирлар ёзиш, ёшлар суҳбатига нутқ ҳозирлаш. Яқинда «Миллий хаёллар» чиққан эди. Яшин ака ўқиган эканлар, кўнгироқ қилиб, телефонда узоқ сўйладилар. Аср ўрталаридаги хангомалар, қувди-қувди, қочди-қочдиларни эсладилар. «Бир келасиз. Мен сизбоп материаллар тайёрлаб қўяман. Шундай гаплар бор...» дедилар.

Осмон бетида баҳор булутлари шудгорланадилар. Тўп сурган футболчилардай бир-бирларини туртишиб-суртишиб, ағатишиб илгари чопадилар.

Ўриклар бўртиб қолди-я...

Кечки пайт Чотқолнинг ортидаги чўққиларининг учигина кўриниб турган тоғларга қўёшининг энг сўнги шуъалари тушади. Тоғлар худди аква-риум каби ёришади. Муз қотган қорлар ярақлайди. Осмон ва ерда баҳор тошади.

*тирромлар, шевада

ШОГИРДААР АРДОҒИДАГИ МУРАББИЙ

«Меҳр нури ёғар доим юзингиздан, устозлар,
Юрсам дейман бу табаррук изингиздан, устозлар»

Ушбу сатрларда устозларга нисбатан чуқур хурмат-эҳтиром, уларнинг шарафли касбига ҳавас ва салмилий миннатдорчилик туйғулари битилган. Дарёқе, фидоий устозларга ҳар қанча хурмат-эҳтиром кўрсатсанг, миннатдорчилик изҳор этсанг муносибдир. Доно халқимизнинг «Устоз кўрмаган шоғирд — ҳар макомга йўрғалар», деган нақлида чуқур маъно бор. Дарҳақиқат, инсон бирор касбни танлаб, шу касб сир-асрорларини мукаммал эгаллаши учун, албатта, яхши устоз қўлида тарбияланиши зарурлиги ҳеч қилма сир эмас. Шу билан бирга дехқончилигу хунардончиликдан тортиб, то илму фан, спорт, адабиёт ва санъат каби барча соҳаларнинг ривожланиб, юксак даражаларга кўтарилишида устозларнинг, хусусан, уларнинг беҳимнат, фидоикорона меҳнатларининг ўрни беқиёсдир.

Бугунги кунда ўзининг 70 йиллик таваллуд айёми ва қарийб 45 йиллик ижодий фаолиятини қарши-лаётган каллтарин инсон, ўз касбининг устаси ва фидоийси, юзлаб шоғирдаларнинг мураббийи Раҳмиддин Қипчоқов шундай устозлардан биридир.

Раҳмиддин болалигидан санъатга бўлган қизиқиши туйғайли 13 ёшида Фарғона шаҳар музыка мактабига ўқишга киради. Мактабни устоз Т.И.Непоряткин синфига рубоб прилла сози бўйича аъло баҳоларга битиргач, 1954 йили Тошкент Давлат консерваториясига ўқишга киради. Бу ерда В.Я.Борисенко, А.Баҳромов ва Ф.Н.Васильев каби ўқитувчилар синфига рубоб прилла ва қашқар рубоби бўйича таҳсил олади.

Консерваторияда ўқиб юрган кезларида қизиқувчан ва изланувчан Раҳмиддин тинимсиз изланди, ўз устида мунтазам ишлаб борди. Тошкентдаги кўплаб устоз санъаткорлар билан мулоқотда бўлиб, санъат сирларини ўрганиб, ўз билимларини янада кенгайтириб борди.

Д.Зокіров номли халқ чолғулари оркестрида бир мунча вақт фаолият олиб борди. Ҳақиқатда таъкил этилган ёшлар ансамблида ҳам ишлади. Айнан шу жамоада Энмарк Солиҳов, Ботир Зокіров, Луиза Зокірова, Феруза Солиҳова каби таъкил санъаткорлар билан 1957 йилда VI жаҳон ёшлари фестивалида иштирок этди.

Консерваторияни муваффақиятли тугатган ёш мутахассис йўлланма билан 1959 йилда эндигина

очилган Фарғона санъат билим юртига ўқитувчи қилиб ишга юборилди. Билим юртида рубоб прилла, қашқар рубоб, чанг, дутор чолғуларидан ва дирижёрликдан дарс бера бошлади. Шунингдек, билим юртида талабалардан халқ чолғулари оркестри таъкил этиб, бу оркестрга 25 йил раҳбарлик қилиб келди. Оркестр билан бир неча бор республика миқёсига концертлар берди.

Ўтган давр мобайнида Р.Қипчоқов тинимсиз ижодий фаолият олиб борди. Натижада, ўзбек халқ чолғулари оркестри ижрочилик имкониятларининг ривожланишига, ижро репертуарининг кенгайишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. Бир қатор ўзбек халқ куйлари, «Фанязия», «Чакра-чаки», «Хоразмча рақс», «Озарбайжонча сюита», «Дилбаржон», «Дилхирож», «Кечал тунг отди» каби 60 дан ортиқ асарларни ноталаштириб, оркестр учун мослаштириб, дошлий ижро репертуарига киритди.

Ўзбек халқ куйлари ва бастакорлар ижодига мансуб бўлган «Раққосасидан», «Отмлагай тонг», «Завқил келур», «Она орзуси» каби куйларни, Озарбайжон композитори Р.Кулиевнинг фортепьяно учун ёзилган «Аскерану» пьесасини қашқар рубоб ва фортепьяно учун мослаштирди.

Раҳмиддин Қипчоқов ўзининг қарийб 45 йиллик ижодий-педагогик фаолияти давомида юзлаб шоғирдалар етиштириб чиқарди. Улар орасига Ўзбекистон халқ артистлари Таваккал Қодиров, Султонали Маннопов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Мамасиддиқ Мадалиев, Қирғизистонда хизмат кўрсатган артист Зоқир Шоқиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Абдураҳмон Холтожиев, Илҳом Иброҳимов, хонанда Ахрор Усмонов, созандалар М.Қосимов, Т.Қаҳқоров, М.Холиқов ва А.Рузибоев каби таъкил санъаткорлар бор.

Бугунги кунда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, олий тоифали ўқитувчи Раҳмиддин Қипчоқов Фарғона санъат коллежиги талабаларнинг, барча ўқитувчиларнинг мураббийи, маслакдоши, севишли устози сифатида фаолиятини давол етиштирмоқда. Устоз ҳаминша шоғирдалар ардоғида. Биз бу каллтарин инсонга, қадрли устозга сўхат-саломатлик, куч-қувват ва яна кўп йиллар шоғирдалар ардоғида бўлишини тилаб қоламиз.

Одинжон НАЗАРОВ,

Ўзбекистон Давлат консерваторияси ўқитувчиси

Еш дўстларим бот-бот сўрар маслаҳат,
Илму ҳунар ёхуд ижод бовида.
Муҳаббат — икки дил гавҳари, адбат,
Лек сўраб қолурлар ишқ китобидан.

Билганларим бир-бир дегум ҳарқалай,
Муҳаббатдан сўрга, жавоб мушкулдир.
Зеро, ушшоқ аро устоз бўлмагай,
Ишқ бовида устоз фақат кўнгулдир.



Мирза ҚАЙНАРОВ


Муҳаббат — ИШҚИ ДИЛА ГАВҲАРИ

Сенинг дардинг билан яшайман, халқим,
Ардоқлайман токи умрим борича.
Одам санамангиз бўлмаса орим,
Ёвқур йигитларнинг номус-орича.

Даврага қўшилди келиб бир одам,
Гурунги авж олмади, сусаймади ҳам.
Чиқиб кетди бунда ўлтириб бир оз,
Кузатиб қўймади бироррта ҳамдам.

Оху ярасига излар мўмиё,
Мен эса излайман пурмаъно сўзни.
Сўзларим дардингга бўлмаса даво,
Фидо айлагайман муқаррар ўзни!

Бир фикр миямда чарх урар ҳар гал,
Дўстлар даврасида ўлтирган маҳал.
Ўз ўрнинг бўлмаган даврадан кўра
Танҳоликда юрмоқ минг карра афзал.



Сарбаланд эркан нетай, ёр пойига бош етмади,
Ҳажрида умрим бўйи йивлаёй дегим, ёш етмади.

Бу жаҳон айвонида ҳар ким кезар ҳамроҳ ила,
Ҳаммага йўлдош насиб, лек менга йўлдош етмади.

Ўйеласам ёр ишқига эл аро, дерлар, ўят,
Ўйеламасликка нетайкиш, сабру бардош етмади.

Мирзо, аҳволинг баён айларда ёзма борини,
Ҳасбу ҳолиниги ўқуб, майли десун фоти етмади.

Телба аҳволим кўриб санги маломат ёдирар,
Онча кўп тош отдиларкиш, оқибат тош етмади.

Ул қийиқ қошлар нетар, ўчгаймў ё кўнмоқчимў?
Лаъл лаблар ўстига бир дона хол инмоқчимў?

Қурдилар мажлис баҳо бермакка ёр тирновига,
Айдилар, минг ганжи олам, ҳам Қўқон, Шом етмади.

Тил қаро шахлолари дил мўлкани айлар тароҳ,
Лек ўлар яемолгани тан олгаймў, тонмоқчимў?

Дардга тўлганда кўнгул, кам қолди тезғамда ҳабиб,
Оҳким, дил дардини тингловчи сирдош етмади.

Ноча ишқим ўйқўсиз кезгум ҳажр саҳросида,
Дилбарим ишқ кўйида беворму, ўйвонмоқчимў?

Етмагай чизмоққа ҳуснинг ҳеч мусавбир қуврати,
Кўйикини нақш этгани юз мингта наққош етмади.

Ишқ занжирда қалбим чирпаниб гоҳи, нетар,
Ўзни қутқармоқчимў ё маҳкам боёланмоқчимў?

Ёр ўйли аста сўтургай эрди қўёш нури билан,
Мен дегим, фаррош бўлай, найлайки, фаррош етмади.

Охири ёр васлига етдимў, Мирзо, билмадим,
Ишқ савдоси битдимў ё энди бошланмоқчимў?



АБУЛҒОЗИЙ БАХОДИРХОННИНГ ТИЛИМИЗГА ҚУШГАН ХИССАСИ

**Жамики эзгу
фазилатлар инсон
қалбига, аввало, она
алласи, она тилининг
бетакрор жозибаси
билан сингади.**

И.А.Каримов

Бугунги миллий мафкура ва миллий ғоялар тўла шаклланаётган, оманинг онига сингиб бориб, моддий ҳаракатлантирувчи ва сафарбар этувчи кучга айланаётган бир даврда миллий тил янада ўзгача аҳамиятга эга бўлмоқда. Шунинг учун истиклолизмнинг илк йилида Абулғозий Баходирхоннинг «Шажарайи турк» асари кўп тиражда чоп этилди ва халққа етказилди. Бу асар нафақат халқимиз, балки тилимиз тарихини ўрганишда ҳам катта аҳамиятга моликдир. Унда мужассамланган материаллар турли соҳа олимлари томонидан синчиклаб тадқиқ этилмоғи зарур.

Абулғозий Баходирхоннинг «Шажарайи турк» асари XVII аср ўзбек бадий насрининг нодир намунасидир. Адабиётшунос олим Воҳид Зоҳидов бу асарга баҳо бериб: «Абулғозийнинг машҳур «Шажарайи турк»и худди «Бобурнома» билан эгизакка ўхшайди деса бўлади», деб ёзган эди. Услуб ва туркий ибораларни ишлатиш масаласида Абулғозий Баходирхон Алишер Навоийга ҳам, XVII аср Ҳоразм жонли сўзлашув нутқига ҳам тўла эрганмаган.

Қуйида «Шажарайи турк»да қайд этилган, ҳозирги мўғул тилида ҳам қўлланувчи сўзларнинг айримларини қиёслаш учун келтираимиз:

«ШАЖАРАЙИ ТУРК»ДА	ҲОЗИРГИ МЎҒУЛ ТИЛИДА
бой	баян
соқол	сахал
табоқ	таваг
хотун, хотин	хатан, хатангай
узум	усан, узэм
қовурға, қобурға	хавирға
қарчихай	харчга
кучлук	хучутай
эга	эзэк
чок	цаг, цаг ўг

Шуниси аҳамиятлики, Абулғозий Баходирхон ўз асарида қўллаган мўғулча сўзларга изох берган. Масалан: «Тақи Чингизхон бекларига боқиб айтди: Мунг нечук Арслонхон теб бўлур. Бу кундин сунг мунг Арслон сайрак тесунлар, теб хукм килди. Мўғулнинг луватинда тожикни сайрак деб эрмиш».

Оқиб боратурган улуг сувни туркий тилинда сой дер. Тожик тилинда кечкин руд ва улукун рудхона дер ва араб водий дер. Мўғул *муран* дер».

Мисолларни яна давом эттириш мумкин. Булардан ташқари, «Шажарайи турк»да уйғур тили орқали хитой тилидан кирган ва ҳозирги тилимизда деярли қўлланмайдиган сўзлар ҳам учрайди. Бу сўзлар, асосан, мансаб билдирувчи сўзлардир.

Асар тилида учрайдиган мўғулча ва хитойча сўзлар юқоридаги мисоллар билан чекланмайди. Умуман, «Шажарайи турк»да 140 та сўз изохланиб, улар қайси тилга мансублиги муаллиф томонидан очиб берилди.

Абулғозий Баходирхон нафақат муаррих ва адиб, балки тилшунос олим ҳам бўлган. Шунинг учун у ўз асарида жуда кўп сўзлар(хусусан, этноним, топоним, антропонимлар)нинг этимологияси ҳақида ҳам маълумот беради ва буларнинг каттагина қисми «халқ этимологияси» қабилида бўлишига қарамай, айримлари алоҳида диққатга сазовордир. Баходирхоннинг сўз маъноларини тавсифлаш ва очишда градуонимик каторлар омилидан фойдаланганлиги (чунончи, хитойча ёки

уйғурча сўзлар изоҳида) унинг ўткир заковатидан далолат беради. Баҳодирхон сўзининг маънавий қиймати тушунчасига ҳам эга бўлган. Бунда унинг полисемантик сўзининг ҳар бир маъносига шу тилнинг ўзида ва ўзга тилларда бошқа-бошқа сўзлар мос келишини уқтириб ўтиши ёки сўзнинг терминологик (хусусан, этноним сифатида) ва умумистеъмом маъноларини аниқ фарқлаши гувоҳлик бериб туради. Қуйидаги мисолларни кузатайлик: «Ўғузхон ҳар йилда Мўғул юртинда ўлтурган эллар бирлан урушур эрди. Тақи қолиб келур эрди. Ахир барчасини олди. Қочиб куртулгонлари Татар хонига бориб сиғиндилар. Татар халқи ул вақтда Чурчитга яқин ўлтурурлар эрди. Чурчит теган бир улуг юрт бор эрди. Шахрлари ва кендлари кўп. Хитойнинг Темур қозик тарафинда турур. Ҳинд ва тожик ани Чин дерлар».

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Қисқаси, Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» асари ўзбек халқининг узоқ ўтмишидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти, тилига оид жуда кўп маълумотлар беради. Абулғозий Баҳодирхон асарида фойдаланилган ва шарҳланган сўзларни ўрганиш, ўйлаймизки, бугунги ўзбек тилимиз луғатини бойитишга хизмат қилади.

Наибхон МАМАДАПЕВА



Хотиниган кўрққан . . . Б У Ю К Л А Р

Сарлавҳани ўқиб, «Йўғ-ей», дейишингиз табиий, албатта. Азал-азаддан аёллар тўғрисида гўзал сўзларни айтиб, эшитиб ўрганганимиз. Аёлларимизнинг гўзал фазилатларини мадҳ этиб юрган кўшиқчи-ю, шоирларимиз балки қуйидаги, номлари бизга яхшигина таниш бўлган машҳур кишиларнинг хотинлари ҳақида ўқиб ҳайратланишар. Ўз эрларини бездириб юборган бу аёлларнинг «ноёб фазилат»ларидан сизларни ҳам бохабар қилмоқчимиз...

Машҳур давлат арбоби, Америка президенти Авраам Линколннинг хотини Мэри Тодд хоним бутун умр эрини «эговлаб» келди. Хонимга Авраам Линколннинг юришию, ўтириши, қулоғию, тиззасининг эгилдишигача ёқмас, бундан эса эри доим азият чекарди. Ўтмишининг икки машҳур киши — Наполеон III ва граф Лев Толстойнинг хотинлари ўзларининг «хурмача» қилиқлари билан Мэри Тодд хонимдан ўтиб тушишди.

Франция императори буюк Наполеон Бонапартнинг жияни Наполеон III дунёдаги энг гўзал аёл — графиня Мария Евгения Игнасия Августина де Монтхонн севиб қолади ва унга уйланади. Бу қиз бор-йўғи ҳеч кимга маълум бўлмаган испан графининг қизи эди, ҳолос. Буни уқтирмоқчи бўлган маслаҳатчиларга Наполеон:

– Хўш, нима қилибди? Мен ўзим севган ва ҳурмат қилган аёлни менга номаълум аёлдан устун кўрдим, – деб жавоб беради.

Наполеон III ва унинг хотинида деярли ҳамма нарса — соғлиқ, бойлик, ҳокимият, шухрат, гўзаллик, муҳаббат бор бўлиб, улар энг бахтли оила бўлишлари керак эди. Минг афсуски, бу оиланинг бахти кўп вақт ўтмай сўна бошлади. Наполеон Евгенияни ўзи билан тенг ҳукмдор қила олиши мумкин эди. Лекин аёлнинг эрига нисбатан тушуниб бўлмас туйғулари кўп нарсаларга йўл бермасди. Евгения шубҳалар гирдобиди, рашк ўтида қоврилиб, Наполеоннинг, ҳатто, давлат ишлари билан шугулланиши учун ҳам бир дақиқа ёлғиз қолшига имкон бермай қўйди. Ҳатто унинг музокараларини барбод қилиш, уни ҳақорат қилишгача бориб етди. Охири-оқибат, Наполеон ярим тунда яхши дўстини олиб, шляпани бостириб кийганча, бирон аёл олдига бориш ёки шунчаки шаҳар кўчаларини кезиш одатини чикарди.

Мана шундай «бахтли» эркаклардан яна бири машҳур рус ёзувчиси граф Лев Толстой бўлиб, у хотини билан бахтли яшаш мумкин эди. Толстой бой-бадавлат машҳур ёзувчи бўлишига қарамай, аста-секин бойликлардан нафратланиб, ўзи ёзган китоблардан уяла бошлади. У барча бойлигини деҳқонларга бўлиб берди, ёғоч қосада овқатланиш, чипта қовуш кийиш, ўз хонасини ўзи йиғиштириши одат қилиб олди. Буларнинг ҳаммасига хотинининг бойликка ўчлиги, зەб-зийнатни яхши кўриши сабаб бўлди. Хотини Толстойнинг ҳар бир нашр этилган китоби учун қалам ҳақи талаб қиларди. Толстой эса бундан нафратланарди.

Оқибатда, Лев Толстой 82 ёшида, совуқ ноябрнинг қорли тундида уйдан чиқиб кетади. Орадан ўн бир кун ўтгач, яъни 1910 йилнинг 20 ноябрда Остапово номли кичик темир йўл станциясида вафот этади. Буюк ёзувчи ўзининг васиятида хотинини ёнига қўймасликларини митмос қилган.

Ёрбек ИСКАНДАР тайёрлади

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги мукофотиغا Пушкин номидаги Самарқанд вилоят нарий-оммабоп кутубхонаси директори ўринбосари Хуршида Абдурахмонова сазовор бўлди. Шу муносабат билан мухбиримиз Лутфулло Мамасолдиев Х.Абдурахмонова билан суҳбатда бўлди.

— Хуршидахон, мукофот билан қутлаймиз!

— Раҳмат! Мустақилликка эришганимиздан буён ҳар бир йил турли номлар билан аталяпти ва бу борада давлат дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Мазкур дастурлар асосида биз ҳам асосий жойлардаги 740 та оммавий кутубхоналарга услубий таъсиялар ишлаб чиққанмиз. Уни

пухта амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қиламиз. Режаларимиз қоғозда қолиб кетмайди. Маданият ва спорт ишлари вазирлигида Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлом авлод» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга кўмаклашиши, сиёсий билими ва

ишдаги фаоллиги билан аҳоли онгига етук билимдонлик ҳаяларини сингдиришдаги хизматларим иноватга олиниб, мукофот беришди. Жуда хурсандман.

— Иш бор жойда камчилик ҳам бўлади. Кутубхоналардаги муаммолар бугунги кунда, асосан, нималарда кўринади?

— Аввало, кутубхоналарни тубдан ислоҳ қилиш зарур. Кутубхоналаримизни жаҳон андозаларига мослайдиган вақт келади. Моғдий-техник асоси ва технологияси давр талаби даражасида бўлиш бугунги кутубхоначиликнинг асосий

Маринанинг муҳаббати

XX аср рус адабиётида бадий-публицистик эссенинг энг ажойиб намуналарини шоира Марина Цветаева яратди. Унинг «Менинг Пушкиним», «Пушкин ва Пугачёв», «Наталя Гончарова», «Волошин ҳақида» сингари эсселари образли, таъсирчан бадий ифодаси билан киши тафаккурига бир илқ хотира сингари ўрнашади.

Цветаева Пушкинни ўзига маънавий ва рухий устоз деб билган. Унинг шахсий ҳаёти ниҳоятда оғир кечган. Чунки унинг турмуш ўртоғи оқ гвардиячи бўлганлиги боис, у билан ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлади. Мусофирликда — Парижда умрининг охиригача яшаса ҳам, бир мuddат бўлса-да она ватани, халқи ва севимли шоири Пушкин ҳақида ёзишдан чарчамайди. Албатта, бегона юртда шоиранинг ҳаёти ва ижоди осон кечмаган.

«Менинг Пушкиним» эссеси М.Цветаева ижодида нозик бадий эврилишлари, ширали поэтик охангдорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Эсседа «Дуэл» сурати ҳаётини бадий восита сифатида киритилган. Шунинг учун ҳам эссе матни куйидаги

сатрлар билан бошланади: «Қизил хона. Жозибали китоб жавони. Инглиз ёзувчиси Шарлотта Бронтенинг «Жейн Эйр» романи. Жавон мени ўзига тортади. Унга қараб юрмоққа чоғлансам, девордаги «Дуэл» деб номланган сурат ҳаминша тўхтатиб қолади. У жавондан кучли...»

А.Орипов таъбири билан айтганда, «Пушкиннинг тирик

шеърияти» ёш Марина калбига эзгулик, хурлик рамзи бўлиб кириб келади. У шундан эътиборан ўз калбини Пушкин билан боғлайди. Эсседа муаллифнинг болалик хотиралари силсиласида унинг ҳаёлий мени Пушкинни ҳимоя қилишга чоғланади. Унинг бу хотиралари отамерос эди.

Эсседа лирик қахрамоннинг эмоционал хистуйғулари бош қахрамон сифатида гавдаланади. Марина учун Пушкин яратган қахрамонлар доимо тирик. У билан ёнма-ён юради. Бу эссе 1937 йилда, Россия оғир ва биқик шароитда яшаётган бир даврда зулмга қарши исёндек вужудга келди. Ҳақиқатан ҳам, бу эссе қулликка, эрксизликка қарши исёнлар. У том маънода шоиранинг хиссиёти ва туйғуларига лиммо-лим. Шоира Пушкинни эзгу дунёга, осмонга ва денгизга менгзайди. Денгизнинг бир соҳилидан наригиси кўринмайди. У чексиз, тўлқинлари эса тинимсиз шовуллаб, тошиб-шошиб кирғоқларга, тошларга урилиб, гулдурос товуш чиқаради. У Пушкинни осмонга менгзайди. Нечун? Осмон шу даражада кенги, унинг четини топа

вазифаларидандир.

Бошқа соҳалар сингари кутубхоначилик ишhini тартибга солуви меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши ва уларда соҳанинг қонуний асослари — мажбуриятлар, вазифалар, кафолатлар ўз аксини топмоғи мақсада мувофиқдир.

— Хуришдаҳон, нима деб ўйлайсиз, аёл учун ҳам онладаги масъулият, ҳам жамиятдаги фаолият оғирлик қилмайдими?

— Йўқ. Инсон хоҳ аёл, хоҳ эркак бўлсин, ўз касбини севмоғи зарур. Ана шундагина ўз касбидан нафақат ўзи завқ олади, балки жамиятга ҳам наф келтиради. Ўз касбидан завқ ола билган аёл, албатта, оилада ҳам бахтли бека бўла олади. Оиласининг тинчилиги эса, шаксиз ҳар бир аёлнинг жамиятдаги фаоллигига асос бўлади. Мен шундай деб ўйлайман.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат! Ўзингиз таъкидлаганингиздек, аёллик бахти Сизни ҳеч қачон тарқ этмасин.



Ёғдуга тўла қалб

Ҳаҳон ичра Ҳаҳон

олмайсиз: Ер билан туташиб кетган гумбазга ўхшайди-ю, аммо ҳали ҳеч ким гумбаз деворларини қўллари билан тутмаган. Дунё! Ҳали ҳеч бир инсон дунёнинг боши ва охирини тушуниб етмаган. Кўринадики, ДУНЁ, ДЕНГИЗ, ОСМОН — бу учаласини битта — чексизлик сифати бирлаштиради. Бас, шундай экан, Маринанинг Пушкин даҳосини чексизлик рамзларига менгзаши табиийдир. Чунки неча юз йиллик рус адабиёти унга таянади. Қолаверса, бошқа адабиётлар ҳам ундан руҳан, маънан озуқа олади.

Шоира ўзининг қўлаб шеърларини Пушкиндан таъсирланиб яратган. Парижда яшаган даврида Пушкиннинг шеърларини француз тилига таржима қилган. Эсседә шоиранинг руҳият манзаралари аксланади. Сатрлар шу даражада ўйноқи тилда ёзилганки, унда Маринанинг эзгуликка эш қалби суратлангандек бўлади. Пушкин шеърляти шоира учун доимо ҳалоскорлик тимсоли даражасида бўлганлигини кўрамади.

Марина эссе матнида ўхшатиш, сифатлаш, образли ифода, контраст сингари бадий тасвир воситаларидан унумли фойдаланган. Хусусан, Пушкин билан Дантесни контраст усул ёрдамида қийслади:

**«Пушкин — шоир.
Дантес — фаранги.
Пушкин шеър ёзди.
Дантес эса ёза олмайди.
Дантес Пушкинни ёмон кўради. Ўзи шеър
ёза олмагани учун бир куяди. Пушкин бўла
олмаганидан икки куяди.»**


Яна шуни таъкидлаш жоизки, Маринанинг кирк

тўққиз йиллик умри давомида ёзган ранг-баранг шеърлари, бадий-публицистик эсселари, кундаликлари китобхон учун ниҳоятда қизиқарли. Йўқ, бу муболага эмас, ҳақиқат!

Ижодкор шахс маълум маънода башоратгўй бўлади. Ҳақиқий ижодкор ўзининг ижодида объектив баҳо бериб, асарларининг умри хақида одилона ҳукм чиқара оладиган хилқатдир. Жумладан, Пушкин «Мен ўзимга буюклик хайқалини қўйдим», деганида ёки испан рассоми Салвадор Дали «Мен даҳоман», деганида ҳақли эди. Худди шунингдек, Марина Цветаева мактубларидан бирида: **«Энг асосийси — мен юз йилдан кейин мени қанчалар севиб ўқийшларини жуда яхши биламан»**, деганида ҳақ эди.

Ўзбек адабиётида Пушкин ҳаёти ва ижоди бўйича қанчадан-қанча илмий ишлар қилинган. Шулар орасида сеvimли шоиримиз Абдулла Ориповнинг «Пушкин сабоқлари», «Бу шундай ижод чаманики» мақолалари Пушкин шеърлятига берилган ҳолисона баҳодир. А.Ориповнинг ҳар иккала эссеси публицистик услубда, М.Цветаевада эса бадийлик устун. «Менинг Пушкиним» шеърйи насрга (ёки насрий шеърга) ўхшайди. Унда шоиранинг бой ҳаёлот дунёси билан реал воқелик шу даражада омухта тасвирланадики, айниқса, унинг болалик кечинмалари ниҳоятда жозибали чиккан. Пушкин шеърлятига, қаҳрамонларига бўлган кучли муҳаббат шоирага руҳий мадад бўлгандек. Бу эътикод, бу муҳаббат Маринанинг ижодий кучига куч, ҳаётига мазмун олиб кирди.

Марҳабо ҚУЧҚОРОВА



Санъат — қалб ойнаси. Кўшиқ эса кўнгил рози, дил овозидир. Журналимизнинг бу галги меҳмони Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Сулаймонова. У ўзининг «Онамга», «Тополмассан», «Дўст бўлайлик», «Қарвон кўп — ризқи бўлак», «Сиз ва мен», «Олмани олма, дейсиз», «Муҳаббат», «Ишқни деб», «Ўзингсан» каби кўшиқлари билан мухлислар эътиборини қозониб келмоқда. Биз хонададан муштарийларни қизиқтирган бир неча саволларга жавоб олдик.



— Гулбаҳор опа, санъаткор бўлиб шаклланишингиздаги асосий омиллар нимада деб ўйлайсиз?

— Авваламбор, мен туғилиб ўсган воҳа, қолаверса, ота-онам, устозларим берган ибрат ва тарбия, меҳнаткашлигим, иродам, ўжарлигим, ҳаётта интилувчанлигим туфайли қийинчиликларни шукроналик ила енгиб яшашимда деб ўйлайман.

**Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,
Ақл кўзин қораси, жавҳари ҳам биз.
Тўғрақ жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз унинг кўзи, гавҳари ҳам биз.**

Буюкларнинг ибратли сўзлари ҳар бир ишимда менга ҳамнафас.

— Ҳаётда инсонлар кимгадир ёки нимагадир ишониб яшашади. Сиз кимга ишонасиз?

— Мен, аввало, Худога, кейин ўзимга ишониб яшайман. «Ота-она фарзандига тахт беради, лекин бахт бера олмайди», дейишади. Менинг наздимда эса, ота-онам кўйган пойдевор тахтимни ҳам, бахтимни ҳам берган, десам хато бўлмайди. Улар берган ҳаёт сабоқлари мен учун, фарзандларим учун ҳам ўрнатилган бўлиб келяпти. Гарчи отам ҳарбий, онам ўқитувчи бўлсалар ҳам, санъатга иштиёқлари жуда баланд эди. Шу иштиёқ биз фарзандларда санъатга бўлган меҳр-ни уйротган бўлса, ажаб эмас.

Бахтни ҳар ким ўзича тасаввур қилади. Ҳаётда эса, менинг борлигим — менинг бахтим. Оллоҳдан уч нарсани ҳамisha сўрайман, яъни тансихатлик, узок умр ҳамда тинчлик-хотиржамликни, қолганига эса ўз ҳаракатим ила эришиб келяпман. Бахт бу инсонийликда, оддийликда, инсонларга кераклигингизда, фидойилигингизда, ота-она ва устозлардан олаётган маънавий меросни, ўзингиздаги ҳаракат, интилиш, ирода орқали мужассамлашган гўзал фазилатларни инсонларга бера олишингизда деб биламан.

— Мухлисларингиз сизни эстрада хонадаси сифатида яхши билишади. Мумтоз кўшиқларга муносабатингиз қандай?

— Санъатга бўлган муҳаббат мени Қарши мусиқа билим юртига, сўнг Ўзбекистон Давлат консерваториясининг вокал кўшиқчилиги бўлимига бошлади. Ота-онамнинг миллий кўшиқларга бўлган меҳрлари мени Ўзбекистон телерадиосининг миллий эстрада жамоасига етаклаб келди. Эстрада мактабининг бугунда Ботир Зокиров мактабидан бошқа мактаб кўрмайман. Бу мактабнинг давомчилари кўп. Бироқ замонамиз санъаткорларининг ўзига хос, ибрат бўладиган мактабини кўргим келади. Миллий мусиқамизнинг пойдевори, илдизи мақомдир. Нега замоналардан бери қуйлиниб келинаётган мақомларнинг матни, қуйи ўша-ўша, хонадалари бошқа-

бошқа. Устазодалар томонидан ўзгартиришлар киритилиб, бойитиб келинаёпти. Замон эса бугунги кун мақомлари бўлишини истайди. Мени бир нарса доимо ўйлантиради. Биз ҳам мумтоз қўшиқларимизни севиб тинглаймиз ва ижро этамиз. Давримиз мумтоз қўшиқлари бор, лекин шоирлар ёзган газаллардан бастакорларимиз ҳамда санъаткорларимиз ила мақомлар яратиш мумкин эмасми?! Бугунги куннинг «Баёт»и, «Дугоҳ», «Сегоҳ»лари, «Сарахбори оромижон»лари бўлишини истайман.

— **Унда ўзбекча матнларни тайёр куйга солиб ижро этаётган хонандаларга қандай қарайсиз?**

— Мустақиллигимиз шарофати билан жаҳон мусиқа шоу-бизнеси бизларга ҳам кириб келди. Бизнинг қўшиқчиларимиз жаҳон саҳналарида миллий қўшиқларимизни баралла куйлашаёпти. Бизни жаҳон тинглаётган бир пайтда хорижий мусиқаларга матн кўйиб куйлаш... Тўғри, шоу-бизнес менинг наздимда, маънавият ва моддийликнинг уйғунлигидадир. Бу хонандаларда миллий гуруҳнинг йўқолиб боришида, моддийликка ружу қўйишида, дангасалигида, осонликча обрў-эътиборга эришмоқчи бўлишида, деб биламан. Кучли шеър, кучли мусиқа юракдан отилиб чиқиб қўшиқча айланади-ку, ахир! Дўстлик рамзи бўлган халқаро қўшиқларни ўз тилида ижро этиш хонандадан катта маҳорат талаб қилади. Бу энди бошқа масала.

— **Санъатнинг қудрати ва сеҳри нимада деб биласиз? Бугунги кун санъаткорига қандай фазилатларни кўришни истайсиз?**

— Санъатнинг қудратини оддийликда, гўзалликда, қувонч-ташвишида, инсонларга шодлик-хуррамлик бахш эта олишида, тинимсиз меҳнатда деб биламан. Нафақат санъаткор, бугунги кун инсонига етук, комил, ибрат бўлушлик барча фазилатлар мужассамлашган касб эгасини кўргим келади.

— **Ишқда муносабатингиз ва ишқ ҳақида тushunchаниз?**

— Инсон дунёда ишқ билан яшайди. Тирикликнинг мазмуни шунда.

*Ишқдир абадийлик авжиди офтоб,
Ҳаёт чаманида толедан хитоб,
Булбул каби нола қилмоқ ишқ эмас,
Ишқ нола қилмаслик бўлса, юз хароб.*

— **Ёлғиз қолган кезларингизда ўзингизни қандай ҳис қиласиз?**

— Оллоҳ ёлғиздир, буни ҳамма билади. Оллоҳ эса менинг дилимда, шунинг учун ҳам ёлғиз

эмасман. Ҳар бир ўтган кунимга шукроналик билан яшайман. Ўзим билан ўзим қолган пайтларимда эса умримни сарҳисоб қиламан.

— **Қўшиқ, сизнингча, нима? Куйламасдан яшаб бўладими?**

— Менимча, қўшиқ инсоннинг дунёга келиши, чақалоқнинг «инга»си, қулоғига azon айтилиши, она алласи билан яралган. Агар куйнинг, қўшиқнинг моҳиятига етсак, куйлашнинг қизиғи йўқ. Фақат ҳисси, туйғусиз, инсонгина куйламай яшаса керак.

Инсон қалби билан ҳазиллашмангиз, унда миллат яшар, унда тил яшар. унда аждод фахри яшайди сўзиз, унда истиқомат қилади башар.

— **Санъаткорларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиб, ижоддан йироқлашиб кетиши ҳақида сизнинг фикрингиз. Умуман, омадга муносабатингиз қандай?**

— Мустақил Ўзбекистонимиз шиддат билан барча жабҳаларда жаҳонга юз тутмоқда. Санъаткор учун тадбиркорлик билан шуғулланиш бу мустақилликдир, эркинликдир, фидойилиқдир. Севимли Ватанимга нафақат санъаткор сифатида, тадбиркор сифатида ҳам ўз ҳиссасини қўшиш, инсонларга эса ҳам маънавий, ҳам моддий манфаат келтиришдир. Менга келсак, мен санъатиним, ижодимни узилшисиз саҳнада ҳам, тадбиркорлик ишимда ҳам давом эттириб келаяман. Ҳаётда «Ўзинг ўйла, ўзинг топ, ўзинг югур, ўзинг чоп» шиоримга доимо содиқман. Омадга келсак:

**Меҳнат қилсанг, нонинг ҳам
Ширин бўлар асаддан.
«Қимирлаган қир ошар»,
Дер донолар азалдан.
Ўзи келар омадни
Топмайсан ҳеч маҳалда.
Ўзинг ўйла, ўзинг топ,
Ўзинг югур, ўзинг чоп.**

— **Гулбаҳор опа, суҳбатимиз сўнгиде ниятларингиз, мухлисларга тилақларингизни билдириб ўтсангиз.**

— Яхши ният — ярим давлат, дейишади. Мен эса ниятимда бутун давлатни кўраман. Санъатимда, ҳар қадамимда, ҳар бир қилган ишимда инсонларни севишда, ишонч ва бурчни оқлашда, бургут бўлиб учгим келади!

Тан сихатлик, хотиржамлик, омад ва бахт ҳамма-ҳаммага ёр бўлсин!

**Нодирбек АҲМЕДОВ
суҳбатлашди**

Чоризмнинг мустамлакаларни руслаштиришни назарда тутувчи буюк давлатчилик ва мазлум халқларни камситиш борасидаги тинимсиз ҳаракатларини англаб етган ҳамда бу ҳолатнинг олдини олишга бел боғлаган тараққийпарварлар орасида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг алоҳида ўрни бор.

Тараққий учун эрк ва ҳуқуқларни тиклаш кераклигини англаб етган Беҳбудий халқни уйғотиш мақсадида матбуотдан кенг фойдаланиб, Туркистон ўлкасида «Самарқанд» газетаси ва «Ойна» журналини ташкил этди. У даврда мустамлака маъмурлари қаршилигидан ўтиб, матбуот органларини ташкил қилиш деярли иложсиз эканига қарамастан, Беҳбудий халқ учун шундай матбуотлар кераклигини ҳуқуқий жиҳатдан асослади ва амалда исботлади.

«Самарқанд» газетасининг 1913 йил 31 июл сонидоги «Эҳтиёжи миллат» мақоласи миллат уйғони-

нинг «Қонуни Овропа» мақоласида ўз аксини топган.

Беҳбудий Россия қонунларининг тузилишига ҳам алоҳида муносабат билдириб, Думада Туркистон вакилларининг иштирок этиш ҳуқуқи мавжудлигини таъкидлайди. Чунки Чор Россиясининг империалистик қонунлари ва улар асосида қабул қилинадиган норматив ҳужжатлар Туркистон ўлкаси халқлари учун ҳам татбиқ этилар эди.

Беҳбудий мақолада Россиянинг биринчи думасига Туркистондан биронта ҳам вакил бора олмаганлиги, иккинчи думага эса вакил сайланганлиги-ю, лекин юборилмаганлигини ёзади. Бу билан муаллиф Чор ҳукумати томонидан мустамлакачилик сиёсати янада кучайтирилаётганлигини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам думада ерли халқ вакилининг иштирок этишини биринчи масалалардан, деб биледи.

ТУРКИСТОН ВА БЕХБУДИЙ

ши ва ҳуқуқларини англашидаги дастлабки чиқишлардан бири сифатида кўзга ташланади. Беҳбудий бу мақоласида миллатнинг эҳтиёжи, энг аввало, илм эканлигига тўхталади. Илмсиз миллат бошқа миллатларнинг хизматкорига айланади, дейди у. Мақола давомида у янги усулдаги замонавий мактабларнинг ташкил этилганидан тортиб, олий даражада билим олиш ва ўқитиш жараёнларини тасвирлайди. Халқнинг ҳам шу жараёнларда фаол иштирок этишини истади.

Қўринадик, Беҳбудий мустамлака шароитида ўлка халқининг эрк ва ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги биринчи масала сифатида янги мактаблар орқали илм олишни йўлга қўйиш, иккинчидан, аҳоли ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ҳимоя қилиш масаласини қўйди.

Айни пайтда, Беҳбудий биринчилардан бўлиб ҳуқуқ манбаи сифатида амалда бўлган қонунларни ўргана бошлаган тадқиқотчилардан саналади. У Европа мамлакатларига ўқшаб бизда ҳам қонунлар ишлаб чиқишни жорий қилиш ва уни такомиллаштиришни амалга ошириш масаласини илгари суради. Бу

Беҳбудий Думага борадиган ўлка халқ вакили олдига катта талаблар қўйилиши ва ўта масъулиятли вазифалар юкланишига тўхталади. Вакил, энг аввало, сиёсатдон, қонунлардан хабардор бўлиши лозимлиги айтилади. Беҳбудий инсон эрки ва ҳуқуқини доимо биринчи ўринга қўяди. Чунки тараққийпарварларни Чор ҳукуматининг маҳаллий халқни имтиёзлардан маҳрум этиши, ерларини тортиб олиши, уларга катта солиқлар солиниши, маҳаллий ҳукумат амалдорларининг фақат мустамлакачилар томонидан тайинланиши, ўлка аҳолисининг асосий қисми тор, махдуд дунёқараш қуршовида эканлиги изтиробга соларди.

Беҳбудий тараққийпарвар қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни жорий қилишда ўлка халқ вакилларининг ҳам иштироки ниҳоятда муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган масала эканлигини билдирди. Унинг чиқишларида 1905 йилдан кейин Туркистон ўлка халқининг фуқаровий, ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқлари билан бир қаторда сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш яққол сезилади. У ўлка халқининг ке-

лажаги борасида қайғулар экан, миллий ғоя, миллат эҳтиёжи, айна пайтдаги мустабид тузум ва унинг фуқароларга бўлган муносабатидан ташвишга тушади.

Инсонпарварлик, адолат, тенглик, мустамакада яшаётган халққа ғоявий ёрдам бериш, миллатни озод кўриш орзуси Бехудийнинг барча асарларида ўз аксини топган. У ўзи яшаб турган жамиятнинг тараққиёт тамойилларини тўғри англаб етган. Бехудий сиёсий-ҳуқуқий мақолаларида ижтимоий ҳаётни, халқ турмушини ҳаққоний акс эттиради. У «Бизга ислоҳ керак» мақоласида Чор ҳукумати ўлка халқларини одам ўрнида кўрмаслиги, ўзларига мослаштирилган қонунлар чиқариб, маҳаллий аҳолини янада тубанликка етаклаётганлигини яширмади. Муаллиф мақолада баён этилган воқеаларга ўз муносабатини шундай билдиради: «Эски золим ҳукуматнинг иши ва дид бузғувчи одамлари ва миссионерлари мадрасамиз ва мактабларимиз тўғрисида ҳам бизни ҳайвониятга ва жаҳолат майдонига ҳам йўқ ва маҳв бўлмиш чуқурларга судрайдурган зақунлар вазиқ этдилар. Мадрасаларда ҳеч нима билмайдургон ёш талабаларни мадрасага сайлаб қўйиш тадбирини зақун қилиб чиқордилар».

Бехудийнинг мақолаларига хос бўлган теран таҳлиллар, самарали изланишлар, ўлка фуқаролари эркини ҳимоялашдаги жонқуярликларининг ҳуқуқий асосларини унинг «Икки тил эмас, тўрт тил лозим», «Аъмолимиз ёнқини муродимиз», «Миллатни ким ислоҳ этар», «Ох, бизни банклар барбод этди», «Муҳтарам ёшларга мурожаат», «Ватанпарварлик керак», «Проект — лойиҳа» ва бошқа бир қатор мақолалари ташкил қилади ҳамда уларда бу фикрлар янада ривожлантирилади.

Хуллас, Бехудийнинг ҳуқуқий қарашларида айна даврнинг воқеалари теран намоён бўлганлигини кўраимиз.

Нормурод АВАЗОВ,
Тошкент Давлат юридик
институтини докторанти



Ватан! У ҳақда сўз кетганда, фақат уни севғувчи инсоннинг юраги ҳаяжон-ла орзикади.

Ватан! Менинг наздимда, у буюк куч-қудрат манбаи. Мана шу Она замин, нон, туз...

Ватанга муҳаббат недан бошланади ўзи?! Албатта, киндик қони тўкилган гўшадан, биз алла тинглаб, ором олган ўша бешигу онанинг иссиқ бағридан...

Бундан 14 йил муқаддам Ўзбекистонимиз истиқлолга эришди. Неча йиллик алам ва ҳўрликларга чек қўйилди, мустамакачилик занжирлари парчаланди. Ўтмишсиз келажак йўқ, дейдилар. Тарихнинг аччиқ сабоқлари эвазига ўзбек халқига Мустақилликдек неъмат ато этилган бўлса, не ажаб?! Бағрига ҳадис бойликларни жо қилган шу Она тупроқ, пурвиқор тоғлару шундай гўзал табиий иқлимга мафтун бўлмай, илож йўқ. Аждодларимиздан мерос буюк тарих эса биз учун ифтихор ва гурурдир!


Аmmo минг афсуски, ўзбек бошига қўнган бу бахтга четдан адолат ила ёвқараш қиладиганлар ҳам топилди. Ҳатто баъзи бир нопок кимсалар пайт пойлаб, қўпурувчилик ҳаракатларини амалга оширдилар ва бу билан тинчликсевар фуқаролар тинчини бузишдек қабих ишларни қилдилар. Лекин бу юрт қўрғонини маҳв этиш улар уйдатандек осон иш эмас. Аввало, бу муқаддас Ватанинг бошида доно Йўлбошчи турибди, унинг атрофида эса миллионлаб онгли, юракли, шу тупроқни азиз билган, унинг ҳар бир қаричини кўз қорачигидек асрашга қодир ака-укаларимиз, оталаримиз, опа-сингилларимиз жипслашган.

Мен Ватанга муҳаббатни тўпори дехқоннинг манглайдан томган терда-ю, ҳар бир ҳони пайқаларга туташгудек бўлган меҳнаткаш аёлнинг қалоқ қўлларига кўраман. Улар ҳеч қандай ашўро ташбеҳларсиз, самийий севадилар Ватанин... Яна ширин забон билан «Онажон» деб сўйлаётган кўзминчоқдек гўдакда кўраман Ватанга муҳаббатни. Шунинг учун она-Ватан деб бежиз айтилмаган.

Ўн тўрт йил... Мана шу он тўрт йил мобайнида Ўзбекистонга — ўз халқига бўлган меҳрин мен Юртбошимиз тимсолида кўрдим. Қораланган аждодлар номини оқнашга, миллий ўзликни англашга, дунёнинг манамен деган давлатлари билан ҳамкорлик ишларини боғлаш йўлида қилган ҳаракатлари учун Юртбошимизни БҮЮК МУҲАББАТ эгаси дегим келади. «Ўзбекистоннинг барча ёшлари — менинг фарзандларим!» деган меҳрга тўла сўзлар фақат Ватанини, халқини севғувчи инсонгагина хос!

Онажон Ўзбекистон, сен учун буюк муҳаббат ила хизмат қиладиган оловқалб фарзандларинг бор экан, ҳеч қачон завол кўрмайсан, иншооллоҳ!

Маҳфуза ЙҮЛДОШЕВА



СУЮНЧИГА... ҚОРАХАТ

Тарчи туғганига кўп йиллар бўлган бўлса-да, Иккинчи жаҳон уруши ва фашизм газандаларини ҳали-ҳануз лаънатлайман. Бойси, не-не ўзбек ўғлонлари қатори отам Исроил Бобоназар ўғли ва дўстим Яллабойнинг падари бузруквори Нуриддин акалар урушга бориб, омон қайтмаганлар...

«У киши урушга кетганида сенга юкли эдим. Отанг сенинг туғилганингни билмаган-ов, болам. Оға-чилари отанга ўғилли бўлганлиги ҳақида суюнчи хати ёзишган. Лекин жавоб ўрнига... қорахат олишган. Бизнинг қисқа умргузаронлигимиздан сен ёдгор бўлиб қолдинг. Отанг учун ҳам сен юртга, халққа виждонан ҳалол хизмат қилишинг керак», дер эди онам. Уларнинг дуолари, панд-насихатлари ўқишим ва ҳаётда ўз ўрнимни топиб олишимда ёруғ йўл бўлди.

Тоғаларим ва қариндошлар кўмагида оёққа турдик. Лекин менинг, дўстим Яллабойнинг, минглаб тенгдошларимизнинг қалбимизда битмас бир армон, яра бор. Биз оталаримизни кўрган эмасмиз. Сағир ўсанмиз, бунга лаънати уруш сабабчи. Энди ҳеч қачон, ҳеч вақт уруш бўлмасин.

Яллабой ҳам, мен ҳам минг бир машаққат ила ҳаётда ўз ўрнимизни топиб олдик. Мен Самарқанд Давлат университетини, дўстим эса Қишлоқ хўжалиги институтини сирдан битирдик. Яллабой хўжаликда чорвадор бўлиб узоқ йиллар ишлади. У чорвачиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшганди. Одамларга беминнат хизматини ҳеч ҳам аямасди. Тўғрилиги туфайли иззат-ҳурматга сазовор бўлганди.

Дўстимнинг ажойиб фазилатларидан яна бири газета-журналлар ва китобга шайдо эди.

Ҳар йили кўплаб наирларга обуна бўларди. Ўзи ҳам қишлоқ ҳаёти, унинг муаммо, ютуқ ва камчиликлари ҳақида республика, вилоят ҳамда туман газеталарига мақола, лавҳа ва хабарлар ёзарди.

Нафақага чиққандан кейин кадрдонлар учрашиб турадиган бўлдик. Дўстларимиз Тўғил Мавлонов, Уктам Исмоилов даврасида очилиб, ҳазил-мутойибани авжига чиқарардик.

Афсус ва надоматлар бўлсинки, Яллабой Нуриддинов умрининг 64-баҳорида касаллик туфайли ёруғ дунёни тарк этди. Дўстимнинг пок руҳини ёдлаб кўлимга қалам олганда, унинг:

— Юрагимизда битмас яра бор, дўстим! Ҳеч қачон уруш бўлмасин! Юрт тинч ва осойишта бўлсин! — деган қалб нидоси қулогим остида жаранглаётгандек. Бу сўзларни у беҳудага айтмаган. Биз етимликнинг оғир кунларини, азоб-ўқубатларини кўриб яшадик. Оллоҳга шукрлар бўлсинки, қийинчилик ва машаққатлар ортда қолди. Бироқ уруш асорати, қалб яраси битган эмасди. У бу дардни ўзи билан тупроққа олиб кетди.

Яллабой дўстимнинг фарзандлари эсли-хушли, ақлли, баодоб бўлиб ўсишди. Катта ўғли — Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини тақдиркор, учинчиси — агроном, яна бири чорвадор. Фарзандлар камоли — ота-онанинг буюк бахти. Бу бахтга дўстим мушарраф бўлганди! Бу некбин бахтга ҳамма ҳам эришсин!

Ҳамиша огоҳ бўлинг, тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етинг. Инсониятнинг уруш балосидан Оллоҳнинг ўзи асрасин!

**Қамбар Исроилов,
меҳнат фахрийси**

БИР КУНИ КЎНГЛИНГНИ ТОПАМАН

Тар сени ўйласам, бу жоним куяди,
Номингни сўйласам забоним куяди.
Соғиниб-соғиниб йўл олсам сен томон
Танамга ўт сочиб, товоним куяди,
Севги!..

Қалбимни ўтларда ёққаним сенмисан,
Кўзимдан дард бўлиб оққаним сенмисан?
Ногаҳон суқланиб кўл чўзсам кўннингга,
Сесканиб илондай чакқаним сенмисан,
Севги?..

Менмас, сен бағрингни тигласанг, қанийди,
Жонингни ўтларда доғласанг, қанийди.
Пойнингга йиғлаган Мажнуннинг ўзимман,
Сен менинг пойимда йиғласанг, қанийди,
Севги!..

Мен сени кўзимда сақласам, не бўлар,
Жонимни жонингга михласам, не бўлар?
Қизганиб чарчадим ҳаммадан, энди бир
Кўксингга бош кўйиб, ухласам не бўлар,
Севги?..

Кочмагин, ортингдан чопаман, барибир,
Бир куни кўннингни топаман, барибир.
Ушавди ойдаринг юзига рашик сочиб,
Титраган табингдан ўпаман, барибир,
Севги!

Севги!!

Севги!!!

У Кўксим оғриқлари кучайиб кетди,
Ғамлар томиримни кесиб боради.
Буюк орзуларим кичрайиб кетди,
Армоннинг бўйлари ўсиб боради.

Бир бора дардимни олмайди Вужуд,
Дунёга тиз чўкиб толмайди Вужуд,
Бирибир яшашни билмайди Вужуд,
Ғуҳимнинг йўлини тўсиб боради.

Ҳаёт шафқатсиз бир ёвга ўхшайди:
Бировнинг ўринга биров яшайди,
Ғуноҳ қилган мену болам қақшайди,
Умримни туманлар тўсиб боради.


Юрагим оч, ўзи нелар ейман мен,
Наҳотки нур тушмас ноҳуш жойман мен?
«Эртага Худога нима дейман мен?»
Кунларим ғуноҳлар кўсиб боради...

* Сирожидин Саййид сатри



Беҳзод ФАЗЛИДДИН

Тўниес рекордлари



Энг узок давом этган дарс
Венгриянинг Печ шахридаги Клара ЛЕОВА номидаги мактабда бўлиб ўтган венгр тили ва адабиёти дарси 24 соатга чўзилди. Уқитувчи Шаболч Залай 34 ўқувчига 18 июндан 19 июнгача (1999 йил) бўлган муддатда таълим бериб чарчамади ҳам.

Эскалаторда рекорд
Шри Ланкалик Аруланантам Сареш Яким Барвудадаги (Австралия) «Uestfild» савдо марказига эскалаторда 145 соату 57 дақиқа давомда чиқиб тушган. Унинг 25 майда бошланган саёхати 31 майда (1998 йил) ниҳоясига етган.

Ҳавода жаҳон бўйлаб энг тез саёхат

FAI (халқаро аэронавтлар федерацияси) талабалари орасида энг тез учиб мусобақаси 1995 йил 15-16 августда ўтказилган ва 31 соат,

27 дақиқа, 49 сония давом этган. Унда Франциянинг «Конкорд» самолёти рекордни кўлга киритган. «AG» 1995» самолёти Кеннеди аэропортидан кўтарилиб, ўзининг машҳур «юрриш»ни амалга оширган.

Энг қиммат уй
1997 йилнинг 12 май куни машҳур сийёси маслаҳатчи Эрик Хотингнинг Гонконгдаги уйи 101 909 312 долларга ўзини таништиришни истамаган шахсга сотилди.

Энг йирик телекоммуникация компанияси

Токиодаги «Nippon Telegraf and Telephone Corporation» (NTT) хисоб рақамига 2000 йилда 979 56 млн. доллар кирим килиниб, шундан 2821 млн. доллари соф фойдалар.

НОДИРБЕК тайёрлади

КУМУШҚУЛТУМ

«КАМС ҳиссадорлик жамияти раиси» деб ёзилган хонанинг эшиги очиқ турарди. Раис факс қоғозига тез кўз югуртириб, котибага буюрди:

— Япониядан буюртма-миз етиб келибди. Мен аэропортга бораман. Зудлик билан иш бошқарувчини топинг.

Бошқарувчи келганида унга юмшоқ кузовли юк машиналарни тайёрлаш ва дастгоҳларни юклаш учун ўн киши билан аэропортга етиб бориш буюрилди. Улар юк машиналари билан тайинланган жойда ҳозир бўдилар.

Янги технологияни ўрнатиш ва ишлатиш бўйича йўриқномани бошлиққа келтириб беришди. Бу ҳужжат билан танишган раҳбар ортиш ва тушириш, ўрнатиш ва ишлатиш жараёнларини ҳам шахсан ўзи назорат қилиб туриши ўта зарурлигини тушунди. Улар дастгоҳларни кўрсатмага бинотан икки соат давомида, эҳтиётлик билан юк машиналарига жойлаштиришди.

Республикада озик-овқат саноатини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон - Япония Дастурига асосан келтирилатган бу янги дастгоҳлар ишга тушса, ишлаб чиқаришга йўл олган «Кумушасал минераллашган сув»

(КАМС) чет эл услубида қадокланади. Бу лойиҳа ёш инженер-технолог олим Мирсобит Усмоновнинг номзодлик иши эди. Бунда ширинлик ўрнига асал қўшиб минераллаштирилган ичимлик кумуш суви югуртирилган идишларга қадокланади. Аммо бундай идишларни яшаш технологиясини чет элдан келтириш лозим эди. Шу боис чет элга буюртма берилгани, ускуналар ўз вақтида етиб келди...

Қимматбаҳо кумуш сувининг аниқ ўлчовли қисмини сув таркибига ўтказиш муаммо эди. Аммо лойиҳа муаллифи идишнинг ички томонидан қавариқлар ясаб, унда маълум миқдордаги кумуш сувини сақлаб қолиш имкониятини яратди. Бу кумуш рангдаги ботиқ чизиклар шаффоф идишга ярашиқли безак бўлди. Идиш шаклининг ўзгаргани истеъмолчилар учун реклама ва зифасини ўтади.

Мутахассислар аралашмадаги моддаларнинг шифобахш хусусиятини алоҳида таъкидлаб, кафолатли тавсия — сертификат беришди. Кумуш моддаси яна табиий асал ўз хусусиятларида кўра сувнинг яроқлилик муддатини одатдагига қараганда ўн баробарга узайтириши, соғувда туриб қолганда ҳам, сифатиغا зарар етмаслиги

кафолатланган эди. Сувга соф ўзбекча «Кумушқултум», «Асалқултум» деб номлар берилди ва пойтахт бозорлари, шифохоналар ҳузуридаги дўконларга чиқарилди. Сув жуда харидоргир чиқиб қолди. Харидорлар шифобахш сувни сўраб, ҳиссадорлик жамиятига, ҳатто, цехларга ҳам келишарди. Ўшанда харидорлардан бири:

— Мирсобит ака! Ҳузурингизга мени юз ёшни нишонлаётган онам юбордилар. «Бизнинг тўйимизга «Кумушқултум»дан юз дона, «Асалқултум»дан юз дона топиб келасан», дея топшириқ берганлар, — деганида, чет эллик меҳмонларга асраб қўйилган сувларни бериб юборган эди.

Сувнинг харидоргир бўлиши ҳисобига ташкилот ойига ўн беш миллион сўм даромад оларди. Янги япон қурилмаси ишга тушса, кутилатган соф фойда 185 миллиондан кам бўлмади. Солик, ижара ва бошқа тўловлар тўлангач, корхонада ишлатган 35 кишининг даромадига ҳавас қилса арзийди...

Қўл телефони жиринглаб, Мирсобитнинг хаёли бузилди:

— Мирсобит ака, ускуналарни ўрнатайликми?

— Менсиз бирон ишга қўл урманглр. Боряпман.



Бирга ўрнатамиз.

Кўрсатмага биноан янги дастгоҳлар 20 даражадан ошмаган иссиқликда ўрнатилиши лозим экан. Демак, уни фақат кечаси ўрнатиш керак. Йўриқнома билан яхши таниш бўлган ва махсус ўқув гуруҳини битириб келган мутахассислар дастгоҳларни ўрнатишга киришдилар. Бошлиқ ўрнатилаётган дастгоҳлардан бир қадам ҳам нарига кета олмасди. Тонггача 14 та дастгоҳ ўрнатилди. Қуёш кўтарилгач, иш тўхтади...


— Ойижон! Қўшнимиз Манзура хола олаётган нафақасини университетда ўқиётган ўглининг «контракт»ига йиғиб юради, деганмидингиз? Мактабга қатнайдиغان тўрт нафар фарзанди билан қийналиб қолишгандир-а?! Хуллас, Манзура ҳоланинг ўғли олийгоҳни битиргунича шартнома пулини биз тўлаб турсак.

— Айланай, болам, жуда савоб иш бўларди! Ҳадиси шарифларда айтилишича, атрофдаги камбағалларнинг ризқи ҳам бойларга берилган, Яратган эгам эса бойлар ризқни ўз эгасига топширармикан, деб синов ўтказар экан. Бизнинг дастурхонимизда уларнинг ҳам ҳақи бор, болагинам!

Мирсоби́т янги режалар билан ишга отланар экан, кўнгли хотиржам, кайфияти чоғ эди...

Рауф РАҲИМ

БЕГОНА МАКТУБ






Бировнинг мактубини ўқиш одатим йўқ. Лекин кутубхонадан шоир Охунжон Ҳакимовнинг «Кўзларингни ўзи қора» китобини олган эдим, қатидан чиққан мактуб мени қизиқтириб қўйди. Мактубни беихтиёр очиб ўқидим...

«Мана, мен бир неча кундан кейин ўзга бир хонадоннинг, ўзга бир инсоннинг севимли маликаси бўламан. Лекин севги... Севги сароб деганимикан? Айрилиқ деганимикан? Қандай севар эдим Сизни. Қалбимда шунча муҳаббат билан «у»нинг кўзларига қандай қарайман? Сиз ҳам мени чин юракдан севишингизни билардим. Энди мени унутмоқ Сизга оғир бўлади. Буни биламан. Ҳали Сиз мени «Бевафо» деб таъна қиларсиз Майли, нима деб айбласангиз ҳам. Севгимизнинг сарсон бўлиши фақат менинг айбим бўлса-ку! Бир умрга айрилаётганимизда Сизнинг ҳиссангиз кўпроқ. Севишни билган одам кураша билиши ҳам лозим. «Кўзларинг ёш тўкмоқ учун эмас, кулиб турмоқ учун яратилган! Мен унда доим акс этиб туришни истайман!» Бу кўзлар бугун кулиб туриб йиғляпти. Йиғлаб туриб кулаяпти. Бу кўзларда акс этиш истагингиз учун мен курашишим лозимиди? Бор вужудим билан ҳис қилаяпман — яна кимдир севиш Сизга қийин бўлади. Ўшанда ҳам «у»нинг кўзларидан мени излайсиз. Мен эса...

Ҳозир Сиз билан ўтган ширин хотираларнинг барчасини унутиб, ҳатто имкон қадар Сизни-да унутмоққа тайёрман. Ахир мени ширин орзулар ила олиб кетаётган кўнглим ва умрим соҳиби хонадониди Сизни ўйлаш, эслаш хиёнатдан бошқа нарса эмас. Сиз ҳам мени унутинг... Осон бой берилган севги осон унутилар...

Маҳфуза ҚОБИЛЖОН қизи





*Эшиқиб, тўлганиб ишрағида куй,
Қайлардан келмоқда бу оху фарёд?
Ким у йиғлаётган Навоиймикан,
Ва ё май куйчиси Ҳайёммикан, доғ!*

Дарҳақиқат, куй-шундай кучга эгаки, истаса, ҳазин нолалари билан сизни йиғлатиб, кўнглингизни юмшатади, истаса, қувноқ оҳанги билан кайфиятингизни кўтариб, дилингизни яйратади. Айниқса, миллий чолғуларимиздан гижжак навоси ҳеч бир тингловчини бефарқ қолдирмайди.

Ўзбекистон Давлат консерваторияси ўзбек халқ чолғулари кафедраси профессори, «Сайқал»

анъанавий ижрочиликни ўзлаштириш», «Гижжак-альт» номли ўқув-методик қўлланмалари чолғу ижрочилигини ўзлаштиришда қўл келиб, ундан мусиқа мактаблари, ўрта ва олий санъат билим юрталари, консерватория талаба ҳамда ўқитувчилари фойдаланиб келмоқдалар.

Устоз билан суҳбатлашар эканмиз, у кўпроқ гижжак ҳақида сўзлади:

— Гижжакнинг келиб чиқиши X-XI асрларга тўри келади. Бу хусусда қизиқарли маълумот бор. «Зийнат ал-мажолис»да ҳикоя қилинишича, Форобий Рай шахрида Соҳиб ибн Аббод

тет, камер оркестр) пайдо бўла бошлади. Хуллас, гижжак нота йўлидаги ижрочиликка мосланди.

1971 йилдан бери ўқув юрталарида гижжак-альт синфи ҳам очилиб, республика миқёсидаги танловда гижжак-альтчи созандалар ҳам қатнашиб келмоқда.

Профессор Мурод Тошмуҳамедов гижжакда анъанавий ижрога хос турли безаклар — нола, қочирим, молиш, кашишлардан фойдаланиб, мусиканинг таъбирчан, ифодали, сержило, жонли садоланишини таъминлайди. Унинг ижросидаги М.Бафоев қайта ишлаган ўзбек мумтоз

ГИЖЖАК НОЛАСИ

гижжакчи талабалар камер оркестри раҳбари Мурод Тошмуҳамедов қарийб 50 йилдирки, гижжак билан ошно. У гижжак созидан дастлабки сабоқни Республика болалар саройида А.Одилов ва С.Жалилдан, Глиэр номидаги махсус мусиқа мактабида профессор Я.Сабзанов ҳамда консерваторияда О.Холмуҳамедовлардан олди. Шунингдек, У.Хурсанов, Ф.Мирусмонов, В.Вальберглар сабоғи ва меҳридан ҳам баҳраманд бўлди.

1961 йилдан то шу кунгача ҳам консерваторияда гижжак ва гижжак альт созларидан дарс бериб, кўплаб ёш созандаларни тарбиялаб келмоқда. Тиниб-тинчимас устоз 1994, 1995, 1997, 1998, 2001 йилларда ўтказилган «Гижжак мусиқаси» фестивалларида «Сайқал» гижжакчи талабалар камер оркестри билан иштирок этиб, санъатсеварлар назарига тушган. Моҳир созанда ва дирижёр М.Тошмуҳамедовнинг «Гижжак наволари», «Гижжак дарслиги», «Гижжакда

қабулида бўлганида, вазир шарафига ўтказилган зиёфатда ўзи ихтиро қилган чолғуда куй ижро этади.

Ташқи кўринишдан кичик қовоққа ўхшаган бу соз «ғипчак» номи билан танилган бўлиб, Форобий бу чолғуда уч қисмли куй ижро этиб, машваратдагиларни ҳам йиғлатган, ҳам қулдирган, ҳам ҳаяжонга, ҳайратга солган экан. Гижжак аввал икки торли, Бобур замонидан уч торли бўлган («Бобурнома»да ёзилмуҳаммад Удий гижжакка учинчи торни тортиб, юқори ижрочилик маҳоратини намойиш этган). Устод Зайтуни-гижжакчи мақомнинг турли пардаларида чиройли куй-пешравлар басталаган. Навоий эса гижжакни «У чўзиқ нолалар чекиб, ёлборали», деб таърифлайди.

Сўнги йилларда гижжак оиласига мансуб бир неча янги созлар: гижжак-альт, гижжак-бас ва гижжак-контрабас яратилиб, гижжак ансамбллари (квар-

куйи «Тановор»ни тинглаган киши, албатта, куйнинг сеҳрини, жозибасини ҳис қилади. Унинг гижжак-альт учун мослаштирган «Рақс» («Зайнаб ва Омон» операсидан), «Найрез» (тожик халқ куйи), «Норим-норим», «Оразбон» (Хоразм халқ куйи), «Шарқона рақс» («Лайли ва Мажнун» операсидан), «Чаман ялла», «Испанча серенада», «Шарқ фантазияси» куйлари дарсликка ноталари билан киритилган.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида Мурод Тошмуҳамедов меҳнат ва ижодий фаолиятининг 45 йиллигига атаб ўтказилган катта ҳисобот концертда «Нола» гуруҳи «Мастона бўлдим», «Парвона қилгин», «Бир Оллоҳим», А. Дадаев «Онам», «Умидим қолди», «Меҳрибонимга», талабалар «Пўлилар таронаси», «Каприз», «Вальс фантазия» каби куй ва қўшиқларни ижро этишиб, устознинг кўп йиллик меҳнатлари самарасини намойиш этдилар.

Гулюз ОРИФЖОНОВА



Ўзбекистонда биринчи чангчи аёл — Фазилат ШУКУРОВА 60 ёшда

Чанг ториға чун фиғон берди,
Қилки ўлтирмиши эрди жон берди,
Чангни қўлга олиб айлади соз,
Чанг ила нағма айлади овоз...

ЧАНГ ТОРИГА БОҒЛАНГАН АЙЛ

Ҳазрат Алишер Навоийнинг юқоридаги мисраларидан маълумки, чанг сози ўтмишда ҳам машҳур бўлган. XVI асрнинг иккинчи ярми XVII асрнинг урталарида яшаб, ижод қилган буюк аллома, машҳур чолеучи Дарбеш Али Чангий «Муסיқа рисоласи» асарига «Чанг — чолеуларнинг келинчағидир, соз ва нозлар парисидир», деб ёзган. Арсоналарда чанг чолеуси ёўзаллик ва поклик тимсоли бўлган созанда Ҳухрога баешлангани хақида сўз юртилади. Навоийнинг «Сабъи сайёр» достонига ҳам Баҳромнинг севилик созандаси Дилором чангчи бўлган. Дилоромнинг нозик куйи оҳуларни ром этади, бутун борликка ором бахш этади...

Бугунги кунда ҳам чанг охана ва ижро жихатидан ўз ўрнини йўқотмаган. Чанг чолеучилиги юртимизда ўз устоз-шоғирлик анъаналарига эга. Бу чолеучиликнинг бугунги забардаст вакилларида бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Давлат консерваторияси доцентни Фазилат Шукуровадир.

Фазилат опанинг болалиги ўтган Пайшанба кишлоғи Самарканднинг энг чекка хуудларидан бири эди. Мактабда, кишлокда, туманда ўтадиган тағбирларда уларнинг муסיқа тўғараги фаол иштирок этарди. Кейинчалик у муסיқа билим юртида ўқиб юрган пайтлари профессор Мухтор Ашрафий ёш истеъодларни ўқишга жалб қилиш мақсадида Самаркандга таширф буюради. Фазилат опа мутахассислар назарига тушади ва 1962 йилда Тошкентда, консерваториянинг тайёрлов курсига синовсиз қабул қилинади. Консерваторияда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фозил Харратов синфида

сабоқ олади. Шунингдек, чанг созининг усталари Фахриддин Соҳиқов, Аҳмад Оғиловларнинг ҳам замонавий, ҳам анъанавий усулдаги маҳоратларини кўнгил билан ўрганади.

У Фозил Харратовнинг чанг чўпини аниқ тораға уриб чиқиларини хайрат билан қўзғатади, устозининг чалаётган куйларига жўр бўлиб, усул бериб туришига ҳаракат қилар, ўрганишдан чарчамасди. Опа хозиргача Фозил ака номини ҳурмат билан тилега олади. Чунки кўпчилик унга қиз бола учун чанг созини кўтариб юриш кийинлиги, торлари кўпчилигидан созлаш мушқуллигини айтиб, бошқа чолеу синфиға ўтишни маслаҳат берарди. Ф. Харратов эса талабаларини чангнинг сеҳрига махлиё қила олди. Хуллас, чангнинг торлари Фазилат опани бир умра боғлаб олишига Фозил аканинг меҳнати кўп бўлди.

Ўқини даврида Фазилат ёш созандаларнинг I Республика танловида ёшли бўлганида ҳам, консерваторияни тугатиб, Мухиддин Қори Ёқубов номидаги филармониянинг муסיқа бўлимига яқка созанда вазифасига ишга тақлиф қилинганда ҳам муваффақиятларини изланшилари меваси, деб блди. Саноқли аёл санъаткорлар сафиға ҳеч иккиланмай қўшилиди.

Чанг чолеуси учун махсус ёзилган асарлар йўқ даврда ўзининг талабчанлиги, ижро маҳорати билан олқишларға сазобор бўлди. Бастакорларни чанг учун асарлар ёзишга ундади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сайфиддин Йўлдошев Фазилат Шукурова учун «Бое сайри», «Бахт куйи» асарларини, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор Иброҳим Ҳамроев чанг ва ўзбек хаал чолеулари оркестри


учун «Биринчи концерн»ни ёзишди. Дони Зокиров «Шомирий» хинг хаал куйини, «Ишон» ўзбек хаал куйини чангға мослаштириб ёзди. Бу асарларни Ф. Шукурова маҳорат билан ижро этиб, республикада, қўллаб хоржий давлатларда чанг чолеуси илқониятларини намойиш қилди.

Бир гал Польшанинг Познан шаҳрида бўлган концертда Фридерик Шопеннинг «Еттинчи вальс»ини ижро этганидан сўнг бир гуруҳ томошабинлар Фазилат опанинг олдиға келиб, асбобни кўздан кечириб, нималарнидир ағлаштишди. Таржумоннинг айтишича, поляклар аввалиға бу соз ичида куй ёзилган тасма бор, деб ўйлаган ва табиий куйлиғига амин бўлишга, «Агар Шопен ўзининг «Еттинчи вальс»ини ўзбек чанг чолеусида шундай жозибали садоланишини эшитганда, у айнан чанг чолеуси учун бу асарни ёзган бўларди», дейиштибди.

Фазилат опа 1988 йилда Хиндустоннинг Калькутта шаҳрида бўлиб ўтган Конференцияда катнашиб, Тереза она билан танишди. Болалар ўйларига ўзбек куйларини чанг созида ижро этиб беради.

Бугунги кунда Ф. Шукурова Ўзбекистон Давлат консерваторияси дирижёрлик кафедрасининг доцентни. Қўллаб шоғирларини мураббийи. Ахил оиланинг бекасси, уч фарзанднинг онаси, невараларининг севилими бубижони. Консерватория хотин-қизлар қўмитасининг раиси. Ижод, иш ва оилани бекамурга удғалаётган аёл. Бу қиларға эришганча Фазилат опа ҳаётининг паст-баландларини мардона енгиб ўтди. Шунинг учун ҳам шоғирларига нафқат чолеучилик сирлари, балки кўнели хақида, хаёт хақида ҳам сабоқ беради. Зеро, «Ёрувлиги йўқ одамнинг ўзи ҳам юлдуз бўлолмайди», деган экан бир файласуф. Бугун Фазилат Шукурова ёруе юлдуз. Унинг нуридан баҳраманд биз шоғирлар опага узоқ умр, бундан-да порлок ижодий фаолият тилаймиз. Чанг ториға пайваста кўнелингиз мудоом қубониб, қубонч улашиб яшнайверсин, Фазилат опа!

Гулчеҳра ЭРҒАШЕВА



Тўрт девор... Дераза... Чирок... Баландлиқ. Ҳар тун шу. Пастдан баландга, баланддан пастга-зиналар ўралашди оёғим остида. Ҳар тун бир вужуд илинж кўтарилиб боради зиналардан... Кундуз ҳам шу зиналарда умид ҳамроҳ бўлганмиди?.. Эслолмайман. Ниманидир кутаган... Деразанинг чертилиши... Йўқ... Мен ахир жуда... баландмадан-ку... Деразамга олиб келар зиналар йўқ... Сенда қанот... Фақат эшигимга олиб келиши мумкин зиналар...

Эшик очиб қирар тасодиф
Бош экканча тўрар остона
Чирок кўзларига ёш олиб
О, чайқали тўрар мастона.

Мунгайган остонага раҳим келдими? Чирокқачи? Ўзимга раҳим келганидир бу?.. Остона... мунгайиб ўзимга ўзини эслатади. Бошимни кўтариб қаролмайман — ахир... ёнимда, қўл чўзсам етгудек Азим Дарахтларнинг энг баланд шохлари. Уларга қўл чўзсам шамолдек.

Шамол дарахтларни соғди ларзага,
Шўнга қоронғулик келганда малол.
Ўзим муҳаббатга ташна лаҳзада-
Сочим гуллаётган бўлса эҳтимол...

Қанийди... шамол бўлсам, кезиб юраверсам тунларда... боғлар оралаб. Борлигимча, беқарорлигимча севса, мени кутиб, кузатиб шовулласа Дарахтлар. «Дарахтлар гапирса — рост гапирди, Дарахтлар йиғласа — йиғлайди чиндан.» Келсам... ҳар битта янроқ ўзгача титраса... Кетсам... исимини айтиб қакираверса новдалар... Шундай севсанг, севилсанг. Ахир... қачон Муҳаббатсиз яшадим, қачон ташна бўлмадим Муҳаббатга?! Қачон кутмадим Сени?! Кута-кута... сочларим гуллади, ғамларим гуллаб кетди. Қачонлардир... бу ғамлар куртак эди... «... Сочимда қалашди ранглар. Сизни кута-кута, жоним, муттасил, Оппоқ гўзалликда гулламиш ғамлар...» Сочларимга қўшилиб, гуллаган ғамларнинг ифорини туйдими димоғинг? Тунни тутиб кетди-ку, бу ифор... Сенинг кўзингда, менинг кўзимда «Икки-мизни мангу боғлаган ғамлар». Энди... ғам тўлган хонада чирок ўчмайди... то отгунича тонг. Сенинг хонангда эса...

Сезяпман ўйингда
Илмадир бўлган
Сезяпман ўйингда
Бўлган ниладир.
Ҳали ёқилмаган
Чирок шифтингда.

Балки соғингандир хонанг таниш кулгуларни? ... Қанча бўлиб кетди ойналаринг, деворларинг бу кулгулардан жарангламай қўйганига?.. Қачон умидсизланиб улгурди Дунё?


Ҳали ўзоқ ашаса бўлар,
Ҳали гўллар кўп-кў чаманга...
Такрорламайсаними? Нега?
Нега, ахир, йилеяйсиз зилдан,
Биз бахтлимиз...
Нима бор-ёшга?!
Сўз берман-кечиб ўзимдан,
Сизни жондай эҳтиётлашга,
Эшитайсаними мени? Борлигимни сезяпсанми?..
Бу дунё-ўўзах деб Сенга ким айтди?!
Ким айтди-жаннатга ўзини асрашни.
Билмадим, кўзинга, кимлар ўргатди?!
Цигелатиб яшашни...
Цигелаб яшашни?!

Оғир ботмаяптими саволларим? Ва ё жуда енгил туюлмаяптими?

Айт... Ахир... Менинг... мана шу тунда ҳолим бор сўрволарга. Бу тун ўтса...

Қаерга борман бу тундан ўтиб?!
Чақмоқлар чарсиллаб тўрса қадамга...

Эртагача етоламанми? Нега мен эртани ўйлапман? «Эрта мени қайга бошлаб кетар Тун?!» Эртдан кўрқяпманми?! Эрта нима?.. Мен... ҳозир... шу тунда... Сендан кўрқаман, хавотирман Сендан... Гарчи тонг яқин бўлса-да...



МЕНИНГ ХОСИЯТЛИ ЛАҲЗАЛАРИМ

(Хосият Рустамовани ўқиб)

Сен хали үйкүүдөн үйгөнгөнгөңгү үйкү,
Жоним, түшләрингәдә асрасин Хүдо.
Шүнчалар, шүнчалар
бахтиёрман-ки,

Цемингәни пичирлаб қилдим иштижо.

**Каердан бу бахтиёрлик? Исминг... шүнчалар
тохир... шүнчалар сохир... Исминг... ишқдай боки-
ра... Покланаман исмингәни такоррлаб...**

Шавнам юзларини

Фовмаган пайтга,

Фарахтлар гүллашһни қилганида рағ.

Цемингәни пичирлаб қайта ва қайта-

Шоват қиялман, шоват.

**Сен хамон үйқуда, Сен эшитмайсан. Ахир мен
сени... Худодан сұрайман. Тушларингәдә күрмаяп-
санми?.. Тушларингәдә борман... Қандайин Соғинч
бу?..**

Энг сүңгәи жонини қўлиға олиб

Юрак санчиб қўяр ўқтин ва ўқтин.

Соғинмоқ-қачондир...

Биз билмай қолиб,

Шкилиз ҳақиға ўқилган хўкм.

**Сенинг уйқуларинг соғинчли. Хозир... шу лаҳ-
зада Сочларинг сарғайиб... Нега?.. Ойнинг нурла-
рини ўйнапғими сочларинг? Шамолчи?**

...Не үчүн йиғладим шалол ортидан...

Қўрқдим-кү...

Сочингәни тўзеттади деб,

Ярд ташлаб кетар деб кипригингә ё...

**Сочларинг... киприкларинг... Аллақачон англа-
ганман... Яна англаялман.**

...Бү дунё арзимас битта сочингә,

Оерийман тўқилса киприкларинг гар...

**Хамон ухляялсан. Тушларинг тугаб боряпти —
сезмаялсанми?! Қанийди уйгөнгәңгү...**

Шүн безиб турйман қоронғуликдан...

Қочиб кетгим келар далаға-қирға...

Фақат Сиз бұлсанғиз,

Фақат ман бұлсам

Фақат күёш бўла биз билан бирға...

Яширингим келяпти... тушларингә. Фақат...

...Сиз томонға бўлмайди ўтиб...

...Боролмайман бү йўлдан эниб,

Жоним, юлғуларнинг синиги

Оёвмиға қолган қадалиб.

Бормайман... Массофа яқин-ку. Йўк, жула узок.

**Шамолларни эшитмаялсан, чорловларни эшитмаяп-
сан.**

...Мен тирикман-айтаман

Сен ҳақингда чорловни...

Тонгача... фақат тонгача тирикман. Кейин...

О яна уйгөндим.

Яна уйгөндим-

Қўнғилимда шовқинү вужудимда шахғ.

Қўнғилизни чўзинг — Сиз билан жоним.

Бүёун видолашив қўймоқлигим шарт.

Уйғон. Хеч йўкса хайрлашгани...

О, килдир йўқолар

Зинадан түшиб,

Қилдир зиналардан чиқиб келар жим.

Сени?! Чиқиб келасаними?..

Шўқилиб турман сенинг пойингә

Селмонсан-бошимни қўтарсам ағар.

**Мен тепада қолиб кетдим. Чиқиб кел. «Зина-
лар — Дүлға бошлаб борар йўл...» Имкон бер тўқил-
гани Пойингә. Зиналарға күрсат Дийдоринг қадам-
ларин. Тутқичларни тиклаб қўй, суяб чиқ уларни...
Азизим... ёнигә йиглаб чиқ. Ва Мен хам йиглаб чи-
қаман хузурингә...**

...Цигелашға қўймайди визни гиналар

Мен ағо бўлғандим Сенға йиғаламай.

**Рад эт гиналарни. Ахир... эшигим очиқ-ку Сен-
га. Чиқиб кел... Сўнгра...**

Кетмайлик...

Кетишиға йўллар етарли

Сиз билан кетишингә ўзи бир вайрам.

**Кейинги тунгача... бирға етайлик, кейинги тун-
гача... бор бўлса ағар... айтмайлик Хайр. Ахир...
«яшамокдан қийин хайрлашмоқлик». Шу тонгдан
омон ўтсақ... Кейинги тунгача етсақ... Кейинги тун-
га... Деворлари қайғадир бош олиб кетган, очиқ қол-
ган Дераза рахида Оймома кўшиқ айтаётган, шифт-
сиз қолиб кетган Чирокли хонада... Сени, Қўзларин-
гни күрсатаман ўзингә. Балки шеър хам ўқирман
Чирокка бокиб...**

Азизим, бир нафас түшигин ёнимға,

Мунғайиб қўзимда яшадан берүүх.

Шашакқур айтгим бор-

Сенинг борингә,

Ва лекин қўзлар бор сөндан хам ёрух.

**Яқши-а? Фақат сал кейинроқ. Қачон?! Сен зи-
наларға кадам қўйганингда. Эшигимға урилганда
«Йўлга чиқдим. Бораман. Кутинг» деган сўзларинг.
Шошил. Улғурасан. Оёқларинг йўл күрсатади. Кун
бўйи умидсиз йўлларда кезишдан толтиққан, Кадр-
дон йўлакни соғинган, «минг хил ташвишлардан чар-
чаган туфлингә Менға элтар йўллардан юриш бах-
тини бер. Қизғонма... «Ўзи билан оввора тунда Мен-
га тундан яқинсан, яқин.»**

**Сен Менға ўзинни келтир. Мен Сени... тилаб
оламан Худодан. Эшигимға қалар... мени сўраб кел.
Чақириб кел, чорлаб кел Мени. Ўзинни Ўзимға олиб
кел, Ўзингни олиб кел Ўзимға... Етиб кел... Менға...
АЗИЗИМ...**

Зумрад ВАХОБОВА

Инсон тафаккур қилиши ва сўзлай олиши билан ўзга жонзотлардан юксак туради. У тафаккур қила олар экан, ўз кечинмаларини, асосан, сўзда, баъзан эса имо-ишора ёки нарсан-буюмлар орқали ифодалайди. Шу маънода у сўзга илоҳий сифат бериб, Тангрини васф этиш учун ёки унинг зарраси бўлган одамга ҳам жон сўз орқали кирганлигини тан олади. Халқимизда мавжуд «Айтилган сўз — отилган ўқ», «Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир», «Аввал ўйла, кейин сўйла» мақоллари ва «Фаришталар «омин» дейди», «Фаришталар «омин» деган эканми...» ибораларида ҳам

сўзлашаётганларнинг махфий сўзлашуви маъноларини ўзгалардан яшириш билан боғланиб кетган. Бугунги кунда эса бу адабиётда рамз сифатида мавжуд.

«Минг бир кеча» араб халқ эртаклари мажмуасида «Ошиқ йигит ва маъшуқа қиссаси» мавжуд. Унда маъшуқа томонидан ошиққа рўмолча, қороз, ойна, кўмир, туз, пичоқ, тўпик суяги, хурмо данаги, писта пўчоғи, пул кабилар кўрсатилади ва улар маъноси ошиқ йигит амакисининг қизи томонидан изоҳланади. Асосан, араб халқ эртаклари деб қараладиган «Минг бир кеча»да бу ҳолат, яъни шамонларга хос

ЎЙНАБ ГАПИРСАНГ ҲАМ...

«Алломиш» гостонига сакраль тил хусусиятлари

сўзнинг куч-қудрати эътироф этилишини кўриш мумкин. Барча халқлар учун хос бўлган қарғишлар ва олқишлар ҳам сўз магияси билан боғлиқ эътиқод ифодасидир.

Шундай даврлар бўлганки, бугун биз учун рудимент ҳисобланган анъаналар, ўтмишда халқ эътиқодининг асоси, тўғрироғи, мазмун-моҳияти ҳисобланган. Сўз билан боғлиқ анъаналар ҳам айнан ана шундай дунёқараш маҳсулидир. Сўз ва унинг магияси билан боғлиқ ишонч таъсирида инсон сўзни беҳудага айтмаслиги, қўлламалиги, яъни оғиздан чиқармаслиги одат бўлиб қолган.

Ўша пайтдаги шамонларгагина хос бўлган баъзи хусусиятлар — рақс тушиш, шеър ёки кўшиқ айтиш, дўмбира (ёки доира) чалишлар билан бирга рамзий гапириш омма учун умумий бўлиб қолди. Шамонларга хос «рамзий сўзлаш» моҳияти ёмон сўздан қочиш, сақланиш билан боғланган бўлса, кейинчалик у халқ орасида ҳам ёмон сўзнинг таъсиридан сақланиш (табулар илонни «арғамчи», чаёни «отсиз», «номи йўқ» дейиш билан гўё улар номини айтса, бу жониворнинг ўша ерда пайдо бўлиб қолишига ишониши) ҳамда ўзаро

рамзий сўзлашувнинг учраши ҳар бир халққа сўзлашиш жараёнида баъзан шу халққа хос қарашлар, анъаналарнинг сингдирилиши билан боғлиқ бўлиши керак. Шунингдек, эрамизгача 514 йилда форс шоҳи Дорога скифлар қуш, сичқон, қурбақа ва 5 та ёй жўнатишган. Булар ўз навбатида рамзий маънога эга бўлган. Унга кўра, скифлар бостириб келаётган форсларга қарата қушдек учиб, сичқондек ер тагига кириб, қурбақадек сувга шўнғиб кўздан войиб бўлишлари кераклигини уқтиради. Агар шуларга амал қилмаса, ёйлар билан уларни ўддиришга ишора қилишган эди. Бундан ташқари Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонида ҳам Искандар ва Доро ўртасида (элчи воситасида) шундай сўзлашув бўлиб ўтади:

**Яна берди чавгону гўё анга,
Қилиб мунда ҳам гуфтигўё анга
Яна бир идиш кунжуди бехисоб
Бериб анга ҳам қилди сўз хитоб.**

Бу каби сакраль (маросим) тил хусусиятларини ўзбек халқ оғзаки ижодида, хусусан, «Алломиш»нинг икки —

Саидмурод Паноҳ ўгли ва Берди бахши вариантларида кузатиш мумкин.

Саидмурод Паноҳ ўгли вариантида Бойсун подшоши Юсуфхон «Ҳар кимнинг боласи бўлса тўйга айтинг, боласи бўлмай тўйга келса, уриб-уриб ҳайданг», деб фармон чиқаради. Ногоҳ бир тўйга Бойбўри билан Бойсаро келди. Буларни ура олмадилар, ош тортди. Тўйхонада бир кал бор эди. Кал:

— Подшонинг буйруғи шу: «Боласи бўлса қўйинг, боласи бўлмаса, уриб-уриб ҳайданг», деб қўювди. Сизларни уриб-сўка олмадик. Борсангиз, болангизга олиб борасиз, — деб, дастурхондан суякларни олиб буларнинг белига қистири бошлайди. Бу ерда этсиз суяк бефарзандликка ишора бўлиб, унинг эр киши белига қистирилиши ҳам рамзийлик касб этган. Айтиш мумкинки, суяк бефарзандлик (ёки мосуводик) рамзи бўлса, эт фарзанд(авлод ёки насл)га рамз бўла олади. Бевоҳита гўшт (таомнинг фарзанд билан алоқадорлиги Берди бахши вариантида мавжуд. «Ёши ўтгиз учга келганда, иккови ҳам фарзанд кўришмади. Шу вақтда бир одам тўй қилди. Шунда ҳамма одамга қазии билан қарта қўйди. Бойбўри билан Бойсаро борган эди, узун ичак қўйди, олдига ўтмас пичоқ қўйди». Ҳар қандай рамз, албатта, ниманингдир рамзи, хоҳ маънавий турмушда бўлсин, хоҳ ҳаётда. Бу ерда «қазии-қарта», «узун ичак» чорвадор халқ анъаналаридаги дунёқарашлар билан боғлиқ бўлиб, халқимиздаги «Қазисан-қартасан, асл наслинга тортасан» мақолида ҳам «қазии-қарта» таомдан ташқари рамзий маънога ҳам эга. Мақолнинг мажозий маъноси: ёмон(одам)дан туғилган (фарзанд) минг яхши бўлиб кетгани билан барибир асл зотига тортади, яъни унинг хатти-ҳаракатида, юриш-туришида, гап-сўзида асли-наслидаги одамларга ёқмайдиган, улар дилини ранжитадиган ўша ёмонликдан қандайдир бир асорат сақланиб қолади. Демак, мақол моҳиятида қазии-қарта авлод (насл, фарзанд) рамзи эканлиги эътиборга

олинса, дostonда фарзанди борлар олдига қазии-қарта қўйиш орқали уларнинг (инсоннинг) обрў-эътибори, ҳурмати фарзанд билан эканлиги англашилади.

Энди узун ичак ва ўтмас пичоқ билан боғлиқ мажозий маъноли муносабатга эътибор берамиз: маълумки, халқ орасида ҳаракати суст, чаққон бўлмаган кишиларга нисбатан «Узун ичкадай чўзилиб юриди» ибораси қўлланилади. Узун ичакнинг таом сифатида эътиборга моликлиги йўқ. Қазии-қарта эса отнинг ёғли йўрон ичагидан тайёрланади. Демак, фарзандсиз киши ёғсиз, қазии-қартага ярамайдиган узун ичка қиёсланган.

Б.Саримсоқовнинг ёзишича, пичоқ ҳам ўзбекларда магик қудратга эга бўлган буюм саналади. Халқ орасида пичоқ (эртақларда қилич) йигитнинг доимий ёнида бўлиши талаб қилинган буюмлардан биридир. Дostonдаги бефарзанд ака-уканинг олдига ўтмас пичоқ қўйилишининг моҳияти, уларнинг эл-юрт олдигаги рўзгорбоши — эрлик шаъни ва уни белгиловчи мезон — фарзанд кўриш билан боғланади, яъни бефарзанд кишининг эл орасида назар-эътибордан четда қолишига ишора бор эди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўтмишда сакраль (сакраменталь) тил мавжуд бўлган. Ижтимоий тилдан фарқ қилган бу тил маросим ёки катта йиғинларда қўлланган. «Садди Искандарий»да Доро элчисини қабул қилган Искандар ҳам кўшчилик олдига чавғон, тўп, кунжутлар маъносини шарҳлайди. «Алломиш» дostonининг икки вариантида ҳам рамзий воситалар орқали «сўзлашув» мотиви бор ва бу «Чупрон» тўйи маросимида юз беради. Сўнги хулоса шуки, туркий халқларда буюмлар орқали сўзлашиш кенг тарқалган. Буни англаб, шунга кўра муомала қилиш уларнинг идрокларига боғлиқ бўлган.

Раъно ЭГАМШУКУРОВА,

ЎзРФА Алишер Навоий номидаги
Тил ва адабиёт институти аспиранти

Ўзғам Султон

Ойлавий



Етти эпизодли комедия

Давомл. Боши ўтган сонларга

ОНА. Хой, совчи, туёгингни шиқилла-тиб қол! Менинг ёлғончига, хушомадгўйга берадиган қизим йўқ! (*Магний портлайди*).

ҚАЛЛИҚ. (*Келинга алам билан*). Мана, мен бу хонадондан ҳайдалиб турганимда суврата тушдим. Бу нима қилганингиз, опа-жон?

КЕЛИН. Кечирасан, ука, ўзимни тутол-мадим ... Сен энди янги ишни бошдан бош-ла. Мен ёрдам берай.

ҚАЛЛИҚ. Ҳалиги гапингиз менга ёқди, холажон. (*ҳамма ҳайрон*).

ОНА. Бу гапимнинг сенга нимаси ёқди?

ҚАЛЛИҚ. Сиз менинг совчи эканимни охири тан олдингиз. Менга ҳозирча шунинг ўзи ҳам кифоя.

КЕЛИН. Кечирасизлар, мен унутибман, сов-вчига дастурхон солиш керак. (*Ўрнидан туриб, ич-карига жўнайди*).

ОНА. Дастурхонга бало борми? (*Келин Отага саволнамо назар ташлаб, буйруқ кутади*).

ОТА. Дарвоқе, дастурхонни ҳозирча қўятуринг, келин. Совчининг олдида дастурхон ёзилгандан кейин нон ушатиб, яъни тўйга фотиҳа бўлса, яхши бўлар эди. Ҳозирча нон ушатилмайдиганга ўхшаб турибди. (*Қиз ва Келин худди аввал тил би-риктирандек пичирлашади. Қиз шошиб, ичкарига кириб кетади*).

КЕЛИН. Укамга сизлар дастурхон солмасан-гиз, мен ўзим соламан.

ҚАЛЛИҚ. Тўхтанг, опажон. Дастурхонни ҳозирча қўя турсангиз хафа бўлмайман. Аввал нар-вон масаласини ҳал этиб олайлик.

ОНА. Яна «нарвон» дейди-я.

ЎГИЛ. Тилдан сенга худо берган экан, йигит.

Опанга қўшилиб, битиб турган ишни яна расво қилдинг-а?

ҚАЛЛИҚ. Совчиликка тажрибам йўқ-да, таж-рибам. Умримда биринчи марта совчилик қилаёт-ганим.

ОТА. Яна қанақа совчилик дегин?

ҚАЛЛИҚ. Бунақа совчиликни душманимга ҳам раво кўрмайман.

(*Ўнғайсиз сукунат. Қаллиқ қизнинг ичкаридан чиқишини кутиб, у томонга бир-икки қараб олади*).

ОНА. Нега серрайиб турибсан, йигит? Сенга рухсат.

ҚАЛЛИҚ. (*Хижолатликдан чиқиш учун ўзини атайин анқовликка солади*). Миннатдорман, хола-жон. Миннатдорман. (*Ичкарига яна тикилади*).

ОНА. (*Жаҳл чиқиб*). Нима учун миннатдорсан?

ҚАЛЛИҚ. Тўйимизга рухсат берганингиз учун.

(*Ота ва ўғил четга юз ўгириб, пиқиллаб кули-шади*).

ОНА. (*Бошқаларга Қаллиқнинг «мияси айнига-нига» ишора қилгач*). Кетишингга рухсат деяпман, кетишингга, йигит.

ҚАЛЛИҚ. (*Яна ичкарига қараб олиб, гапни атайин чўзади*). Йўғ-е. Йўғ-е.

ОНА. Йўғ-е эмас. Ҳа. Ҳа. Кет, деяпман, мен сенга. (*Йигит ҳамон ичкарига қараб, жойидан жил-майди*).

КЕЛИН. Ойижон, менга ўчакишиб, икки ёшни бир-бирларидан жудо қилишга нима ҳаққингиз бор?

ОНА. Қизни мен туққанман. Мен катта қил-ганман. Қани, жўнаб қол, «совчи»!

ҚАЛЛИҚ. (*Қизнинг ичкаридан чиқишидан уни-дини узиб, атайин қаттиқ гапирди*). Хўп, майли.

Ҳайдасалар, биз кетайлик. *(Ичкарисидаги қизни кўзда тутиб)*. «Суймаганга суйқалма» деган донолар.

ОНА. Ана, энди ақлингни топдинг, йигит.

ҚАЛЛИҚ. *(Ҳамон ўз ўйлари билан банд. Ичкарисидан умидлари узилиб, аламзадалик билан яна ҳам қаттиқ гапирди)*. Биз суллоҳлик, зўрлик қилмай кетаверамиз. «Бўйнидан бойланган ит овга ярамайди» деган донолар.

ОНА. *(Бу гапни ўзига олиб)*. Нима, нима? Кимни ит деяпсан?

ҚАЛЛИҚ. *(Даҳшатда бошини ушлаб)*. Мен сизга гапиратганим йўқ.

ОНА. Менга бўлмас кимга гапиряпсан? *(Қаллиқ гангиб жим қолади)* Ким ит? Ким?

ҚАЛЛИҚ. *(Ичкарисидаги қизга атай)*. Мен итман. Пуч ёнғоққа кўйинини тўлдириб, бевафо одамларга умид боғлаган мен итман. Мен!

ОНА. Менинг итга берадиган қизим йўқ. Йўқол. *(Қаллиқ ҳамон умид узолмай, ичкарисига қарайди)*. Йўқол деяпман сенга, беор.

ҚАЛЛИҚ. Хўп, холажон, хўп. *(Қиз томонга қаттиқ)*. Сиз «кет» дедингизми, кетамиз. Албатта кетамиз. Алvido! *(Кета бошлайди. Остонага етганда ичкарисидан жомадон билан шошиб чиққан қизни кўриб, бутунлай ўзгариб кетади ва тўхтайди)*.

ҚИЗ. *(Қаллиқнинг ёнига келиб)*. Хайр, ойижон.

ОНА. Тўхта. Сен қаёққа борасан?

ҚИЗ. Қаллиғимникига. Хайр, дадажон.

ОНА. Шу ишингни яхши ўйлаб қилияпсанми?

ҚИЗ. Жуда яхши ўйлаб қилияпман, ойижон. Хайр, акажон.

ОНА. Мен-чи, мен? Мен нима қиламан? *(Бақиради)*. Онанг нима бўлади, ҳой шадлоқ қиз?

ҚИЗ. Сизга ҳеч нарса бўлмайди. Сиз бу хонадонда «важний» одам бўлиб қолаверасиз, ойижон. Ахир, сизга бундан бошқа ҳеч нарса, ҳеч ким керак эмас.

ОНА. Тўхта, беномус қиз!

ҚИЗ. Бу нима деганингиз, ойижон?

ҚАЛЛИҚ. Бу ҳақорат-ку.

ОНА. *(Қаллиққа)*. Ҳақорат эмас, ҳақиқат. Иккалангингизни орангизда ... бир нарса ўтганга ўхшаб қолди. *(Ҳамма ҳанг-манг бўлиб қолади. Она Қаллиққа бақиради)*. Ҳа, ўтган, ўтган. Сен менинг қизимни нима қилиб қўйдинг, ноинсоф! Виждонсиз!

ҚИЗ. *(Йиғлайди)*. Тилингизни тийинг, ойижон.

ҚАЛЛИҚ. Қизингиздан шундай гумон қилишга уялмайсизми, холажон?

КЕЛИН. Сиз ҳаддингиздан ошдингиз, ойи. Менинг укам итлик қиладиган йигитлардан эмас.

ОНА. Ҳа, ҳимоя қилинг уқангизни, мақтанг. Отаси, сиз ҳам ўйлаб кўринг. Буларнинг ораларида бир гап ўтмаган бўлса, бир-бирларига шунақа

қаттиқ ёпишишармиди? Бу ерда бир бало бўлмаса, қиз онасидан кечиб, тугилган, униб-ўсган уйини ташлаб кетармиди?

ҚИЗ. Ахир, ойижон, бегуноҳлигимни нима билан исбот қилай? Нима билан?

ОТА. Соф дилинг билан ва рост тилинг билан исбот қил, болам. Она хурмати, ота хурмати рўй-рост айт-чи, ораларингда бирор гап ўтмаганми?

ҚИЗ. Орамизда муҳаббатдан бошқа ҳеч нарса йўқ, дадажон.

(Ота Қаллиқнинг кўзларига тикилади).

ҚАЛЛИҚ. Қасамёд қиламанки, орамизда муҳаббатдан ва бир жомадон хатдан бошқа ҳеч нарса йўқ, амаки.

ҚИЗ. Кетдик. *(Кета бошлайдилар)*.

ОНА. Тўхта ... *(Ёлбориб)*. Етти ёт бир йигит деб оқ сут берган онангни шундоққина ташлаб кетаверасанми, қизим?

ҚИЗ. Ойижон. Мен сиздан бир умр миннатдорман. Мен сизни ўла-ўлғунимча севаман. Аммо ҳар бир қиз ҳам, онаси «Ё мени де, ё севганингни», деб шарт қўйса, қийналади, икки ўтда ёналиқудий-ю, лекин барибир севганидан сира кўнгили узолмайди. Биз бечора фарзандлар нима қилайликки, табиатнинг, ҳаётнинг, муҳаббатнинг қонуни шу экан ... Хайр, ойижон. *(Чиқадилар)*.

ОНА. Наҳотки қизим кетди?

ЎФИЛ. Ҳа, ойижон, қизингиз кетди.

ОНА. *(Отаса)*. Ростдан кетдимми, дадаси?

ОТА. Кетди.

ОНА. Йўқ, қаранг, қаранг-чи орқасидан.

ОТА. Энди қарашдан нима фойда?

ОНА. Қаранг, деяпман сизга.

ОТА. *(Қараб)*. Кетиб бўлди.

ОНА. *(Алам билан)*. Ажаб бўпти. Хўп бўпти. Қизим мендан кечган бўлса, мен ҳам қизимдан кечдим.

ОТА. Қачонгача?

ОНА. То ўлғунимча. Қиёматгача.

ОТА. Ўзингизни болангиздан жудодик ўтига ташлагандан кўра, биргина номаъқул одатингиздан кечиб қўя қолсангиз бўлмайдимми, ойиси?

ЎФИЛ. Ҳа, шундай қилинг, ойижон.

ОНА. Менинг қанақа номаъқул одатим бор?

ОТА. Ҳалиги ... Ҳалиги ... «Ким важний»...

ОНА. *(Унинг сўзини бўлади)*. Мен важний дедимми — мен важний.

ЎФИЛ. Хотинжон, сиз кичикроқсиз, сиз ...

КЕЛИН. *(Унинг сўзини бўлиб)*. Мен важний дедимми — мен важний.

ОТА. *(Ялинади)*. Ойиси, илтижо қиламан ...

ОНА. *(Унинг сўзини бўлади)*. Кечмайман, дедим-ку, кечмайман. *(Жаҳл билан товоқни олиб, ерга*

урмоқчи бўлади. Ота унинг қўлидан ушлаб қолади).

ЎҒИЛ. Хотинжон, сиз ...

КЕЛИН. Кечмайман, дедим-ку, кечмайман. (Жаҳл билан товоқни қўлга олади. Ўғил унинг қўлидан ушлаб қолади).

ОТА. Маҳкам ушла, ўғлим, қиз кетди, товоқ кетмасин.

(Иккала аёл товоқларни ерга урмоқчи бўладилар, аммо эркаклар кучли чиқади. Товоқлар осмонда осилиб қолади)

УЧИНЧИ ЭПИЗОД

Кўча. Ўша хонадон дарвозасининг олди. (Биринчи эпизод декорацияси). Ичкаридан қиз ва қаллиқ чиқади ва худди дармонсизлангандек «уҳ» тортиб, эшик олдидаги ўриндиққа ўтириб қолишади.

ҚИЗ. Совчиликка келган одам нима балолар деб валдирадингиз-а?

ҚАЛЛИҚ. Ўзим ҳам ҳайронман. Кўп ўйлаб, совчиликнинг ажойиб режасини тузиб қўйган эдим, аммо ойингизга дуч келдимۇ бутун режа бошдан учди-кетди! Нима қилганимни, нима деганимни ўзим ҳам эслай олмайман! Айниқса, сиз ичкарига кириб кетиб, чикавермаганингиздан кейин, юрагим ёрилаёзди. «Бўйнидан бойланган ит овга ярамайди» деб кўполлик ҳам қилдим. Кечирим сўрайман!

ҚИЗ. Утган ишга саловат! (Сукунат. «Уҳ» тортадилар.) Энди сиз билан биз ёлғизмиз. Ёлғиз!

ҚАЛЛИҚ. Мен сизнинг ёнингизда эканман, сиз ҳеч қачон ёлғиз эмассиз!

ҚИЗ. Биламан ...

ҚАЛЛИҚ. Мен учун туғилган, униб-ўсган азиз маконни ташлаб кетишга тайёр қизни энди бутун умр бошимга кўтариб юрсам ҳам оз. (Ота ичкаридан чиқади. Балаларни бу ерда кўриб, хурсанд. Гапга қулоқ солади).

ҚИЗ. Мен ўзим ҳам сизни қанчалик севишимни энди билдим. Сиз менга энди аввалгидан минг ҳисса азизсиз!

ҚАЛЛИҚ. Миннатдорман!

ҚИЗ. Аммо ота-онам остонасини ташлаб кетишга ҳамон кўнглим чопмаяпти. Мен хиёнат қилатгандекман.

ҚАЛЛИҚ. Хиёнат? Сиз ҳозир қилган ишимиздан пушаймонмисиз?

ҚИЗ. Йўқ, пушаймон эмасман. Аммо — қилган ишимиздан хурсанд ҳам эмасман. Айниқса, оймимга раҳимин келади. Бу остона мен учун шунчалик азизлигини билмаган эдим!

ОТА. Тўғри, болам! Ота-она остонасидан азирок ва жозибалдорроқ нарса йўқ дунёда. «Сафарга отланган одамнинг йўлидаги энг баланд довон — ўз уйининг остонаси», деганлар донолар!

ҚИЗ. Сафарга отланган одам ўша азиз остонага қайтиш орзусида яшайди. Мен эса янги сафарга отланар эканман, бу орзудан маҳрумман. Мен бахтсизман, дадажон!

ОТА. Ўзингни ўзинг бебахт қилма, болам! Уйга қайт. Икки ёшинг тўйи ҳаммага татиши керак. Ноиттифоқлик билан бошланган оилавий ҳаёт бебахт бўлади. Қизим, дарров ойингнинг ёнига қайт!

ҚИЗ. (Иккиланиб). Йўқ, дадажон, мен энди қайтолмайман!

ОТА. Сен агар мендан ҳам кечмаган бўлсанг, ҳозир уйга қайт. Ҳозир!

(Қиз иккиланиб Қаллиққа қарайди).

ҚАЛЛИҚ. Йўқ, қизингиз қайтмайди.

ОТА. Сен қизимга хўжайинлик қилишга шошма, ийгит! Бор, қизим, бор!

ҚИЗ. Йўқ, дадажон. Оиламиздаги ноиттифоқликни битиришнинг тадбири йўқ экан, биз бошқача йўл билан оила қуролмаймиз.

ҚАЛЛИҚ. Шундай.

ОТА. Оиламиздаги ноиттифоқликни битириш тадбири бор, балаларим!

ҚАЛЛИҚ. Қандай тадбир?

ҚИЗ. Айтинг тезроқ, дадажон!

ОТА. Ойинг билан келинбувингни, бир-бирига билдирмасдан, ниқобдорлар хонадонига юборишга муваффақ бўлсак, ғалаба бизники, деявер, қизим!

ҚИЗ. (Қизиқиб). Ниқобдорлар хонадони? Бу нима деганингиз, дада?

ҚАЛЛИҚ. Сизнинг бу тадбирингиз амалга ошсин учун мен нима қилишим керак, амаки?

ОТА. Мана бу саволинг менга ёқди, яхши ийгит. (Қизга). Ниқобдорлар хонадони нима эканини мен сенга кейин тушунтириб бераман. Сен дарров ойингнинг олдига кир, уни тинчлантир! (Қиз жомадонни кўтариб, ичкарига кириб кетади. Қаллиққа). Сен эса менга шу топда жуда ҳам кераксан, инқилобий совчи! (Муҳим маслаҳат ниятида Қаллиқнинг ёнига ўтиради, чирок ўчади).

ТўRTINЧИ ЭПИЗОД

Боғча ҳовлиси. Рўпарада — кўча эшиги. У занжирланган. Томошабинга яқин чеккада — жажжи шийпон. У қора парда билан тўсилган. Чор атроф жимжит. Боғча шаҳардан жуда олис. Бу ерда ҳатто транспорт шарпаси ҳам жуда суст эшитилади. Ҳовли бўм-бўш, гўё бу ерда ҳеч ким турмайдигандек. Жуда узоқдан «Тоҳир ва Зухра» мусиқали драматининг мусиқаси жуда суст эшитилиб туради. Кимдир пластинка қўяётган бўлса керак. Эшик кўнги-роғи жиринглайди. Шийпонда, парда орқасидан икки-уч кишининг дарров йиғилиб, шивирлаб маслаҳатлашганининг шарпаси эшитилади. Яна

кўнғирок. Парда орқасидаги маслаҳат бирданига тўхтайди. Шийпондан икки одам чиқиб, эшик томонга ўтади. Иккаласи врачлардек оқ кийинган ва юзларига қора ниқоб таққан. Улар индамай бориб, кўча эшигининг икки томонидан турадилар. Биринчи ниқобдор эшикнинг тирқишидан кўчага қарайди.

БИРИНЧИ НИҚОБДОР. *(Шийпон ичидаги одамдан).* Устод, мижоз келди.

УСТОД. *(Овози).* Очинглар эшикни! Тезроқ!

(Ниқобдорлар эшикни очадилар ва ўзлари эшикнинг қанотлари орқасига бекинадилар. Остонада — Келин. У боғчага кирар экан, атрофни кўздан кечириб, ҳозиргина эшикни очган кишиларнинг гойиб бўлганига ажабланади. Уни бирданига ваҳима босади, бу ердан қочмоқчи бўлиб, эшик томон отилади ва унинг кўзи олдида эшик қанотларини бекитиб, йўл тўсган икки ниқобдорга дуч келади. Келин даҳшатда лол қолади. Кейин эшикни зўр билан очиб, қочмоқчи бўлади. Ниқобдорлар уни тутиб қоладилар).

КЕЛИН. Кўйиб юборинглар мени! Кўйиб юборинглар!

(Ниқобдорлар индамай, маҳкам ушлаб турадилар).

УСТОД. *(Парда орқасидан овоз).* Бекорга уринасиз! Бу ерга ҳар бир одам ўз ихтиёри билан келиб, фақат бизнинг руҳсатимиз билан кетади.

КЕЛИН. Сизлар кимсиз? Нега ниқоб туттасиз? Ҳой киши, нега сиз мендан яширинасиз?

УСТОД. Билиб қўй ва бир минут ҳам унутма: бу ерга келганларнинг савол беришга ҳаққи йўқ.

КЕЛИН. Кечирасиз.

БИРИНЧИ НИҚОБДОР. «Кечирасиз, устод» дегин, беодоб.

КЕЛИН. Кечирасиз, устод. Мен бизнинг оиламиздаги аҳвол ва бунинг сабаблари ҳақидаги саволларингизга жавоб беришга тайёрман.

УСТОД. Биз аввал оила ҳаётини икир-чикирларигача билиб олиб, ундан кейин унинг аъзоларидан бирини ҳузуримизга даъват этамиз. Бизнинг сенга саволларимиз йўқ.

КЕЛИН. Савол бўлмаса, маслаҳатларингизни эшитишга муштоқман, устод.

УСТОД. Биз сенга маслаҳат эмас, топшириқ берамиз.

КЕЛИН. Топширигингизни бажаришга тайёрман, устод.

УСТОД. Аввал қасамд эт: бу ерда кўрган ва эшитганларингни бирор кишига билдирсанг, биз сени ўлдираримиз. Сен шунга розимсан?

КЕЛИН. Қасамд этаманки, сизнинг сирингизни фош этсам, ўлимимга розиман.

УСТОД. Боракалло! ... Энди берироқ кел! *(Келин парда ёнига боради).* Ма, ол! *(Устод қогоза уралган нарса узатади ва дарров қўлини қотиб, бекитади).* Сен шу дорини қайнонанга билдирмасдан ичир. Билиб қўй, бу — заҳар! *(Келин чўчиб тушади).*

КЕЛИН. Йўғ-е! Йўғ-е!

УСТОД. Юрагинг чиқмасин. Бу заҳарнинг ҳиди ҳам йўқ, таъми ҳам. Бир ой мобайнида секин-секин таъсир қилиб, ўттизинчи куни қайнонангни таппа йўқитади.

КЕЛИН. Нима учун ниқоб тутасизлар, десам, сизлар қотил экансизлар-да, ноинсофлар!

УСТОД. Қизишма, қизишма! Бу сенга қимматта тушиши мумкин. Сен бизнинг яхши нияти-миз ва жасоратимизнинг қадрига ет.

КЕЛИН. Мен қайнонамнинг ҳурмати учун, эримга муҳаббатим туфайли, укамнинг бахти учун бу ерга яхши ният билан келганман. Нега бизнинг оиламиз тинчи учун мен қайнонамни ўлдиршим керак? Норбоевлар оиласини ҳеч кимни ўлдирмай тинчтибсизлар-ку?

УСТОД. *(Жаҳл билан).* Яна савол берасан-а?

КЕЛИН. Бошқа савол бермайман. Шу саволга жавоб беринг! Илтижо қиламан!

УСТОД. Норбоевлар можароси сенинг можаронг олдида ҳолва эди, ҳолва! Сенинг қайнонанг билан муносабатинг ўта қалтис тус олган. Сизларнинг дардингиз газак олиб кетган бедаво дард. Бу дардан фақат заҳар халос этади, заҳар.

КЕЛИН. Йўқ, йўқ! Мен қайнонамнинг ўлимига рози бўлолмайман!


УСТОД. *(Дўқ уради).* Ёлгон сўзлама, бизни алдай олмайсан. Қайнонанга сен деярли ҳар куни ўлим тиламайсанми? Ҳатто бу ёвуз тилагингни қайнонангнинг юзига ҳам айтмайсанми?

КЕЛИН. Айтган бўлсам, тилимда айтганман. Дилимда эмас.

УСТОД. Яна ёлгон гапирдинг. Фақат тилингда гапирган бўлсанг, нега ҳар куни бўлмаган нарсадан жанжал чиқарасан? Ҳар жанжалдан одамнинг умри қисқаради. Сен қайнонангни кунда-кунда ўлдирасан. Қайнонанг ҳам сени кунда-кунда ўлдирди. Энди биз сенга бир кунда биратўла ўлдирини маслаҳат берсак, нега ажабланасан?

КЕЛИН. Йўқ, йўқ. Мен ўз бахтим учун бировни қурбон қилолмайман. Мен одам ўлдиролмайман. *(Дорини улоқтириб ташлаб, ўзи қочмоқчи бўлиб, эшик томонга отилади. Ниқобдорлар уни маҳкам ушлайдилар).* Кўйиб юборинглар мени. Кўйиб юборинглар. Амин бўлинглар, мен сизларни фош этмайман. Ахир мен қасам ичдим-ку. *(Ниқобдорлар қўлидан чиқишга ҳаракат қилади).*

БИРИНЧИ НИҚОБДОР. Устод, бу аёл нажот эмас, ўлим излаб келибди, шекилли.



УСТОД. Ундай бўлса, излаганини беринг. (Ик-кала ниқобдор пичоқ яланғочлаб, Келиннинг устига ташиланадилар).

КЕЛИН. Тўхтанглар. (Ниқобдорлар тўхтамай-ди). Устод, мен розиман.

УСТОД. Тўхтанглар, йигитлар. (Ниқобдорлар Келиннинг қўлларини бўшатадилар).

КЕЛИН. Беринг дорини менга. (Ниқобдорлар ерда ётган дорини олиб беради). Очинглар эшикни. Мен топширингизни бажаришга жўнайман.

УСТОД. Сабр қил. Сенга яна топширик бор.

КЕЛИН. (Чўчиб тушади). Йўқ, Йўқ, Бошқа топширингизга мен кўнмайман. Асло.

УСТОД. Юрагинг ёрилмасин. Бу беозор топширик.

КЕЛИН. Беозор?

УСТОД. Сен шу бугундан бошлаб, қайнонанг билан муомалангни яхшила.

КЕЛИН. Ажаб... (Сукунатдан сўнг). Йўқ, Йўқ, Бу менинг қўлимдан келмайдиган иш.

УСТОД. Бу жуда ҳам зарур иш. Бу топшириқни бажаришинг шарт. Сенинг ҳаёт-мамотинг энди шу ишни яхши бажаришингга боғлиқ. Сен қайнонанг билан муомалангни дарров тузатиб олмасанг, кампир йигирма тўққиз кундан кейин таппа йиқилиб, жон берганида...

КЕЛИН. Қандай мудҳиш ҳодиса!

УСТОД. Агар қайнонанг билан муомалангни дарров яхшилаб олмасанг, кампир кўққисдан ўлиб қолганидан кейин одамлар сендан гумон қилишади. (Кейин чуқур «ух» тортади). «Кампирга келин заҳар берди, кампирни келин ўлдирди», деган ёмон гаплар пайдо бўлади.

КЕЛИН. Даҳшат. Даҳшат.

УСТОД. Иш гап-сўз билан тамом бўлса майли эди-я... Бу хунук гаплар ҳукумат қулоғига етади. Ана ундан кейин тергов бошланади. Ана ундан кейин суд. Суддан кейин...

КЕЛИН. Яхши. Мен қайнонам билан муомаламни яхшилашга ҳаракат қилиб кўраман.

УСТОД. Боракалло. Аммо астойдил ҳаракат қилишинг керак. Бир ҳафтада, нари борса, ўн кунда қайнонанг билан апоқ-чапоқ бўлиб кет.

КЕЛИН. Албатта, апоқ-чапоқ бўлиб кетаман.

УСТОД. Ана энди сенга рухсат. (Келин кета бошлайди). Аммо қасамингни унутма.

КЕЛИН. Унутмайман.

БИРИНЧИ НИҚОБДОР. Билиб қўй, агар қасамингни бузар бўлсанг, осмонга чиқсанг оёғингдан...

ИККИНЧИ НИҚОБДОР. Ерга кирсанг, қулоғингдан тутамиз-да...

УСТОД. ...ўлигингни бекафан кўмамит. Уқдингни!

КЕЛИН. Уқдим. Уқдим. (Алам билан йиғлайди. Остонада). Мени бу хонадонга олиб келган оёқларим синсин. (Кетади. Ниқобдорлар эшикни беки-тиб, қора парда орқасига кириб, ғойиб бўлишади. Шийпонда бир неча секунд шивир-шивир маслаҳат шарпалари эшитилади. Кўча эшиги кўнғироғи яна жиринглайди. Икки ниқобдор яна пайдо бўлиб, эшик олдига шошадилар. Уларнинг бири турқишдан кўчага қарайди).

БИРИНЧИ НИҚОБДОР. Устод, яна бир мижоз келди.

УСТОД. Киргизинглар. Дарров.

(Икки ниқобдор аввалги тартибда эшик қанотлари орқасида бекиниб туриб, оча бошлайдилар. Бутун эпизод давомида узоқдан сует эшитилиб турган «Тоҳир ва Зухра» муסיқаси сал кучаяди. Янги мижоз кўринмасдан аввал чироқ ўчади).

БЕШИНЧИ ЭПИЗОД

Биринчи эпизоддан бизга маълум ҳовли. Туш-ки овқатга яқин пайт. Қиз каттагина дастурхон тузиш билан машғул. Унинг кайфияти чоғ. У «Тоҳир ва Зухра»нинг машҳур куйини хушнудлик билан мингиллаб айтиб, иш қилади. Қизнинг ҳаракатлари ҳам баянлаб рақсга ўхшаб кетади. Дастурхонга тааллуқли нарсалар кўтариб, Келин киради. У Қизга кўмаклашади.

ҚИЗ. Келинбуви.

КЕЛИН. Лаббай.

ҚИЗ. Сизга бир савол берсам, хафа бўлмай-сизми?

КЕЛИН. Нега хафа бўлай?

ҚИЗ. «Ким вазний — мен вазний» мижаросининг оиламизда тамом бўлганига энди ишониш мумкинми?

КЕЛИН. Ахир, бу мижаронинг тамом бўлганига бир ойча бўлиб қоляпти. Биз ойингиз билан апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Нега буни ўзингиз кўриб-билиб туриб ишонмайсиз, синглим?

ҚИЗ. Мен ишонай-ишонай деб қолдим у аммо...

КЕЛИН. Нима «аммо»?

ҚИЗ. Қалиғим бунга сира ишонмаяпти. «Неча йиллардан бери ит-мушук бўлиб юрган қайнона билан келин, қандай қилиб бирданига ярашиб қолади? Бу сира мумкин эмас», дейди. Кечирасиз, «ит-мушук» деб мен эмас, қалиғим айтди, мен фақат унинг сўзларини такрорляпман.

КЕЛИН. Ажаб! Укам нега унақа дейди? Ахир мен ҳам ойимнинг тамом ўзгарганини унга аллақачон айтганман.

ҚИЗ. Сиз менга бир нарсани тушунтириб берсангиз, ойим билан апоқ-чапоқ бўлиб кетганингларга мен ҳам ишонардим, қалиғимни ҳам ишонтираман.

КЕЛИН. Мен сизга нимани тушунтирай, синг-лим?

(*Остонада Она пайдо бўлади ва гапга қулоқ солади*).

ҚИЗ. Сизларнинг бир-бирларингга муомаларингиз қандай бўлиб мунчалик яхшиланиб кетди-а, келинойи? Бундай яхши муомала-муносабатлар нимадан бошланди ўзи?

КЕЛИН. (*Эслаб*). Нимадан бошланди? Жуда ҳам оддий бир нарсдан бошланди. Кунлардан бир кунни мен уйқумда кўзимни очдим-да, оилавий можаронинг беъманилигини тушундим, ҳаётнинг қадрига етдим, майда-чуйда жанжаллар умр эгови эканини пайқадим-да, қайнонам билан муомалани тамом ўзгартиришга, тинч-ротув яшашга қасд этдим.

ОНА. Бекор айтибсиз, келин. Сиз эмас, мен, ҳа, мен, кунлардан бир кунни уйқудан кўзимни очдим-да, оилавий можароларнинг беъманилигини тушундим, ҳаётнинг қадрига етдим, майда-чуйда жанжаллар умр эгови эканини пайқадим-да, келиним билан муомалани тамом ўзгартиришга, тинч-ротув яшашга қасд этдим.

КЕЛИН. Йўқ, яхши муомалани аввал мен бошладим.

ОНА. Йўқ, апоқ-чапоқликни аввал мен бошладим.

КЕЛИН. Йўқ, мен бошладим. Аввал мен сизни чин кўнгилдан «ойижон» дедим.

ОНА. Йўқ, Сизни чин қалбимдан «келинжон» деб мен айтдим.

КЕЛИН. Йўқ, мен аввал сизни чин кўнгилдан «онам» демасам, сиз мени «болам» демас эдингиз.

ОНА. Йўқ, мен аввал сизни чин кўнгилдан «болагинам» демасам, сиз мени «онажон» демас эдингиз.

КЕЛИН. Йўқ, мен аввал бошламасам ...

ОНА. Жим бўлинг, келин, жим бўлинг. Бир гапдан қолинг. Тинчлик ўрнатишга сиздан аввал мен қасд этмасам, бу хонадонда сира тинчлик бўлмас эди.

КЕЛИН. Яна « мен ваҳий » демоқчимисиз?

ОНА. (*Бақиради*). Мен ваҳиймани, сиз ваҳиймисиз, билмадим, аммо мен бу хонадонда тинчлик бўлади, дедимми, бўлади!

КЕЛИН. (*Бақиради*). Йўқ, йўқ! Мен бу хонадонда тинчлик бўлади, дедимми, бўла... (*Эшик кўнгириги чалиниб, можарони тўхтатишга мажбур этади*).

ОНА. Вой, ўлай. Қаллигинг келди, қизим, эшитди бизнинг можаромизни. Куёв олдида яна шарманда бўлди. Шарманда.

ҚИЗ. Ҳаммадан ҳам мен шу шармандаликлан

кўрқар эдим. Қаллиғимдан ажрадим энди. Бу гал тамом ажрадим.

ОНА. Бўлар иш бўлди. Оч энди эшикни тезроқ. Қалиқ кетиб қолмасин.

(*Қиз эшикни очади. Ота киради*).

ОНА. (*Севиниб*). Э, сизмисиз, дадаси? (*Ота кўлидаги масаллиқни Қизга беради. Қиз оишхона томонга чиқиб кетади*).

КЕЛИН. Хайрият.

ОТА. Менинг кириб келишим сизларга ёқмади, шеклиди.

ОНА. Нега унақа дейсиз, дадаси.

ОТА. Важоҳатларинг аллақандай... Ҳа... ҳозир сизлар қизимнинг қаллигини кутасизлар.

КЕЛИН ва ОНА. Кутамиз.

ОТА. Ҳа, онаси, энди ҳаммангизга биз эмас, бўлажак куёв азиз. Биз энди чиқитга чиққанмиз, брак бўлганмиз, ҳеч кимга керак эмасмиз.

ОНА. (*Жиддий*). Сиз ҳеч кимга керак бўлма-сангиз ҳам, менга кераксиз, даласи.

ОТА. Бу гапингизда менга жуда ёқди, хотинжон. (*Кулиб*). Шу гапингизда маҳкам туринг. Бу гапингизда чуқур маъно бор. (*Келин ҳам кулади*).

ОНА. (*Самимий газабда*). Айнимай, адо бўлинг! Ҳали ҳам қуюлмадингиз, қуюлмадингиз-да.

ОТА. Э, қуюлишдан ҳудо сақласин. Фақат ачий бошлаган нарса қуюлади. Биз эса... ўзингиз биласиз...

ОНА. Бас. Айниш ҳам шунчалик бўлади-да. Чиқитга чиққанингиз ростга ўхшаб қолди.

ОТА. Йўқ, биз ҳали чиқитга чиққанамиз йўқ, личингиз ноўрин, хотинжон. (*Қиз қайтади*). Ҳа, майли, бу гапни талабларга биноан бас қилайлик. Аммо мен бир нарсга ҳайронман.

ОНА. Нимага ҳайронсиз?

ОТА. Мен шу топда шу тўрт девор ичида неча йиллардан бери давом этган можаронинг шовқинини эшитдим.

ҚИЗ. Дадажон, сиз шовқинни эшитибсизу маъносини тушунмабсиз.

ОНА. Ана сизнинг чиқитга чиққанингизнинг аломати.

ОТА. (*Жаҳл билан*). Чиқитга чиққанманми, чиқмаганманми, далилини айтар эдим-ку... (*Қизга қараб олиб*) ёшлар бор.

ОНА. Уятсиз!

ОТА. Ҳўш, мен эшитмаган шовқиннинг асл маъносини нима?

ҚИЗ. Хонадонимизда тинчлик ўрнатиш юзасидан оғим билан келинбувим биринчилиқни талашаётган эдилар.

ОТА. У-у. Чин юракдан табриклайман, хотинжон, сизни ҳам қутлайман, келинжон. Аммо мен

яна бир нарсани билмоқни истайман.

ОНА. Нимани билмоқ истайсиз, дадаси?

ОТА. Хонадонимизда кейинги уч-тўрт ҳафтадан бери ҳукмрон бўлиб қолган тинчлик-тотувлик...

ОНА. Бир-бирига она-боладек меҳрибонлик ...

ОТА. Ҳа. Булар ҳаммаси қачонгача давом этар экан-а, ойиси?

ОНА. *(Қасамёд этгандек)*. То ўла-ўлгунимча. *(Келин ҳаяжонда, унинг қўлидан идиш тушиб кетади. Умумий саросима)*.

ОТА. Сизга нима бўлди, келин? *(Келин нима дейишини билмайди)*.

ҚИЗ. Нега рангингиз ўчиб кетди, келинбуви? *(Яна Келин лол. Қўнғироқ эшитилади)*.

КЕЛИН. *(Вазиятдан чиқиш имкониятига севишиб)*. Эшикни очинг, синглим. Қаллигингиз келди.

(Ўғил киради. Қўлида дастурхонбоп гулдаста).

ЎҒИЛ. Мен кечикмадимми?

ОТА. Сен жуда ҳам саодатли соатда келдинг, болам. Ҳозиргина ойинг хонадонимизда бир умр тинчликни таъмин этишга қасамёд этаётган эди. *(Келинга)*. Энди шундай қасамни мен сиздан эшитмоқ орзусидаман. Қани, айтинг-чи, келинжон, хонадонимизда сўнги маҳалда ҳукмронлик қилаётган саодатли дамлар қачонгача давом этади?

КЕЛИН. *(Қасамёд этган оҳангда)*. То ўлгунимча.

(Она қаттиқ ҳаяжонда қўлидаги идишни тушириб юборади).

ЎҒИЛ. Нима гап, ойижон?

ҚИЗ. Нега рангингиз ўчиб кетди, ойижон? *(Она жим)*.

ОТА. Ажаб ишлар рўй бераяпти бутун уйимизда, ўғлим. Нега иккалангиз ҳам шу топда ўлимни эсга олдингиз? Нега иккалангиз ҳам ҳаяжондасиз? Бу жуда галати-ку? Таажжуб. Таажжуб. *(Она ва Келиндан жавоб кутадилар)*. Нега иккалангиз ҳам соқов бўлиб қолдингиз? *(Қўнғироқ жиринглайди)*.

ОНА. *(Севишиб, шошиб)*. Оч эшикни, қизим!

КЕЛИН. *(Шошиб, севинч билан)*. Қаллигингиз келди.

ОНА. *(Эшикка чопган қизига)*. Тўхта, қизим. Ўзим очаман. *(Нафасини ростлаб, эшикни тантанавор очади. Остонада — Қаллиқ. Она икки букилиб, таъзим қилади)*. Хуш келибсиз. Қадамларига ҳасанот. *(Қаллиқ чўчиб тушиб, ўзига келолмай бир зум Онага тикилиб туради-да, кейин ҳишёр тортади ва ғойиб бўлади)*.

ОТА. Қизим, қаллигинг қочди.

ОНА. Нима бало, бугун ҳам қаллигингнинг «мундоқроқ» ларди тутиб турган эканми?

ОТА. Бор, қизим, қаллигингни тутиб кел.

ЎҒИЛ. Агар қўлингдан келса.

(Қиз ўқдек отилиб чиқиб кетади)

ОТА. Йигит бечоранинг юрагини тоза олиб қўйган экансиз-да, ойиси?

ОНА. Қайдам.

ЎҒИЛ. Яхшиямки қочди, хушидан кетиб, йиқилиб қолса, нима қилар эдик?

КЕЛИН. *(Ташқарига қараб, севинч билан)*. Келишипти.

ҲАММА. Хайрият.

(Қаллиқни қиз олдига солиб, олиб келади. Қаллиқ ҳамон кўрқа-кўрқа, қизнинг қистови билан қадам босади).

ОНА. *(Ҳеч нарса билмагандек, қувноқ гапирари)*. Нега чўчиб кетдинг, яхши йигит? Ахир мен сенга куюқ салом бердим-ку?

ҚАЛЛИҚ. Холажон, ўтган сафар ҳам худди шунақа куюқ салом берган эдингиз.

(Қулишадилар).

ОТА. Ўтган ишга саловат!

ҲАММА. Ҳа, ўтган ишга саловат. *(Сужунат)*.

ОНА. Ўтган сафар билан бу сафар орасида ер билан осмонча фарқ бор, болам!

ҚАЛЛИҚ. «Болам?» *(Отага)*. Шу гап ростми, амаки?

ОТА. Рост. Иккинчи отангнинг сўзларига ишонавер, ўғлим!

(Қаллиқ Келиннинг кўзларига жимгина тикилади).

КЕЛИН. Ҳа, укажон, ҳа. Қасамёд этаманки, бу гаплар ҳаммаси рост.

ҚАЛЛИҚ. Ундай бўлса ... ундай бўлса, мен дарров совчини киргизай. *(Эшикка йўналади)*. Совчим тайёр!

ОТА. Совчига энди ҳожат йўқ.

ҚАЛЛИҚ. Нега?

ОТА. Қани, ойиси, ўзингиз бўлажак куёвингизга тушунтириб беринг. Нечун совчига ҳожат йўқ?

ОНА. Болам, сен ўзинг бир марта оламга татийдиган совчилик қилгансан.

ҚАЛЛИҚ. Сизлар ҳам бир инқилобий иш қилайлик, дебсизларда?

ОТА. Ҳа, биз ҳам қатордан қолмайлик, дедик. ҚАЛЛИҚ. Демак, сизлар тўйимизга розисизлар?

ОТА. Шундай, болам!

ОНА. Бизнинг метин қароримиз шу!

ҚАЛЛИҚ. *(Бахтиёрликдан ўзини йўқотиб)*. Ундай бўлса... ундай бўлса... ассалому алайкум, икки карра қариндош!

ОТА. Ҳа, айтгандек, саломлашмаган эдик. Салом, куёв!

ҲАММА. Салом. Салом.

ДАВОМИ БОР

Расмларда Ватан мадҳи



Моҳира Норбоева
Менинг биринчи ўқитувчим

Болаларнинг бадий ва эстетик диди шаклланиши, ижодкорлик қобилиятининг ўсишида ўқув муассасалари қошидаги тўғарақларнинг, улардаги зукко устозларнинг ҳиссалари катта. Сирдарё вилояти Сардоба тумани мактабларидаги «Ёш мусаввирлар» тўғарағи қатнашчилари «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» ҳамда «Менинг мўъжаз Ватаним» Республика кўрик-танловларида нуфузли ўринларни олишга эришдилар.

Кўрик-танловда биринчи ўринни олган Комила Файзиёва ва Моҳира Норбоеваларнинг эришган ютуқларида мураббий расмсоҳиб Ҳошим Каримов ва тўғарақ раҳбари Гушода Тоироваларнинг хизматлари катта. Шунингдек, Н.Суярова, Ш.Жўраев, Т.Қосимов, Н.Сумбоева, О.Шермуродовалар раҳбарлик қилаётган тўғарақлардаги истеъодли ўқувчилар чизган суратлар кўпчиликка манзур бўлди. Саҳифада ёш мусаввирларнинг ижодларидан намуналар беришимиз.

А. ЭСОНОВ




Юлдуз Курбонова
Бахтли болалик



Хуриша Файзиёва
Илк ғалаба



Ғайрат Уталов
Маҳалламиз оқсоқоллари



Ғафур Ғуломнинг бир қатор асарлари яратилган даври ва мазмунига кўра тарихий ҳисобланса-да, моҳиятан ижтимоий-маданий аҳамиятини йўқотмаганлигини қайд этиш лозим. Зотан, XXI асрга келиб, Ғафур Ғуломнинг театр ва кинодаги меросхўрлари пайдо бўлди. Бир қатор машҳур қисса, ҳикояларининг экрандаги, сахнадаги умри давом этиши учун шароит вужудга келди.

Жумладан, «Ҳасан Кайфий», «Менинг ўғригина болам», «Афанди ўлмайдиган бўлди», «Шум бола» каби ҳикоя ва қиссалари асосида спектакллар ва кинофильмлар яратилди.

Драматург учун пьесага киритиш зарур бўлган тўқима образ ва сюжетлар спектаклнинг концепциясига сингиб кетади. Лекин режиссёр ҳам, драматург ҳам спектаклни сахналаштиришда кўпроқ бошланғич манба — «Ҳасан Кайфий» ҳикоясига мурожаат этиб янглишмаганлар.

«Ўтган замон ҳангомалари» спектаклининг биринчи пардаси «Менинг ўғригина болам» ҳикоясидаги маълум ва машҳур сюжет билан бошланади. Ҳикоянинг сахна вариантда режиссёр асарнинг гамгин руҳини сақлаб қолиб, юмор остидаги сатириани аста-секин ривожлантириб боради. Оммавий чиқишларда халқнинг ижтимоий

ҒАФУР ҒУЛОМ ҲАЖВИАСИ

Миллий академик драма театрида сахналаштирилган «Ўтган замон ҳангомалари» спектаклининг асосини «Ҳасан Кайфий» ҳажвий ҳикояси ташкил этади. Ўткир кулги воситалари билан яратилган бу асар услуб ва ифода жиҳатидан комедияга, мазмунан эса трагедияга хосдир. Даврнинг ижтимоий-сиёсий муҳити акс этган ҳажвий асар замирида ўткир киноя, дард, замондан норозилик кайфиятини сезиш қийин эмас. Трагифарс тарзида яратилган бу асарнинг сахна талқинида драматург Усмон Азим ва режиссёр Валижон Умаровлар ҳикоянинг гоёвий мазмуни ва бадиий услубини сақлашга ҳаракат қилганлар. Шу билан бирга Ғафур Ғуломнинг «Менинг ўғригина болам», «Шум бола» асарларидаги айрим воқеа, персонажлардан спектакл композициясини шаклан ва мазмунан бойитиш учун фойдаланганлар. Усмон Азим Ғафур Ғуломгагина хос бўлган бадиий ифода усулини сақлашга ҳаракат қилган ва уч мустақил асар асосида янги пьеса ёзиш жараёнида ёзувчининг ифода услубига мос персонажлар мулоқотини ярата олган.

турмушини акс эттирган режиссёр Валижон Умаров Шум бола образидан кенгроқ фойдаланишга ҳаракат қилади. Унинг машҳур «Сувлар тошқин, дарёлардан ўтолмайман-эй, Отим ориқ манзилимга етолмайман-эй...» кўшиғи спектаклда шунчаки мусиқали безак сифатида янграмайди. Балки халқ билан жўровозликда куйланадиган бу маҳзун кўшиққа спектаклнинг моҳиятини ёритиш юкланади. Умуман, спектаклда қўлланилган барча мусиқа ва кўшиқларга нисбатан бу фикрни айтиш мумкин.

Агар «Ўтган замон ҳангомалари» трагикомедияси спектаклга асос бўлган ҳикоянинг руҳини, гоёсини сақлаб қолган бўлса, «Ўзбекфильм» студиясида суратга олинган «Афанди ва Азроил» бадиий фильми танланган ҳикоялар мазмун-моҳиятидан узоқлашгандек кўринади. Бу янги кинокомедиянинг асосини «Ҳасан Кайфий», «Ҳийлаи шаръий», «Афанди ўлмайдиган бўлди» ва «Мулла Насриддин Афанди ва шайтон алайҳи лаъна» каби ҳикоялар ташкил этади. Танланиши биланоқ бўлажак фильмнинг жанрини белгилаб берган

ҳикояларнинг аксарига бош қаҳрамон комик персонаждир. Шу боис, спектаклдан фарқли тарзда фильмда Афанди образи етакчилик қилади.

Режиссёр Ҳилол Насимов фильمنى суратга олиш жараёнида айрим мизансаҳналарни айнан бадиий асарда келтирилганидек саҳналаштиришга ҳаракат қилади ва бу билан муваффақиятга эришади ҳам. Ҳасан Кайфийнинг кулбаси, мулла Дилкашнинг катта хотини билан жанжаллашиши кадрлари, Афандининг дўстлари билан Азроилга дуч келиш дақиқаларини суратга олишда ёзувчининг

фарқланади. Сатирик комедия жанрида яратилаётган фильмнинг услубий изчиллигини ҳам айнан мана шу ҳикоя бузиши очиқ аён эди. Бироқ режиссёр жанр софлигини сақлаб қолиш ҳақида қайғурмагандек кўринади.

Кинофильмда ўғри образи билан унинг аёли, онаси иштираётган саҳналар, Мулла Дилкашнинг Хоразм қизига уйланиши, савдогар бойга айлангач, эшигида аёлларнинг навбатда туриши каби кадрлар ҳам тўқима сюжетлар бўлиб, фильм концепциясига мос тушмаган. Шунинг учун ҳам ўндан ортиқ персонажлар иштираётган фильмда

ТОМОША САНЪАТЛАРИДА

бадиий тасаввури режиссёрга ёрдам берганлигини сезиш қийин эмас. «Ҳасан Кайфий» ва «Ҳийлаи шарбий» ҳикояларини деярли қисқартиришиз экранга кўчирган режиссёр меросга жиддийлик билан ёндошади. Ҳикоялар мазмуни акс этган кадрлар кулгили саҳналарга бойлиги, таъсирчанлиги билан томошабинда завқ уйғотади. Айни пайтда, Азроил образи режиссёр ва сценарийнавис тасаввур доираси билан янада бойитилганлигининг ҳам гувоҳи бўлдик.

Албатта, фильмга киритилган барча тўқима сюжет ёки образлар шу тарзда муваффақиятли яратилган деб бўлмайди. Сатирик кинокомедиянинг услубий изчиллигини бузган ёки яхлит кинематографик концепция занжири узилган ҳолатлар фильмда кўплаб учрайди. «Ўтган замон ҳангомалари» спектаклидан фарқли равишда «Афанди ва Азроил» фильмига киритилган «Менинг ўғригина болам» ҳикояси фильм концепциясига мос тушмаган. Аслида ҳам бу ҳикоя шаклан ва мазмунан бошқа ҳажвий ҳикоялардан

фақатгина 3-4 образ етакчилик қилади.

Юқорида таъкидланганидек, «Афанди ва Азроил» кинокомедиясида жанрнинг софлиги кўринмайди. Бунга сабаб, киносценарий учун танланган ҳикояларнинг айримлари талқин ва услуби жиҳатидан комедияга, моҳиятан трагедияга хос бўлса, айрим ҳикоялар латифанамо бўлиб, чуқур фалсафа даъво этмас эди. Гоя ва услуби турлича бўлган асарлар асосида яхлит кинофильм яратиш эса жуда мураккабдир.

«Кулгининг зарбасига ҳеч нарса дош беролмайди», деган эди Марк Твен. Бугунги янгица ижтимоий-сиёсий шароитда Фафур Фулом ҳажвий асарлари театр ва кинога адаптация қилинди. Бу жараёнда томоша санъатларининг анчайин хусусиятлари яна бир бор ривожланиш босқичини босиб ўтди. Театр ҳамда кино адабиётдан, хусусан, Фафур Фулом ижодидан нуқсонларни кулги билан фош этишнинг ўзига хос усулини ўрганди.

Шоҳида ЭШОНБОБОВА

Юрти кутқаражак

ИККИ ТОМЧИ ЁШ

Турон деб эсимни таниганимдан
Кўзимда айланар икки томчи ёш,
Гуё пешонамга азалдан битган
Икки қорачиқдай ўхшаш, тақдирдош.

Бири «Шашмаком»нинг оҳангларидан
Титраб қуйлар еамин Амударёнинг,
Бири «Шикаста»нинг набоси билан
Тебраниб эслатар Араз туюёнин.

Бири «Алломиш»нинг руҳидан балқиб,
Нур сочар Муқанна довонигача,
Бири «Дага Кўркут» уфқидан қалқиб,
Таралар Вобакнинг кўреонигача.

Бири Низомийнинг сурури билан
Улуғлашга ташна Киз қалбасини,
Бири Навоийнинг сурури билан
Тенгсиз Бибихоним макбарасини.

Бири Насимийнинг паймонасидан
Тўлаган Фузулию Нотабонларча,
Бири Улуғбекнинг пешонасидан
Меросдир Машрабу Нодирагача.

Бири «Ўткан кунлар» сеҳридан ҳайрон,
Қўмсар самосининг Чўлпонларини,
Бири чорловда «Аршин мол олон»,
Ёд этар Жовиддай ўелонларини...

Шу сонсиз юлдузлар сингари, дўстим,
Булиб кубончимга, еамимга йўлдош.
Кипригимда чўедай ёнажак доим
Толемга битган икки томчи ёш!

УЙҒУР ДАҲОСИ

Жаҳон калом туюин тутган маҳалдан,
Ном-нишон йўеида байту еазалдан,
Соқов асрларга тарих баҳоси
Сўзингни зар билан битган азалдан,
Абад сағоси, о уйеур даҳоси!

Гап кетса мозийнинг наҳангларидан,
Илҳомининг тори тарангларидан,
Бир қалқиб тушади Турон маъвоси
«Илкбек биттиги»нинг оҳангларидан,
Абад сағоси, о уйеур даҳоси!

Олтин Хун даврининг расмларига,
Қашқар баҳорининг насимларига,
Сиру синоатининг тўк интиҳоси
Дўдбаржин хатининг тилсимларига
Абад сағоси, о уйеур даҳоси!

Мисли кам руҳингда мужассам кўркнин,
Тарим тўлкинлари талпинган эркнин,
Эсади она тилнинг хушбўй сабоси
Баеридан «Девону луғатим турк»нинг,
Абад сағоси, о уйеур даҳоси!

Янги «Шоҳнома»лар ишқи туну кун
Ёкқанда қалбини қўхна очуннинг,
Бонг урди созида зафар набоси
Донгдор ҳожиблари Боласоюннинг,
Абад сағоси, о уйеур даҳоси!

Урумчидан кўеиш балқиган сару
Ёркент боёларининг жўшди лапару.

К
А
Й
Р
О
Қ
И
Г
А
П
Л
А
Р

Кўй-кўзиларнинг камайиб кетиши объектив равишда бўри оёқларининг ҳайвонот оламида тутган ўрни пасайишига олиб келади. Зеро, оёқлар боқувчилик родини йўқотиб қўяди.

...

«Янгийўл табакаси» ихлосмандига «Товуқ олдин пайдо бўлганми ёки тухум?» деган асрий жумбоқнинг ҳеч аҳамияти йўқ. Ўша товуқ ўша тухумдан семизгина жўжани очиб чиқса, бас.

...


Ҳозирги ёш эр-хотинлар урушиб қолишса, ярашишлари қийин. Дока рўмолнинг тезда қуришини улар қаердан билгилсини, ахир.

Ўзлонини бердинг

Тилаб гулзорига хурлик самоси,
Ёнги нозимлари, андалиблари,
Абад сагоси, о уйеур дахоси!

Панох излар чоёда Шарқий Туркистон,
Кечмишинани қалқон қилди Буероҳон,
Ўк ёғдирганда ҳам Табаач ҳабоси
Яъжуж-маъжужлардан омон қолган жон,
Абад сагоси, о уйеур дахоси!

Боқий Сўз йулига булиб йулдоши,
Ҳакми куйлашда-ку азал қулдоши,
Шаштларингда аршиниң дорилбакоси,
Сенсан ўзбеаимнинг ўз кўкалдоши,
Абад сагоси, о уйеур дахоси!



Акиф АЗАЛПИ

1938 йилга тасалли

Бир-бир ўйлаганда келди-кеттисин,
Тўфонли йилларин ушбу асрнинг.
Четлаб бўлмас унинг ўттиз еттисин,
Дахшатларин қатли олатасирнинг.
Йилки, ялмоғизнинг йўлини тутди,
Тунлардан ҳам қора келди кундузлар.
Дуч келган неки бор, бир ямлаб ютди,
Жон берди қомида не-не юлдузлар.
Сен ҳам кўп қолишмай ўз салафингдан,
Қозоннинг қораси юкканча кетдинг.
Жаллод тифига жой бериб сафингдан,
Ундан қолганларнинг бошига етдинг.

Олдинг, тўрт ёғидан қўймай айланиб,
Арслонларни олдинг, норларни олдинг.
Шашти осмонларга энди шайланиб,
Авжи чертилмаган торларни олдинг...
Лекин бир гал сезиб ҳақнинг шарпасин,
Иқболни илғашда баридан ўздинг.
Гуноҳинг ювмоқчи бўлиб барчасин,
Кўлингни мангулик савобга чўздинг.
Юрт деб кетган не-не алплар ўрнига
Юртни қутқаражак ўғлонни бердинг.
Таланган карвонни хурлик йўлига
Етаклаб боражак Сарбонни бердинг!

«Бир қадам олға, икки қадам
орқага». Жумбоқ: мазкур сўзлар
муаллифи шу зайлда қадам ташласа
Кизил майдондаги ўз маконига қачон
етиб боради?

Ярим яланғоч кийинган ва маймун
сингари бачкана қилиқлар қилаётган
одамлар Дарвин гипотезасининг
ҳаётдаги исботидир.

Дурадгорни рандаси боқади,
ёзувчини қалами боқади, дангаса
эрни... хотини боқади.

Эълон: «Навоий кўчасида
жойлашган «Ўзбекистон китоблари»
дўконида янги китоблар сотилмоқда».
Эслатма: «Янгийўл табака» ва
«Ғиждувон таомлари»нинг доний
мижозлари ўқимасин.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ

Ёз фасли. Иссиқ забтига олган чошгоҳ маҳали бироз салқинлаш учун истироҳат боёига кириб, ариқнинг ёнига қўйилган суюнчиқли ўриндиқка эндигина утирган эдимки, кимнингдир исимини айтиб чақирган овози эшитилди. Бошимни қўтариб, овоз келган томонга қарадим. Мендан йигирма-ўттиз қадамча нарида рухий касалликлар шифохонасининг шифокори Сайдулла ака турарди. У турган еридан қўлини силқитиб, мен томонга ишора қилган кўйи:

— Бизнинг ишимизда баъзида шундай ҳам бўлиб туради.

— Чароғе туби қоронғи, деганлари шу-да. Мана, менинг хузуримга борсангиз бўлмайдими? Материал деган нарсга елж-еиж. Шифохонада кўрган-билганларимни гапириб берсам, шунинг ўзи ҳам талай китоб бўлади. Ҳамма кизик гаплар ўша ерда, афандим, — деди у елкамга қўлини енгилгина уриб кўйиб.

— Мана мен бир касални даволаганман, — хикоясини бошлади шифокор. — Қачон

ҲИЖОЯ УЧУН МАВЗУ

Муҳаммадамин АШУР,
уйғур адиби

— Ҳой, ёзувчи афандим! Бормисиз дунёда? Хайрият-ей, сизни ҳам кўрадиган кун бор экан-а?! — деганча менга томон юрди.

Сайдулла ака мени кўрганидан оёятда хурсанд бўлиб кетганига қараб: «Бу одамнинг менга айтадиган зарур гапи бор шекилли», деб ўйлаб, сакраб ўрнимдан туриб кетдим.

— Утиринг, ука, утираверинг! — деди шифокор қўлидаги хасса таёғини чап қўлининг билагига илиб, менга ўнг қўлини узатганча. — Саломатмисиз? — дея хол-аҳвол сўраган бўлди.

— Раҳмат. Ўзингизнинг ишларингиз қалай?

— Яхши, ёмон эмас. Гарчи талайгина яшаб кўйган бўлсам-да, руҳим тетик. Ўрнингиздан кўзаатиб кўйганим учун узр, афандим. Келинг, утиринг! — деди Сайдулла ака хасса таёғини ўриндиқнинг бир ёнига охишта тиклаб кўйиб, жойлашиб утираркан. — Қаранг, сиз ҳам шу ерни ёктираркансиз, мен ҳам шу ўриндиқка келиб хордиқ чиқараман. Афандим, ижодингиздан гапирсангиз бўлармиди, янги асарлар ёзясизми?

— Яқиндан бери айтарли ҳеч нарсга ёзганим йўқ.

— Қачон мухарририятга сим қоқиб сўрасам, сизни у ёққа кетди, бу ёққа кетди дейишади. Нима, материал топилмаяптими?

қарама, одамга қараб тиржайиб тургани турган эди. Бу шунчалик маъносиз, шунчалик еалати тиржайиш эдики, биз уни уриб ҳам, сўкиб ҳам ёқимсиз тиржайишини йўқ қилолмадик. Баъзида унга қараб туриб сесканиб кетардим. У хужди менга қараб: «Ҳой, бечора дўхтир, кунда ишга келасан, ишдан кайтасан, бола-чақани боқаман, деб тинмай елиб-югурасан. Ойлик маошимдан, хизмат ўрнимдан айрилиб қолмайин, деб қимларгадир хушомад қиласан, ёлеон сўзлайсан, сенга нима азоби!» деб масхара қилаётгандек туюларди.

— Табба-а! У шундай ҳам ўйлаш мумкинми?

— Бир нарсга деб бўлмайди. Биз уларни рухий хаста деганимиз билан, уларга бизнинг «турмуш», деб овора бўлиб юришларимиз тентакнинг қилшеидек туюлиши мумкин... Хали баъзиларининг кўзига ўнг нарсалар тесқари кўринишини айтмайсизми? Бир аёл буларди, биз уни «Сора хоним» деб чақирардик. У ҳамиша қаҳ-қахлаб қулиб юрарди. Касали кучайиб кетганида, бошини геборларга уриб, ёриб юборарди. Қўл-оёқларини боғлаб қўяйлик десак, касали қайси вақтда тутишини билолмасдик. У тинчланиб қолганида, кириб, яраларини боғлаб қўярдим. Шундай вақтда у хурсанд бўлиб, оёғини ўпиб қўярди. Бир куни ундан:

— Сора хоним, нима учун оёғимни ўпасиз? Бу қандай қилиқ! — деб сўрасам,

у:

— Вой, дўхтур, нима деярсиз, мен ёноенигиздан ўндим-ку? — дегди.

Кейин аниқласак, у хотиннинг кўзига ҳамма нарса боши кўйи, ёёи юқори бўлиб кўринаркан. Тухтовсиз қулишининг сабаби ҳам шундан экан.

— Буларнинг ҳаммаси ажойиб образлар экан, — деб юбордим мен.

Ғапимдан рухланган шифокор:

— Агар ёзаман десангиз, Саттор «генерал»ни ҳам ёзсангиз буларди, — дегди.

— У қандай генерал экан? — қизиқдим мен.

— Генералларнинг жиннисими, жиниларнинг генералими, ишқилиб, бошдан оёқ сариқ ранга кийим кийиб, пойафзал патагини елкасига погон қилиб тақиб олган елати бир одам. Кўкрагига турли-туман рангли тугмалар, қай замонларга тааллуқли мис танга пуллар дегандай нарсаларни медал қилиб тақиб олган холда, қадимги замоннинг генералларидек, қаерлардангир топиб олган темир занжирнинг бир учини кўкрак киссасига, иккинчи учини чопонининг тугмасига тақиб, осултирганча юрар, ўзига жинилардан кўшин ҳам тузиб олганди. Саттор «генерал» шу тарика касалхонанинг балиғ деворлар билан ўралган ҳовлисида ўзича тинимсиз жанглар олиб бориб чарчаган, хуррак отиб ухлаб қоларди. Яна бир бемор буларди. Ҳаммамиз уни «олим» деб атардик. Аслида ҳам у қайси бир олийгоҳнинг профессори бўлган, кўпчиликка ёқмайдиган гап гапиргани учун қалтақлатилган, шундан кейин рухий ҳасталикка чалинган экан. Унинг айтишича, 12 сони жуда хосиятли эмиш. Унинг нима деяётганини ўзи билмаса, ким билади, дейсиз? Бояги «олим» бир қуни кўлида қаердангир топиб олган бир шиша парчасини тутиб, Саттор «генерал»нинг «ажойиб орден»лар қадалган чопонини худди луган қарагандек синчиқлаб текшириб қолди.

— Ҳурматли олим, кўзингизга нималар кўриняпти? — дедим хайрон қилиб.

— Ҳ-х-х, мана бу пулларни кўрдингизми? — деди «олим» бошини кўтариб қараб. — Сиз билмайсиз, бу нихоятда қимматли буюм. Буюк Чингиз сулоласининг ўрдасида бундай пулдан 12 тагинаси сақланиб қолган. Кейинчалик бу пуллар хазинадан ўеирланиб, бутун ўрда тебраниб кетган. Бу пул «генерал»нинг чопонига қандай қилиб қадалиб қолган экан? Билмадим, қолган 11 донаси қаерда бўлса?

«Нима деяпти бу?» деб бориб, «генерал»нинг чопонига энгашиб қарасам,

«олим» кўрсатган «пул» чопоннинг чап кўкрагига, бир мунча тугма-ю, бало-баттарларнинг ўртасида тақилелик турибди. «Олим» шу гапини Саттор «генерал»га айтганида, «генерал» уни қувиб юборди. «Генерал» учун энг муҳими кўшини эди. «Кўшин» қундан-қунга кенгайиб борарди. «Аскарлар»нинг бошида «генерал»нинг ўзи, кейин Носир «ахлат» ахлат тутагидан таёби билан, унинг ортидан айланадиган, орқага юрадиган, тиржайиб турадиган оёғинилар бир-бир сафга тизилиб олиб, шахдам қадамлар ташлаб, касалхона ҳовлисини қизитишар, бунга сари Саттор «генерал»нинг рухи кўтарилиб борарди. Тартибни хар доим орқасига юрадиган сафдош бузарди. Саттор «генерал» уни ёқасидан тутиб, суграб, сафдан чиқариб ташласа, у яна орқаси билан келиб, сафга қўшилиб оларди...

Шифокор сўзидан тўхтаб, бўйнига ўрмалаб кетаётган ҷумолани туширди.

— Саттор «генерал» ҳозир ҳаётми, — деб сўрадим пайтган фойдаланиб.

— Каёқда, бу одамнинг оламдан ўтиб кетганига анча йиллар бўлиб қолди. Ҳа, айтганча, яқинда «генерал»нинг ўлини кўриб қолдим, жуда бойиб кетибди. Ҳайрон бўлдим, жуда камбағал оила эди. Ўлининг айтишича, икки киши отасининг ўлимидан кейин эски чопонини суриштириб келиб, чопонни сотиб олмоқчи бўлишибди. Чопонга қадалган жаранг-журунларни кўргач, ҳалиг икки кишининг кўзи чиккудай бўлиб, «чопонни сот, қанча десанг берамиз» дейишибди. У ҳам гапнинг қаттасини қилиб: «Бу раҳматли гадамдан ёддорлик. Астойдил оломқчи бўлсанлар, 100 минг сўмни нақд санашларингга тўғри келади», дегди. Улар айтилган пулни бериб, қувонганча чопонни олиб кетишибди. Йигит ўша пулларни сибурмай, сабдо билан шуеуланиб, бир-икки йилда шундай бойиб кетибди. Унинг гапларидан кейин, ҳалиги «олим»нинг 12 танга ҳақидаги гаплари эсимга тушиб, ўйланиб қолдим... Шунақа гаплар, афандим. Сизни ҳам кўп гапириб, зериктириб қўйдим-а?

Сайдулла ака гапларини яқунлаб, ҳасса таёғини олди-га, ўрнидан турди. Унинг ҳикояларидан шундай таъсирланган эдимки, шифокорнинг қандай ҳайрлашиб, қандай кетиб қолганини ҳам билмай қолдим. Ўзимга келганимда эса сўхбатдошим мендан анча узоқлашиб кетган эди.

Исматилла БЕКМУРОДОВ
таржимаси

Шундай кишилар бўладики, умрини, ҳаётини, бутун меҳру муҳаббатини ўз касбига бағишлайди. Абдусалом Умаровнинг «Мўтолаа маданияти: шахс, жамият, тараққиёт» рисоласини ўқирканман, негадир китобдан олдин мўлалиф ҳақида сўз юритгим келди. Унинг ҳам биринчи ишлаган жойи кўтубхона эди. Огдий кўтубхона мўдири ўқиди, изланди. Қайси соҳага ишламасин,


нинг, кўтубхонанинг, умуман, китобдан фойдаланишнинг қандай йўл-йўриқлари бор?

Тараққиёт ўз измида давом этаверади. Ҳар қандай техник воситалар, ашёлар эскиради. Китоб — маънавий хазина. Китоб ўзгармайди, эскирмайди, моҳиятини йўқотмайди.

«Дарҳақиқат, китоб ҳамма даврларда тараққиёт ва ўзгаришларнинг энг муҳим

АБДУСАЛОМ УМАРОВ

МУТОЛАА МАДАНИЯТИ:
шахс, жамият, тараққиёт



Рисоладагидай рисола

кўтубхонага қайтаверди. Бу тақдирмиди, тасодифмиди... У бугун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кўтубхонаси директори ва Ўзбекистон Кўтубхоналар Ассоциацияси раиси.

Фидойиларгина тиниб-тинчимай, ўқиб-изланиб ишлай олади. Тақдирини касбига боғлайди. Шунинг учун ҳам Абдусалом Умаровнинг кўтубхоначилик соҳаси ҳақидаги рисолалари, мақолалари, ўқув кўлмалари тез-тез кўзга ташланиб қолади.

Ҳар бир соҳанинг ўз сирасрори, ўзига яраша қонунқоиғаси бор. Кўтубхоначилик

ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб келган. Китоб билан мулоқотга киришайтган, ўлардаги илм ва вояларни тарқатиш билан шугулланаётган маданият, маориф ходимлари ўз фаолиятлари орқали инсон камолоти, жамиятнинг умумий ривожига хизмат қилмоқда ҳамда мазкур жараённинг узвий қисми сифатида атрофда юз бераётган маданий, сиёсий, иқтисодий, ақлий, ахлоқий ва диний, илмий ва фалсафий оқимлар курашида фаол иштирок этмоқда. Ана шундай фидокорона фаолиятнинг пиробард мақсади эса, жамиятда бугунги кун фидойи-

илари, яъни комил инсонни камол топтиришдан иборат», — деб таъкидлайди мўлалиф.

Китобдан тизимнинг ўтмиши, бугуни, ютук ва мўаммоларига баёишланган учта боб, ўнта мақола ўрин олган.

Рисола Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кўтубхонаси ҳамда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти ҳолмилийида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг «Фан» нашриётида чоп этилган.

Манзура ШАМС

									Чақмоқ	
									Озода	
Рухият ҳақидаги фан		Сотувчи		Уй		Ёзма иш тури				
								Қалин ип		
Машҳур тарихчи		Гуруҳ нави		Фам	Соф Шароб	Кўзгу				
								Балиқ овлаш қуроли	Ҳайқиріқ	
Қайиқ тури		Жаҳон Қўлланма					Ушла			
						Ўртоқ Чолғу асбоби				
			→	Ҳашорот		Ини	↓	Хўжа Насриддин	←	Ер ўлчов бирлиги
	Намозга чорлов			Уя				Билан	Ўйин	
				Мазах Соци йўқ						
	Қадимий улов		Она							
						Хизмат- кор аёл		Асорат		Қадимий қabila
		Афсона Жуфт сон						Нур Яшин		
		←	Богловчи		Уй хайвони		Рост			Адабий атама
						Қурол				
Ноёб				Қараб қуй				Теле- курсатув номи	Лаҳза	
Зайф				←	Энага					
					←	Рашк қиламан... Ўзимлан		Ҳид		
	Оғиз очиш вақти	Чолғу асбоби	Нафс						→	Толе
						Онг				Хаёл
		←	Кам				Кимёвий идиш	Базм, тантана		
			100 йил							

Тузувчи: Нодирбек АҲМЕДОВ

Ёш ижрочи театр режиссёрига арз қилди:

— Бу пьесадаги ролим мени кониқтирмайди! Ўзингиз ўйлаб кўринг, сахнага томоша охирида чиқаман, бунинг устига ҳеч қандай сўз айтмай, кўлимдаги жомадонни кўтарганча сахнадан чиқиб кетаман. Бу мен учун жуда озлик қилади.

— Ҳа, сиз ҳақсиз, бу масалани ҳозирок ҳал қиламиз, — деди режиссёр. — Сахнадан олиб ўтишингиз учун сизга яна битта жомадон беришларини буюраман.

Профессор талабадан сўраяпти:

— Яхши ўнги, сиз ўлимдан кейинги ҳаётга ишонасизми?

— Йўқ, бўлиши мумкин эмас...

— Бекор қиласиз! Чунки сиз ўтган ҳафтада бобонгизни кўмиш учун руҳсат сўраган эдингиз. Кеча эса бобонгиз келиб, сизнинг қандай ўқиётганингиз билан қизиқди.

— Афанди, — деди бир арокхўр, — кучугим оёғини арок қўйилган косага тиқиб олди. Арок ҳаром бўлганими ёки ҳалол?

— Арокнинг ҳаром-ҳалол бўлгани билмайман, — деди Афанди. — Лекин кучукнинг оёғи ҳаром бўлгани рост, кесиб ташлаш керак.

Изоҳ ва мулоҳазаларингизни «Nodirbek_Ahmedov@mail.ru» электрон манзилга юборишингиз мумкин. Энг қизиқ изоҳ эгасини таҳриратнинг сирли совғаси кутади.

Мақубларингизни Тошкент, Буюк Турон, 41, «Гулистон» журнали таҳриратига жўнатинг.

Бемор шифокорга деди:

— Раҳмат, дўхтир, оғригим тўхтади. Ҳа, айтмоқчи, мени нима безовта қилаётган экан? Бел оғриғими?

— Йўқ, — деди дўхтир. — Шимингиздаги тортқичингиз тескари тақилган экан.

Икки киссабур камокхонага ўзаро суҳбатлашишарди. Бир иккинчисига деди:

— Назоратчи тақиб юрган ажойиб соатни кўрганмисан?


Иккинчиси шошиб қолди:

— Йўқ, кўрмадим, қани, кўрсатчи?..

— Дагаси, нега йицелаётганим сабабини сўрамаяпсиз? Хохласангиз, бир бошидан айтиб беришим мумкин.


— Керакмас, барибир менда ҳозир ундай пул йўқ.

Зумрад тайёрлади



Сиз янгидай широзлайсиз?





Обуна давом этмоқда

Индекс: yakka obunachilar uchun: - 820

tashkilotlar uchun: - 806

Баҳоси: Kelishilgan narxda.

